

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“КИМЁВИЙ АНАЛИЗ”
модули бўйича
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент – 2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ЎзМУ, Кимё факультети “Аналитик кимё” кафедраси
мудири, к.ф.д., профессор З.А.Сманова

Тақризчилар: ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти,
к.ф.д., проф. Т.А.Азизов.

ЎзМУ, Кимё факультети “Амалий кимё ва органик
синтез” кафедраси мудири, к.ф.д., профессор
А.Х.Хаитбаев.

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг
қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги № 3 -сонли
баённомаси)*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАНБУЛАТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	15
IV. АМАЛИЙ МАНБУЛАТ МАТЕРИАЛЛАРИ	32
V. ГЛОССАРИЙ	55
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	60

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ва 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин. Ушбу дастурда кимёвий анализнинг замонавий жабҳаларидаги ютуқлари баён этилган. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида илмий ишларни энг замонавий даражада олиб бориш, талабаларни ҳам фаннинг охириги ютуқлари доирасида ўргатиб бориш долзарб ҳисобланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда “Кимёвий анализ” модулнинг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, аналитик кимё соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва кимёвий анализнинг амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- “Кимё” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Кимё” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кимёвий анализ” модули бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари билан белгиланади.

“Кимёвий анализ” модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- кимёнинг сифат ва миқдорий анализда қўлланиладиган асбоб ускуналар, замонавий аналитик, биоорганик, кимёдаги ютуқлар, кимё ўқитиш усуллари ва технологиялари соҳалари бўйича Республикада илмий-тадқиқот ва илмий-услубий ишларини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари ва уларнинг моҳиятини;

- кимё соҳаси бўйича Республикада илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини ва уларнинг моҳиятини;

- электрокимёвий анализ усуллари;

- атроф-муҳитнинг аналитик кимёсида қўлланиладиган компьютер дастурларини;

- аналитик кимёнинг замонавий ҳолатини;

- замонавий спектрал асбобларни характерлайдиган катталикларини ва принципларини;

-экспериментал тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилишни;

- илмий-техникавий ва илмий-услубий мавзуларга мос журналларга мақолалар тайёрлаш, ихтиро, илмий кашфиётларни патентлаш, фундаментал, амалий, инновацион ва халқаро лойиҳалар тайёрлаш ва лицензиялашни **билиши зарур**;

- намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш;

- спектрометрлар, хромато-масс-спектрометрлар ва бошқа оптик ҳамда электрокимёвий ускуналарда ишлаш ва фойдаланиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- касбий фаолиятда табиий-илмий фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиш, математик таҳлил ва моделлаш, назарий ва экспериментал тадқиқот методларини қўллаш;

- бугунги рақамли технологиялар даврида жамиятнинг ривожланишидаги ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш **малакаларига эга бўлиши керак**;

- кимё бўйича замонавий ва инновацион таълим технологияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;

-ҳозирги замон кимё фанлари соҳасида ўқув дастурлар, қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш ;

- кимё соҳаси бўйича тингловчиларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш *компетенцияларни* эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Кимёвий анализ” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида соҳанинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Кимёвий анализ” модули мазмуни ўқув режадаги кимёнинг “Биоорганик кимё”, “Замонавий органик кимё” ва “Физикавий кимёнинг замонавий муаммолари” билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар кимё соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориш, консалтинг хизмати фаолиятини бошқара олиш каби касбий компетентликка эга бўладилар.

**“Кимёвий анализ” модули бўйича
соатлар тақсимоти**

№	Мавзу номи	Жами аудитория соати	Аудитория		
			Назарий	Амалий	Кўчма
1.	Моддаларнинг сифат ва миқдорий таркибини аниқлашдаги ҳозирги замон аналитик кимё фанининг долзарб масалалари	2	2		
2.	Кимёда физик-кимёвий тадқиқот усуллари	6	2	4	
3.	Атроф-муҳитнинг аналитик кимёси	4	2	2	
4.	Анализнинг инструментал усуллари (хроматографик, анализнинг спектрал усуллари, спектроскопик, электрокимёвий анализ).	4		4	
5.	Молекуляр спектроскопия. Инфрақизил (ИК) спектроскопия. Флуоресцент спектрометрия. Спектрал асбобларни характерлайдиган катталиклар. Ишлатиладиган асосий асбоб ва ускуналар.	4			4
Жами: 20 соат		20	6	10	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу. Моддаларнинг сифат ва миқдорий таркибини аниқлашдаги ҳозирги замон аналитик кимё фанининг долзарб масалалари (2соат).

- 1.1. Моддаларнинг сифат ва миқдорий таркибини аниқлаш.
- 1.2. Анализнинг спектрал усуллари.
- 1.3. Электрокимёвий анализ усуллари.

2-Мавзу. Кимёда физик-кимёвий тадқиқот усуллари (2соат).

- 2.1. Оптик анализ усуллари.
- 2.2. Кимёвий сенсорлар ва тест-системалар.
- 2.3. Электрокимёвий анализ усуллари. Хромато-масс-спектрометрия.

3-мавзу. Атроф-муҳитнинг аналитик кимёси (2соат).

- 3.1. Атроф-муҳитнинг аналитик кимёси.

3.2. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини оширишда микдорий анализ усулларининг ахамияти.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Кимёда физик-кимёвий тадқиқот усуллари. (4 соат).

2-амалий машғулот. Атроф-муҳитнинг аналитик кимёси. (2 соат).

3-амалий машғулот. Анализнинг инструментал усуллари (хроматографик, анализнинг спектрал усуллари, спектроскопик, электрокимёвий анализ). (4 соат).

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

Кўчма машғулот. Молекуляр спектроскопия. Инфрақизил (ИК) спектроскопия. Флуоресцент спектрометрия. Спектрал асбобларни характерлайдиган катталиклар. Ишлатиладиган асосий асбоб ва ускуналар (4 соат).

Кўчма машғулотлар таянч олий таълим муассасаларининг кафедра ва ЎзР ФА ИТИ лабораторияларида ташкил этилади. Ушбу лабораторияларда тингловчилар замонавий аналитик кимёвий анализ усулларининг асбоб ускуналари билан танишадилар, уларда ишлаш кўникмаларини шакллантирадилар. Тингловчилар спектроскопик, электрокимёвий таҳлилида асбоб-ускуналарида ишлаш тажрибасига эга бўладилар. Олинган натижалардан кимёвий анализ ҳақида маълумотлар олишга кўникма ҳосил қиладилар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатма материалга ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Намуна:

Таҳлил турларининг қиёсий таҳлили					
Тизимли таҳлил		Сюжетли таҳлил		Вазиятли таҳлил	
Афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Муммони келиб чиқиш сабабли ва кечиш жараёнини алоқадорлиги жиҳатидан ўрганиш имкониятига эга	Алоҳида тайёргарликка эга бўлишни, кўп вақт ажратишни талаб этади	Ўз вақтида муносабат билдириш имкониятини беради	Муносабат бошқа бир сюжетга нисбатан қўлланишга яроқсиз	Вазият иштирокчиларининг (объект ва субъект) вазифаларини белгилаб олиш имконини беради	Динамик хусусиятни белгилаб олиш учун қўллаб бўлмайди
Хулоса: Таҳлилнинг барча турлари ҳам ўзининг афзаллиги ва камчилиги билан бир биридан фарқланади. Лекин, улар қаторидан педагогик фаолият доирасида қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилдан фойдаланиш жорий камчиликларни бартараф этишга, мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланишда афзалликларга эгаллиги билан ажралиб туради.					

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

•

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: *“Тизим атроф муҳитдан ажралган, у билан яхлит таъсирлашувчи, бир-бири билан ўзаро боғланган элементлар мажмуаси бўлиб, тадқиқотлар объекти саналади”.*

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавобни баҳолаш мумкин.



Тест

- 1. Тизим қандай сўздан олинган?
- A. modulus
- B. modulis
- C. model



Қиёсий таҳлил

- Оптнер, Квейд, Янг, SR, Голубков моделларини ўзига хос жиҳатларини ажратинг?



Тушунча таҳлили

- Механик тизим тушунчасини изоҳланг



Амалий кўникма

Тизимли таҳлни амалга ошириш учун мавжуд таҳлил моделларида “SR-моделини қўллаш тартибини биласизми?

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: МОДДАЛАРНИНГ СИФАТ ВА МИҚДОРИЙ ТАРКИБИНИ АНИҚЛАШДАГИ ҲОЗИРГИ ЗАМОН АНАЛИТИК КИМЁ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Режа:

- 1.1. Моддаларнинг сифат ва миқдорий таркибини аниқлаш.
- 1.2. Анализнинг спектрал усуллари.
- 1.3. Электрокимёвий анализ усуллари.

Аналитик кимё ёки аналитика – кимё ва физика қонунлари асосида, моддаларни атом, молекуляр, фазовий тузилишини ўрганувчи сифат ва миқдорий таҳлил усул ва услубларини ишлаб чиқувчи кимё фанининг алоҳида бўлиmidир.

1993 йил аналитик кимёга доир VIII Европа конференциясида (Эдинбург, сентябрь 1993й) аналитик кимёга қуйидагича таъриф берилган: “Аналитик кимё модданинг таркиби ва табиатига доир маълумотларни тўпловчи умумий усуллар, воситаларнинг такомиллаштирувчи ва татбиқ этувчи илмий фандир”.

Фаннинг мукамал таърифини излаш ҳаракатлари давом этаётган бўлсада, ҳамма таърифларда ҳам фаннинг асосий моҳияти ўз аксини топган. Фан номига доир мунозара иштирокчилари, барча томонлар эътироф этадиган, энг мукамал таърифни излашга ҳаракат қилишмоқда аммо бу ишлар мукамал ифодада ўз самарасини топган эмас.

Илм-фан ривожланиши, аналитик кимё татбиқ этилаётган соҳаларни кенгая бориши билан фан моҳиятининг талқини ўзгара бориши табиий ҳол бўлса керак. Шунинг учун бу хилдаги мунозаралар давом этади. Бошқа томондан, таҳлил фақат кимёвий усуллардагина эмас, балки биологик, ускунавий (физик, физик-кимёвий) усулларда ҳам бажарилишини эътиборга олиб, “Аналитик кимё” ўрнига “Аналитика” фани деб аталиши кенг қамровли бўлади.

Мухокама этилаётган мавзуга тўхталиб, академик Ю. А.Золотов 1996 й. чоп этган “Аналитик кимё асослари” китобида ёзади: “Бу фаннинг мақсади, илмий билимлар орасидаги ўрни, уни амалий ёки заминдор фанларга мансублиги, ривожлантирувчи омиллари ҳақида кўпгина мунозаралар бўлган”.

Мазкур китобда, юқоридагилар асосида “аналитик кимё” ва “аналитика” ибораларини шартли равишда тенг кучли маънода қўллашга қарор қилинди.

Модданинг таҳлили деганда - турли усуллар ёрдамида (кимёвий, физикавий, физик-кимёвий) модданинг кимёвий таркибига доир амалий

маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш тушунилади. Ю.А.Золотов таърифига биноан: “Ўрганилаётган объект кимёвий таркибига доир маълумотларни тўплашга қаратилган амаллар мажмуаъси кимёвий таҳлил деб аталади”.

Таҳлил усули ва услуги ибораларини фарқлай билиш лозим.

Таҳлил усулини таҳлилнинг асосини ташкил этувчи тамоиллар ташкил этади.

Таҳлил услуги таҳлилни барча шароитлари, бажарилиш тартиби шу жумладан натижа ҳаққонийлиги ва такрорийлигини таъминловчи омиллар баёнидир. Таҳлил натижаларини ҳаққонийлиги ва такрорийлиги миқдорий таҳлил натижаларини статистик ҳисоб усуллари баёнида тўлиқ келтирилган.

Натижани ҳаққонийлиги (тўғрилиги) таҳлил натижаларида тизимли хатолар камлигини англатса, такрорийлик, такрорий тажриба натижаларини ўзаро яқинлигини англатади.

Бугунги кунда, аналитик кимё (аналитика) уч таркибий қисмдан иборат. 1. Кимёвий сифат таҳлил. 2. Кимёвий миқдорий таҳлил. 3. Ускунавий таҳлил (физик ва физик-кимёвий усуллар). Ускунавий усулларни алоҳида ажратиш қатъий эмас, чунки улар аввалги икки таркибий қисмларга ҳам оиддир, яъни ускунавий усулларда ҳам сифат, ҳам миқдорий таҳлил бажарилиши маълум ва машхурдир.

Кимёвий сифат таҳлил - таҳлил этилувчи модда таркибидаги элемент, ион, атомлар гуруҳи, молекулаларни очиш, яъни мавжудлигини исботлашдан иборатдир.

Кимёвий миқдорий таҳлил - модданинг миқдорий таркибини аниқлаш, яъни аниқланувчи модда таркибидаги элементлар, ионлар, атомлар, атом гуруҳлари миқдорини аниқлашдан иборат. Миқдорий таҳлил моҳиятинигина эмас натижасини ҳам қамровчи қуйидаги таъриф ҳам тўғри: таҳлил этилувчи мода таркибидаги кимёвий элементлар (бирикмалар) миқдорини(концентрациясини) тажрибада аниқлаб, натижани ишонч чегараси ва стандарт четланишлари билан ифодалаш.

Моддани сифат таҳлили ҳақида гапирилганда кўпинча “очиш”, миқдорий таҳлил ҳақида гапирилганда “аниқлаш” ибораси ишлатилади. Мазкур дарсликда ҳам ана шу ихчам иборалар, яъни сифат таҳлил ўрнида “очиш” миқдорий таҳлил ўрнида “аниқлаш” иборалари ишлатилди.

Таҳлилни ускунавий (физик ва физик-кимёвий) усулларида - модданинг (эритманинг) физик хоссаларини унинг сифат ва миқдорий таркибига боғлиқлигидан фойдаланилади.

Аналитик кимё (аналитика) да моддаларни элемент, функционал, молекуляр ва фазавий ҳолатлари таҳлил этилади.

Элемент таҳлилда—модда таркибида қанақа элементлар ва қандай нисбатларда борлиги аниқланади.

Функционал таҳлилда - турли функционал гуруҳлар масалан, амино NH_2 , нитрито NO_2 , карбонил $\text{C} = \text{O}$, карбоксил COOH , гидроксил OH , нитрил CN ва бошқа гуруҳлар борлиги очилади ва аниқланади.

Молекуляр таҳлилда—таҳлил этилувчи модда таркибидаги молекулалар очилади ва мураккаб модданинг молекуляр таркиби аниқланади, яъни таҳлил этилаётган объект қанақа молекулалардан ва қандай нисбатларда таркиб топганлиги аниқланади.

Фазавий таҳлилда—таҳлил этилаётган тизимнинг фазавий таркиби (каттик, суёқ, газсимон) очилади ва аниқланади.

Таҳлил турларини мохиятини конкрет мисолда кўриб чиқамиз. Аммоний роданид (тиоционат) NH_4NCS ёки тимочевина (тиокарбамид) $\text{SC}(\text{NH}_2)_2$ дан ёки улар аралашмасидан иборат оқ кукун таҳлил қилинмоғи керак деб ҳисоблайлик. Тахмин этилаётган иккала модданинг элемент таркиби бир хил $\text{CH}_4 \text{N}_2\text{S}$.

Суёқланма ва эритмаларда тиокарбамид ва аммоний тиоционат бир бирига қайтар тарзда ўтиб туриши мумкин $\text{SC}(\text{NH}_2)_2 \rightleftharpoons \text{NH}_4\text{NCS}$.

Масалан, тиокарбамид суёқлантирилганда унинг қандайдир қисми аммоний тиоционатга айланади, аммоний тиоционат суёқлантирилса унинг бир қисми тиокарбамидга изомерланади. Айнан шунинг учун оддий усулда тоза тиокарбамид ёки тоза аммоний тиоционатга тегишли суёқланиш ҳароратини аниқлаб бўлмайди, чунки суёқланиш жараёнида улар бир-бирига ўта бошлайди. Келтирилган тоза моддалардан бирининг суёқланмасида унинг изомери ҳам бўлади Бу модда кристал ҳолда узок муддат сақланганда (секин бўлсада) изомерланиш амалга ошишини инкор этиб бўлмайди. Шундай экан бу моддаларни тоза эмаслиги ҳақида савол туғилади.

Аввал таҳлил этилаётган объектни сифат ва миқдорий таҳлилини бажарамиз. Сифат элемент таҳлил натижасида мода таркибида C , H , N , S элементлари борлигини билиб оламиз, миқдорий элемент таҳлил натижасида элементларни миқдорий нисбатларини аниқлаймиз (1:4:2:1) ва айнан $\text{CH}_4\text{N}_2\text{S}$ формулага мос нисбатда эканлигини билиб оламиз. Аммо бундай таркиб, юқорида кўриб чиқилганидек, тиокарбамидга, аммоний тиоционатга ёки улар аралашмасига ҳам бир хилда мансуб. Бинобарин таҳлил этилувчи модданинг табиати ҳақида фикр юритиш учун, фақат элемент таҳлилнинг ўзи кифоя қилмас экан, чунки натижа тиокарбамид, аммоний тиоционат ёки уларни аралашмаси учун ҳам бирдек бўлади.

Энди функционал сифат таҳлилни (масалан, таҳлил этилаётган модданинг $400\text{-}4000 \text{ см}^{-1}$ оралиғида инфрақизил нурларни ютиш спектрини)

ўрганамиз. Функционал таҳлил, таҳлил этилаётган моддада қанақа функционал гуруҳлар борлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Агар модда структура формуласи H_2NCSNH_2 тиокарбамиддан иборат бўлса, функционал таҳлил натижасида таҳлил этилаётган мода намунасида $\text{S} = \text{C}$ ва NH_2 гуруҳлар очилади. Агар намуна тоза аммоний тиоционатдан NH_4NCS иборат бўлса, функционал таҳлил натижасида аммоний катиони NH_4^+ ва тиоционат аниони (роданид аниони) NCS^- очилади. Агар намуна икала модда аралашмасидан иборат бўлса, унда тўрттала гуруҳларнинг $\text{S} = \text{C}$, NH_2 , NH_4^+ ва NC S^- хаммаси очилади. Бу маълумотлар аралашмадаги икки модда миқдорий нисбатлари ҳақида фикр юритишга имкон бермайди.

Мазкур объектни миқдорий молекуляр таҳлилини ўтказгандан кейингина унинг кимёвий таркиби ҳақида узил кесил хулоса чиқариш мумкин.

Аналитик кимёнинг таҳлил усуллари асосида фармацевтик таҳлил, яъни дорихона ва саноатда тайёрланадиган дорилар ва дори воситаларини сифатини аниқлаш амалга оширилади. Фармацевтик таҳлил: доривор препаратлар (моддалар), дори хом ашёси таҳлили ва дори ишлаб чиқаришни назорат этиш; токсикологик таҳлил (озуқадаги захарли ёхуд зарарли моддалар миқдорини аниқлаш); суд-кимё таҳлилини ўз ичига олади. Фармацевтик таҳлил одатда кимё фармацевтика заводларининг, фабрикаларнинг ва институтларнинг назорат таҳлил лабораторияларида бажарилади. Дори воситаларини назорат этиш учун таҳлилни фармакопея усуллари, яъни давлат томонидан тасдиқланган **Фармакопея мақолалари** ёки дори воситалари меърий сифатини белгиловчи, мажбурий, Умумдавлат стандартлар тўплами–Давлат Фармакопеясига киритилган, усуллар қўлланади. Ривожланган ҳар бир мамлакат ўз Фармакопеясига эга. Бирор дори субстанциясига (дори воситаси тайёрланадиган дастлабки фармакологик фаёл модда), бирорта дори шаклига (кукун, таблетка, драже, капсула, эритма, шамча ва бошқалар) ва бирорта хам дори препаратига (доридаги шифобахш, фармакологик фаол моддалар, шунингдек кўшимчалар) сифат (чинлиги) ва миқдорий таркибини аниқловчи таҳлил усуллари ишлаб чиқилмасдан, амалда қўлланиши учун рухсат берилмайди. Бу аналитик усул ва услублар ҳар бир конкрет ҳолат учун ишлаб чиқилиб, қайта-қайта текширилгач Фармакопея мақоласига киритилади. Муфассал ва мукамал экспертиза этилиб Давлат Фармакопея кўмитаси (АҚШ да – Фармакопея Конвенцияси) томонидан тасдиқлангач, ишлаб чиқаришни турли босқичларида қатнашувчи (сақловчи, истеъмолчига етказувчи, дорини амалда қўлловчи) ташкилотларнинг барчаси учун риоя қилиниши шарт бўлган ҳужжатга айланади. Шундай қилиб, фармацевтик таҳлил - Фармакопея талаблари ёки хали фармакопеяга киритилмаган алоҳида Фармакопея мақоласи асосида дори хомашёси, субстанцияси, дори шакллари сифатини назорат этишдан иборатдир.

Таҳлил учун олинган намунанинг тортими (массаси)га кўра таҳлил турларини 5 усулга бўлинади 1 жадвалда ана шу усулларга тегишли намуна массалари ва ҳажмлари келтирилган.

1-жадвал

Тортимнинг қийматига кўра таҳлил усулларининг тавсифи

Таҳлил усули	Масса, г	Ҳажм, мл
Макротаҳлил (грамм-усули)	1-10	10-100
Яриммикро таҳлил (сантиграмм усули)	0,05 – 0,5	1 - 10
Микротаҳлил (миллиграмм усули)	$10^{-3} - 10^{-6}$	$10^{-1} - 10^{-4}$
Ультрамикротаҳлил(микрограмм усули)	$10^{-6} - 10^{-9}$	$10^{-4} - 10^{-6}$
Субмикро таҳлил (нанограмм усули)	$10^{-9} - 10^{-12}$	$10^{-7} - 10^{-10}$

Томчи таҳлилда – бир томчи реагент эритмасини бир томчи таҳлил этилувчи эритма билан реакцияси ўрганилади. Томчи таҳлили шиша, чинни ёки пластмасса пластинканинг сиртида, таҳлил этилувчи эритмадан бир томчиси билан рангли доғ ҳосил қилувчи реагент шимдирилган қоғозда, ёки микрогаз камерасида бажарилади.

Замонавий аналитик кимёнинг бўлимлари кўзланган мақсадга мувофиқ равишда тегишли бобларда ёритилади. Бу ерда аналитик кимёнинг асосий бўлимларини дастлабки қисқа тавсифи билан чекланамиз.

Кимёвий сифат таҳлили-касрли ва тизимли таҳлилдан таркиб топган. Таҳлил этилаётган намунадаги ион ёки моддани мураккаб аралашмадан бевосита, специфик (махсус) реагент билан, очиш– *касрли таҳлил* дейилади. Таҳлил этилаётган ионлар аралашмасини аналитик гуруҳларга ажратиб, сўнгра очиш-*тизимли (тартибли) таҳлил* дейилади. Катионларни гуруҳларга ажратишнинг турлича–*сульфидли, аммиак–фосфатли, кислота-асосли* таснифлари мавжуд. Хар бир тасниф катионларни кимёвий хоссалари, даврий системадаги ўрни ва электрон тузилишига асосланган. Шунингдек – чўкма ҳосил қилиш, оксидланиш – қайтарилиш хоссалари бўйича анионларнинг турли аналитик гуруҳларга бўлиниши ҳам маълум.

Катион ва анионларни хар қандай таснифи ҳам чекланган. Ионларни кенг қамровли таснифи топилмаган. Органик моддаларнинг сифат таҳлили

хам тегишли функционал гуруҳларни очадиган гуруҳ реагентлар воситасида бажарилади.

Спектрал анализ усуллари. Атом спектроскопияси усуллари ташқи – валент электронлар ва ички электронларнинг бир энергетик ҳолатдан иккинчисига ўтишига асосланган. Электронлар бир энергетик поғонадан иккинчисига ўтиб, дастлабки поғонага қайтганида атом муайян нур чиқаради. Бу вақтдаги нурланиш натижасида ҳосил бўладиган спектрнинг тўлқин узунлиги ва частотасига кўра атом спектроскопияси оптик ва рентген спектроскопия усулларига бўлинади. Оптик спектроскопияда ультрабинафша ва кўринадиган соҳа спектрлари ҳосил бўлишида валент электронлар қатнашса, рентген спектроскопиясида ички электронлар қатнашади. Атомларнинг валент электронлари турли энергияга эга. Оптик соҳа спектрларини олиш мақсадида текшириладиган мураккаб модда биров манба энергияси ёрдамида атомлар ҳолатига ўтказилади. Ички электронлар энергиялари ўзаро яқин бўлганлиги учун рентген спектрларини олишда атомлаш талаб этилмайди. Текшириладиган моддаларни атомар ҳолатга айлантириш учун турли хил атомизаторлардан фойдаланилади. Оптик соҳа усулларига атом-абсорбция ва атом эмиссион усуллар киради. Бу соҳада нурланиш ва модда таъсирлашганда ионизация кузатилмайди. Ташқи, валент электронларни кўзғатиш учун талаб этиладиган энергия ички электронларни кўзғатиш учун талаб этиладиган энергиядан анча кичикдир. Ички электронларни кўзғатиш учун катта энергия талаб этилади. Ички электронларни кўзғатганда ионизация кузатилади. Ионизация натижасида чиқариладиган электронга фотоэлектрон ёки иккиламчи электрон дейилади.

Атом-эмиссион спектроскопия усулларида қўлланиладиган асосий атомлаш ва кўзғатиш манбалари

Атомлаш манбаси	Харорат °С	Намунанинг ҳолати	Аниқланадиган минимал масса улуш, %	Нисбий стандарт четланиш, S_t
Аланга	1700-4800	Эритма	10^{-7} - 10^{-2}	$1 \cdot 10^{-2}$ - $5 \cdot 10^{-2}$
Электр ёйи	3000-7000	Қаттиқ	10^{-4} - 10^{-2}	$1 \cdot 10^{-1}$ - $2 \cdot 10^{-1}$
Электр учқуни	10000-12000	Қаттиқ	10^{-3} - 10^{-1}	$5 \cdot 10^{-2}$ - 10^{-1}

Индуктив боғланган плазма	6000-10000	Қаттиқ	10^{-8} - 10^{-2}	$1 \cdot 10^{-2}$ - $5 \cdot 10^{-2}$
---------------------------------	------------	--------	-----------------------	--

Аланга фотометрияси усулида таҳлил қилинадиган модданинг намуна эритмаси алангага пуркалади. Бунда аланга қатъий аниқ қайта такрорланувчан ҳарорат бўлиши керак. Аланга юқори ҳароратли бўлганлиги учун эритманинг эритувчиси буғланиб (ёниб) кетами. Алангада текшириладиган қаттиқ модданинг майда заррачалари қолади. Бу заррачалар олдин термик диссоциаланиб, эркин атомлар (атомар газ) ҳосил қилади:

Ҳосил бўлган атомларнинг бир қисми аланга энергиясини ютиб қўзғатилган ҳолатга ўтади. Қўзғатилган ҳолатдан асосий ҳолатга ўтган атом ўз табиатига хос частотага эга бўлган фотонлар чиқаради. Чиқаётган фотонлар тегишли оптик системадан ўтганда, бу система нурнинг умумий дастасидан частоталари аниқланадиган моддага тўғри келадиган қисминигина ўтказилади. Ушбу нурланишнинг интенсивлигини ўлчаш асосида текшириладиган модданинг табиати ва миқдори аниқланади. Таҷрибалар жараёнида аниқ ва қайта такрорланувчан натижалар олиш учун аланганинг ҳарорати бир хил бўлишини таъминлаш керак. Бунинг учун горелкага ёнилғи ёки оксидловчи (ҳаво ёки кислород) қатъий ўзгармас тезлик ва босимда берилиш керак. Аланга ҳарорати юқори бўлса, чизиқларнинг интенсивлиги ва усулнинг сезувчанлиги ортади.

Аланга фотометрияси (АФ) АФ – бироқ элемент атоми томонидан нурланишни ажралишига ёки нур ютишига асосланган СФ метод ҳисобланади. Нурни ютиш ёки ажратиш атомлар электронларини бир энергетик ҳолатидан иккинчи энергетик ҳолатига ўтиши билан боғлиқдир. Электронларни пастки энергетик қатламдан юқори энергетик қатламга ўтиши ташқи нурланишни таъсирида (нурланиш частотаси) $\nu = (E_1 - E_0) / h$ мажбурий содир бўлади. Нурланишда атомларни кўчиши ўз-ўзича ёки ташқи нурланишни таъсирида ҳосил бўлишида шу атомга у ажратадиган нур частотасидаги нур таъсирида бўлади. Эмиссион фотометрияда одатда атомлар электронларини қатламларига ўтиши ўз ҳолича ўзгариши қўлланилади. АФ – аланга ҳароратини бироз пастлиги сабабли асосан, осон диссоциаланадиган моддаларни аниқлашга имкон яратади.

Замонавий сифат таҳлилда ноорганик, органик реагентлар, экстракция усуллари, хроматография билан бирга спектроскопия ва электрокимёвий таҳлил усуллари ҳам кенг қўлланади. Кимёвий миқдорий таҳлил *гравиметрик* (тортма) ва *титриметрик* (хажмий) усуллардан иборат. Бу усуллар кимёвий миқдорий таҳлил курсида тўлиқ баён этилади. Таҳлилни *ускунавий* (физик ва физик-кимёвий) усуллари *оптик*, *хроматографик*, *электрокимёвий* ва бошқа (масалан радиометрик, термик,

масспектроскопик, кинетик, ультратовуш) усуллардан таркиб топган. Бу бўлим таҳлилнинг ускунавий усуллар курсида ўрганилади.

Электрохимёвий анализ усуллари.

Электраналитик кимё, электрод реакциялари ва эритмадан электр токи яъни электронлар оқими ўтиши билан боғлиқ, таҳлилни электрохимёвий усулларида иборат.

Электрохимёвий усуллари миқдорий таҳлилда қўлланиши-электрохимёвий жараён ўлчамлари (электрик потенциаллар фарқи, ток кучи, электр миқдори) ни таҳлил этилувчи эритмадаги, муайян электрохимёвий жараёнда қатнашаётган, модда миқдorigа боғлиқлигига асосланган.

Химёвий реакцияда эритмани электрик хоссаларини ўзгариши электрохимёвий жараён бўлиб, бу уйғунлашган жараённи *электрохимёвий тизим* деб аташ мумкин. Таҳлил амалиёти электрохимёвий тизим, электр токини ўтказувчи эритма қуйилган идиш (стакан) ва унга туширилган электродлардан иборат, **электрохимёвий ячейкада** бажарилади.

Таҳлилни электрохимёвий усуллариинг таснифи

Электрохимёвий усуллариинг турли таснифлари мавжуд:

Тизимдаги электр энергияси манбаининг табиатига кўра. 2 хил тури мавжуд.

а) таиқаридан потенциал таъсир этмасдан бажариладиган усуллар.

Гальваник элемент (гальваник занжир) дан иборат электрохимёвий тизимнинг ўзи электр энергиясининг манбаи бўлган *потенциометрик усуллар*.

Бундай тизимда электр юритувчи куч ва электрод потенциаллар эритмадаги аниқланувчи модданинги миқдorigа боғлиқ.

б) таиқаридан берилган потенциал таъсирида бажариладиган электрохимёвий усуллар:

Кондуктометрик таҳлил – электролит эритмасининг концентрацияси ўзгариши билан электр ўтказувчанликни ўзгаришига асосланган..

Вольтамперометрик таҳлил - электродларга берилган потенциаллар фарқи ва эритманинги концентрацияси ўзгариши билан ток кучини ўзгаришига асосланган.

Кулонометрик таҳлил - эритмадан ўтган ток миқдорини концентрацияга боғлиқлигини ўлчашга асосланган.

Электрогровиметрик таҳлил - электрохимёвий реакция маҳсулоти массасини ўлчашга асосланган.

Электрохимёвий усуллари кўлланиш услубига кўра таснифи. Воситасиз ва воситали усуллар мавжуд:

а) воситасиз усулларда – эритма концентрациясига боғлиқ равишда ўзгарадиган электр қиймати тегишли ўлчов асбобида ўлчанади ва эритмадаги аниқланувчи модданинги миқдори топилади.

б) *воситали усуллар* титрлашни электркимёвий усули бўлиб, Т.С.Н титрланаётган эритма электр қийматини ўзгариши асосида топилади.


Мазкур таснифга кўра *воситасиз кондуктометрия кондуктометрик титрлашдан, воситасиз потенциометрия потенциометрик титрлашдан* фарқланади ва х.зо.

Потенциометрик таҳлил (потенциометрия)

Усулнинг моҳияти

Потенциометрик таҳлил (потенциометрия) таҳлил этилувчи эритманинг канцентра-циясига боғлиқ бўлган электр юритувчи куч ЭЮК ва электрод потенциалларни ўлчашга асосланган.

Агар электркимёвий тизим-галваник элемент – электродларида куйидаги реакция



n-та электрон кўчиши билан борса, бу тизим учун Нерист тенгламаси куйидаги кўринишда бўлади.

$$E = E^0 - \frac{RT}{nF} \ln \frac{a(D)^d \cdot a(E)^e}{a(A)^a \cdot a(B)^b} \quad (1)$$

бу ерда одатдагидек, E^0 - реакцияни стандарт ЭЮК (стандарт потенциаллар фарқи) R- газ доимийси, T- абсолют харорат, F-Фарадей сони, $a(A)$, $a(D)$ ва (E) – реакцияда қатнашаётган реагентларни фаолликлари (10.1) тенглама қайтар ҳолда ишловчи галваник элементга тегишли.

Хона ҳарорати учун (10.1) тенглама куйидаги кўринишда ёзилади.

$$E = E^0 - \frac{0,059}{n} \lg \frac{a(D)^d \cdot a(E)^e}{a(A)^a \cdot a(B)^b} \quad (2)$$

Реагентларнинг фаолликлари канцентрацияларига тақрибан тенг бўлган холда 10.1 тенгламани (10.3) кўринишида ёзиш мумкун.

$$E = E^0 - \frac{RT}{nF} \ln \frac{c(D)^d \cdot c(E)^e}{c(A)^a \cdot c(B)^b} \quad (3)$$

бу ерда $c(A)$, $c(B)$, $c(D)$, $c(E)$ реагентларнинг канцентрайиялари. Уй харорати учун бу тенгламани (10.4) кўринишида ёзиш мумкун.

$$E = E^0 - \frac{0,059}{n} \lg \frac{c(D)^d \cdot c(E)^e}{c(A)^a \cdot c(B)^b} \quad (4)$$


Потенциометрик ўлчовда электрокимёвий ячейкадаги икки хил электрод: - потенциоли аниқланувчи модда канцентрациясига боғлиқ бўлган

индикатор электроди ва потенциоли таҳлил ўтказиладиган шароитда ўзгармас *солиштирма электрод*, орасидаги потенциаллар фарқи ўлчанади. Шунинг учун (10.1)-(10.4) тенгламаларда ҳисобланадиган ЭЮК-ни ана шу икки электродлар орасидаги потенциал фарқи деб ҳисоблаш мумкун.

Потенциометрияда: биринчи ва иккинчи тур ҳамда оксидланиш қайтарилиш, мембрана электродлар ишлатилади.

Биринчи тур электрод ўз таркибига мансуб катион бўлган эритма туширилган электрод бўлиб, унинг уч тури мавжуд.

а) ўз тузининг эритмасига туширилган металл М.Бундай электродларнинг сиртида қуйдаги қайтар реакция боради.



Биринчи тур электроднинг бу хилининг реал ҳақиқий электрод потенциоли металл катионлари фаъоллигига $a(M^{n+})$ боғлиқ бўлиб, қуйидагича ифодаланилади.

$$E = E^0 + \frac{RT}{nF} \ln a(M^{n+}) \quad (5)$$

Хона хароратида

$$E = E^0 + \frac{0,059}{n} \lg a(M^{n+}) \quad (6)$$

Суйюлтирилган эритмаларида, катион $a(M^{n+})$ фаъоллиги унинг $c(M^{n+})$ концентрациясига тақрибан тенг бўлганда

$$E = E^0 + \frac{RT}{nF} \ln c(M^{n+}) \quad (7)$$


Хона харорати учун

$$E = E^0 + \frac{0,059}{n} \lg c(M^{n+}) \quad (8)$$

б) Газли электродлар, масалан водородли электрод, жумладан, стандарт водород электроди. Қайтар холда ишловчи газли водород электродининг потенциоли водород ионлари фаъоллигига яъни эритманинг рН қийматига боғлиқ ва хона хароратида қуйдаги

$$E = E^0 + 0,059 \lg a(H_3O^+) = 0,059 \lg a(H_3O^+) = -0,059 \text{pH} \quad \text{-га тенг}$$

чунки водород электродининг стандарт потенциали нулга (E^0)га тенг ва қуйдаги электрон реакцияга мувофиқ



бу реакцияда қатнашаётган электронлар сони $n=1$ тенг.

в) Амальгама электродлари - металл тузининг эритмасига ўша металл амальгамаси туширилган электрод. Мазкур биринчи тур электродининг

потенциоли эритмадаги металл катиони фаоллиги $a(M^{n+})$ ва амальгамадаги ўша металл фаоллигига $a(M)$ боғлиқ.


$$E = E^0 + \frac{RT}{nF} \lg \frac{a(M^{n+})}{a(M)}$$

Амальгамали электродлар қайтар хусусиятига эга.


Анион бўйича *иккинчи тур* электродлар. Иккинчи тур электродларини қуйидаги турлари мавжуд:

а) Оз эрувчан тузи билан қопланган металлни, мазкур туз таркибидаги анион бўлган тўйинган эритмага туширилган электрод. Мисол сифатида кумуш хлоридли $Ag(AgCl) | KCl$ ёки каломел $Hg|Hg_2Cl_2 | KCl$ электродлари.


Кумуш хлоридли электрод, калий хлоридни тўйинган эритмасига туширилган, сувда деярли эримайдиган $AgCl$ тузи билан қопланган кумуш симдан иборат. Кумуш хлоридли электродда қуйидаги қайтар реакция содир бўлади.



Каломел электроди тўйинган KCl эритмаси билан туташган, эрувчан симоб(1) хлориди Hg_2Cl_2 – каломель билан қопланган симоб металидан иборат. Каломель электродида қуйидаги қайтар реакция содир бўлади.



Иккинчи тур электроднинг реал электрод потенциоли анионни фаоллигига боғлиқ бўлиб қайтар тартибда ишловчи электродда борадиган реакция



Нернст тенгламаси билан тавсифланади (9)-(12)

Умумий ҳолда исталган ҳарорат учун

$$E = E^0 - \frac{RT}{nf} \ln a(A^{n-}) \quad (9)$$

Хона ҳарорати учун

$$E = E^0 - \frac{0,059}{n} \lg a(A^{n-}) \quad (10)$$

Анион фаоллиги (a) канцентрациясига тақрибан тенг бўлган ҳолат учун

$$E = E^0 - \frac{RT}{nf} \ln c(A^+) \quad (11)$$

Хона ҳароратида

$$E = E^0 - \frac{0,059}{n} \lg c(A^+)$$

Масалан тегишлича кумуш хлоридли ва каломел электродларни реал потенциоллари E_1 ва E_2 хона ҳарорати учун қуйидагича ифодаланади.

$$E_1 = E^0_1 - 0,059 \lg a(\text{Cl}^-)$$

$$E_2 = E^0_2 - 0,059 \lg a(\text{Cl}^-)$$

Кейинги (каломел) электрод реакциясида 2 та электрон ($n=2$) катнашади ва 2та хлорид иони ҳосил бўлади шу сабабдан логарифм олдидаги кўпайтувчи 0,059га тенг.

Кўриб чиқилган иккинчи тур электродлар қайтар, барқарор ва потенциали ўзгармаслиги сабабли солиштирма электрод сифатида ишлатилади.

б) *Иккинчи тур газли электродлар* – масалан хлорли электрод Pt, Cl₂ |KCl. Иккинчи тур газли электродлар миқдорий таҳлилда нисбатан кам қўлланади.

Оксидланиш-қайтарилиш электродлари – таркибида оксидловчи (Ox) ёки қайтарувчи (Red) бўлган эритмага туширилган инерт материал (платина, олтин, волфрам, титан, графит ва бошқалар) дан иборат. Оксидланиш-қайтарилиш электродларни икки тури мавжуд.

а) Потенциали водород ионларини фаоллигига боғлиқ бўлмаган электродлар. Масалан Pt/FeCl₃, FeCl₂; Pt/K₃[Fe(CN)₆], K₄[Fe(CN)₆] ва х.з.о.

б) Потенциали водород ионлари фаоллигига боғлиқ бўлган электродлар. Масалан, хингидрон электроди.

Потенциали водород ионлари фаоллигига боғлиқ бўлмаган оксидланиш-қайтарилиш электродида қуйидаги қайтар реакция содир бўлади.



Бундай оксидланиш-қайтарилиш электродининг реал потенциали муайян модданинг оксидланган ва қайтарилган шакилларининг фаоллигига боғлиқ бўлиб, қайтар холда ишловчи электродларни ишлаш шароитига кўра юқорида келтирилган потенциаллар каби Нернст тенгламаси (10.13)-(10.16) билан қуйидагича ифодаланади:

$$E = E^0 + \frac{RT}{nF} \ln \frac{a(\text{Ox})}{a(\text{Red})} \quad (13)$$

$$E = E^0 + \frac{0,059}{n} \lg \frac{a(\text{Ox})}{a(\text{Red})} \quad (14)$$

$$E = E^0 + \frac{RT}{nF} \ln \frac{c(\text{Ox})}{c(\text{Red})} \quad (15)$$

$$E = E^0 + \frac{0,059}{n} \lg \frac{c(\text{Ox})}{c(\text{Red})} \quad (16)$$

хамма белгилар ананавий маънога эга.

Агар электрод реакциясида водород ионлари қатнашса уларни фаоллиги (концентрацияси) ҳар қайси конкрет ҳолда Нернст тенгламасида ҳисобга олинади.

Мембрана ёки ионселектив электродлар – қаттиқ ёки суюқ мембранага сорбцияланадиган бирор ионга нисбатан қайтар электродлар. Бундай электродларни реал потенциали сорбцияланадиган ионлар фаоллигига боғлиқ.

Қаттиқ мембраналик электродлар иккала томонида бир хил аниқланувчи ионлари бўлган турли концентрацияли эритмалар орасидаги юпка мембранадан иборат. Бу эритмалардан бири стандарт (аниқ концентрацияли) эритма ва иккинчиси аниқланувчи ион концентрацияси номаълум бўлган, таҳлил этилувчи эритма. Мембранани иккала томонидаги ионлар концентрациялари ҳар хил бўлгани сабабли ионлар миқдори ҳам ҳар хил, бинобарин мембранани иккала томонидаги зарядлар сони ҳам ҳар хил бўлади. Бунинг натижасида потенциалнинг мембрана фарқи вужудга келади.

Ионселектив мембрана электродларини назаряси мукамал ишлаб чиқилган.

Мембрана ион-селектив электродлар воситасида бажариладиган таҳлил *ионометрия* деб аталади.

Юқорида баён этилганидек потенциометрик усулда ишлатиладиган электрохимёвий ячейка таркибида иккита: - индикаторли ва солиштирма электрод бўлади. Ячейкада ҳосил бўладиган ЭЮК мазкур икки электродларнинг потенциаллар фарқига тенг. Потенциометрик ўлчов шароитида солиштирма электроднинг потенциали ўзгармаслиги сабабли ўлчанадиган ЭЮК қиймати фақат индикатор электродининг потенциалига боғлиқ яъни эритмадаги аниқланаётган ионлар фаоллигига боғлиқ. Таҳлил этилаётган эритмадаги модда концентрациясини аниқлаш индикатор электроди потенциалини солиштирма электродга нисбатан ўлчашга асосланган.

Эритмадаги модда концентрациясини аниқлаш воситасиз потенциометрия ёки потенциометрик титрлаш усулларида бажарилса-да иккинчиси, таҳлилда кўпроқ қўлланади.

Воситасиз потенциометрия

Воситасиз потенциометрия одатда даражалаш графиги ёки стандарт қўшиш усулида бажарилади.

а) Даражалаш чизмаси усули. Аниқланувчи моддани муайян концентрацияли 5-7 та эталон эритмалари тайёрланади. Тайёрланган эталон эритмалардаги аниқланувчи модда концентрацияси ва ион кучи таҳлил этиладиган эритма концентрацияси ва ион кучига қанчалик яқин бўлса хатолик шунча кам бўлади. Барча эритмалар ион кучини ўзгармаслиги учун индифферент электролит қўшилади. Тайёрланган эталон эритмаларни ҳар бири электрохимёвий (потенциометрик) ячейкага қуйиб, унга туширилган индикатор ва стандарт электродлар орасидаги потенциаллар фарқи ўлчанади.

Эталон эритма қўйилишидан аввал стакан ва электродлар дистилланган сув билан яхшилаб ювилгач, эталон эритманинг ЭЮК қиймати ўлчанади. Олинган натижалар асосида ЭЮК $Ig\ c$ (бу ерда c -эталон эритмадаги аниқланувчи модда концентрацияси) коорди-натларида даражалаш чизмаси чизилади, одатда бундай чизма чизикли кўринишда бўлади.

Шундан кейин ячейка ва электродлар дистилланган сув билан ювилгач, унга текширилувчи эритма қўйилади ва ЭЮК ўлчанади. Даражалаш чизмасидан $Ig\ c(x)$ қиймати яъни таҳлил этилган эритмадаги аниқланувчи модда $c(x)$ концентрацияси топилади.

б) *Стандартларни қўллаш усули.* Электркимёвий ячейкага таҳлил этилаётган эритманинг $V(x)$ ҳажми қўйилади ва ячейканинг ЭЮК қиймати ўлчанади. Сўнгра ўша эритмага, стандарт эритмани кичик аммо аниқ ўлчанган $V(cT)$ ҳажмини қўшиб яна ЭЮК ўлчанади.

Таҳлил этилувчи эритмадаги аниқланувчи модда $c(x)$ концентрацияси қуйидаги формулада ҳисобланади (10.17)

$$c(x)=c(cT) \frac{V(ct)}{V(x)+V(ct)} \left[10^{n\Delta E/0,059} - \frac{V(x)}{V(x)+V(ct)} \right]^{-1} \quad (17)$$

бу ерда ΔE -ЭЮК ўлчанган икки қиймат орасидаги фарқ, n -электрод реакциясида қатнашаётган электронлар сони.

Воситасиз потенциометрияни қўлланиши. Воситасиз потенциометрия водород ионлари (эритмани pH қиймати), анионлар ва металл ионлари (ионометрия) концентрацияларини аниқлашда қўлланади.

Воситасиз потенциометрияни қўллашда индикатор электродини танлаш ва мувозанат потенциалини аниқ ўлчаш муҳим аҳамиятга эга.

Эритмаларни pH қийматини ўлчаш учун индикатор электроди сифатида, потенциали водород ионларини концентрациясига боғлиқ бўлган, шиша, водородли хингидрон ва бошқа электродлар ишлатилади. Кўпинча водород ионлари бўйича қайтар бўлган шиша мембрана электроди ишлатилади. Шиша электроднинг потенциали водород ионларининг концентрациясига боғлиқ бўлгани сабабли, таркибида шиша электрод бўлган электр занжирнинг ЭЮК қиймати хона ҳароратида, қуйидаги тенглик билан тавсифланади.


$$E=K+0,059pH$$

бу ерда K - доимий сон, мембрана материали ва солиштирма электрод табиатига боғлиқ. Шиша электрод pH қийматларини $pH=0-10$ (кўпинча $pH=2-10$) оралигида юқори қайтувчанлик ва барқарорлик билан аниқлаш имконига эга.

Илгари кўп қўлланган *хингидрон электрод*- электродларни оксидланиш-қайтарилиш турига мансуб бўлиб, унинг потенциали ҳам водород ионлари концентрациясига боғлиқ. Бу электрод, хинон ва гидрохинон эквимоляр нисбатидаги $C_6H_4O_2 \cdot C_6H_4(OH)_2$ (сувда кам эрий-

диган тўқ яшил кукун) хингидрон билан тўйинтирилган, кислота (одатда HCl) эритмасига туширилган платина симидан иборат. Хингидрон электроди схематик равишда қуйидагидек тасвирланади Pt (хингидрон) HCl.

Хингидрон электродида қуйидаги оксидланиш-қайтарилиш реакцияси содир бўлади.



Хингидрон электроднинг хона хароратидаги потенциали қуйидаги формула билан тавсифланади.

$$E = E^0 - 0,059 \text{ pH}$$

Хингидрон электродида эритмани pH=0–8,5 қийматлари оралиғида ўлчаш мумкин pH < 0 шароитда хингидрон гидролизланиб, (гидролитик парчаланиб) кетади pH > 8,5 бўлган шароитда хингидрон кучсиз кислота сифатида нейтралланиш реакцияга киришади.

Кучли оксидловчи ва қайтарувчилар бўлган муҳитда хингидрон электродидан фойдаланиш мумкин эмас.

Мембрана ион – селектив электродлар, юқорида баён этилгандек турли катионлар (Li⁺, Na⁺, K⁺, Mg²⁺, Ca²⁺, Cd²⁺, Fe²⁺, Ni²⁺ ва бошқалар) ва анионлар (F⁻, Cl⁻, Br⁻, J⁻, S²⁻ ва бошқалар) ни аниқлашни ионометрик усулида ишлатилади.

Воситасиз потенциометрия содда ва тезкор бўлиб, амалиёт учун эритмани кичик ҳажми кифоя этади.

Потенциометрик титрлаш

Эритмани титрлаш учун сарфланган титрант ҳажмини титрлаш жараёнида индикатор ва солиштирма электродлардан иборат галваник элемент ЭЮК – ни ўлчаб бориш *потенциометрик титрлаш* деб аталади. Потенциометрик титрлашда электрохимёвий ячейкадаги таҳлил этилувчи эритма тегишли титрант билан титрланиб, ТСН галваник занжирни ЭЮК қиймати кескин ўзгариши яъни тегишли ион концентрациясига сезгир, индикатор электроднинг потенциални эквивалент нуқтада кескин ўзгариши асосида аниқланади. Қўшилган титрант ҳажмига кўра индикатор электрод потенциални ўзгариши ўлчаб борилади. Олинган натижалар асосида потенциометрик титрлаш эғриси чизилади ва шу графикдан ЭН да сарфланган титрант ҳажми топилади.

Потенциометрик титрлашда кимёвий индикатор қўллаш эҳтиёжи қолмайди.

Потенциали, титрлаш реакцияси қатнашаётган (ёки хосил бўлаётган) ионлар концентрациясига сезгир бўлган индикатор электроди танланади. Солиштирма электроднинг потенциали титрлаш давомида ўзгармасдан сақланиши шарт. Иккала электрод электрохимёвий ячейкада бевосита ёки ток ўтказувчи индифферент электролит эритмаси (электролитик калит) билан туташтирилган иккита идишга ўрнатилади. Таҳлил этилувчи эритма

қўйилган идишга индикатор электроди, ток ўтказувчи индиферент электролит эритмасига солиштирма электрод ўрнатилади.

Магнит аралаштиргич ёрдамида аралаштириб турилган, таҳлил этилувчи эритмага титрантнинг тенг улушлари қўшиб хар гал потенциаллар фарқи ўлчаб борилади. ЭНга яқинлашгач, титрлаш охирида, титрант томчилаб, секин аста қўшилади ва қўшилган хар томчидан сўнг электродлар орасидаги потенциал фарқи ўлчаб (ёзиб) борилади.

Электродлар орасидаги потенциаллар фарқи катта қаршилиқдаги потенциометрда ўлчанади.


Потенциометрик титрлаш эгриси. Электркимёвий ячейканинг ЭЮК қийматини ~ аниқланувчи эритмага қўшилган титрант ҳажмидан боғланиш чизмаси потенциометрик титрлаш эгриси деб аталади.

Потенциометрик титрлаш эгриси турли координатларда чизилади:

$E-V(T)$ координатларида чизилган титрлаш эгриси (баъзан титрлашни интегралэгриси) дейилади.

$dE/dV-V(T)$ ва $d^2E/dV^2-V(T)$ координатлардаги эгрилик титрлашни дифференциал эгриси деб аталади.

Гран усулидаги титрлаш эгриси $\Delta V/\Delta E-V(T)$ координатларда чизилади бу ерда E -потенциометрик ячейкани Э.Ю.К. қиймати ва $V(T)$ қўшилган титрантнинг ҳажми, ΔE -титрантни ΔV ҳажми қўшилганда потенциални ўзгариши 1 расмда потенциометрик титрлашни хар ҳил турлари тасвирланган.



10.1-расм. Потенциометрик титрлаш турлари E ўлчанган ЭЮКнинг қийматлари, $V(T)$ -қўшилган титрантнинг ҳажми, $E.H(V)$ -эквивалент нуқтада сарфланган титрантнинг ҳажми.

а- $E - V(T)$ координатларидаги титрлаш эгриси.

б, в – титрлашни дифференциал эгриликлари.

г – Гран усулида чизилган титрлаш эгриси.

Титрлашни ЭНсида сарфланган титрант ҳажми (ЭН) V -ни фақат чизма усулда эмас балки (18) формула асосида ҳисоблаш ҳам мумкин.

$$(\text{Э.Н}) V=V_1 + (V_2-V_1)\frac{A_1}{A_1-A_2} \quad (18)$$

бу ерда V_1 - ЭНгача қўшилган титрантни сўнгги ҳажми, V_2 - ЭНсидан кейин дастлабки ўлчашга тегишли сарфланган титрант ҳажми.

$$A_1=\Delta\left(\frac{\Delta E}{\Delta V_1}\right), \quad A_2=\Delta\left(\frac{\Delta E}{\Delta V_2}\right),$$

10.1. жадвалда, фармакопея мисоли тариқасида, потенциометрик титрлаш натижалари ва ҳисоблари келтирилган.

10.1 жадвалдаги маълумотлардан (10.18) формула асосида (ЭН)V қийматини ҳисоблаймиз. Жадвалдаги маълумотга кўра $\Delta E/\Delta V$ максимал қиймати 1000га тенг. Бўлган ҳолатлар яқинида $V_1=5,20$ ва $V_2=5,30$: $A_1=720$, $A_2=450$. Шу қийматларни 10.18 формулага қўйсақ

$$\text{ЭН}(v) = 5,20 + (5,30- 5,20)\frac{720}{720-450} = 5,26 \text{ см}^3$$

Жадвал 1.

Потенциометрик титрлаш натижаларини ҳисоблаш мисоли

$V_{\text{см}^3}$	$\Delta V_{\text{см}^3}$	E мВ	$\Delta E_{\text{мВ}}$	$\Delta E/ \Delta V$	$(\Delta E/ \Delta V)=A$
5,00	0,10	250	13	130	
5,10	0,10	263	28	280	+150
5,20	0,10	291	100	1000	+720
5,30	0,10	391	55	550	-450
5,40	0,10	446	22	220	-330
5,50	0,10	468	10	100	-120
5,60		478			

Потенциометрик титрлашни қўлланиши

Мазкур усул универсал бўлиб, титрлашни барча: кислота-асос, оксидланиш қайтарилиш, комплексонометрик чўктириш, сувсиз муҳитда титрлаш усулларида ТСН аниқлашда қўллаш мумкин. Индикатор электроди сифатида шиша, симоб ионселектив, платина ва кумуш электродлари, солиштирма электрод сифатида – каломель ва кумуш хлорид электродлар ишлатилади.

Потенциометрик титрлаш усули юқори аниқлик, сезгирликка эга бўлиб, лойқа суспензиялар, рангли, ва сувсиз муҳитда ҳам ишлатилиши битта эритмадаги турли анионларни масалан, аргентаметрик титрлашда хлорид ва йодид ионларни аниқлаш мумкин.

Потенциометрик титрлаш усулларида кўпчилик доривор моддалар масалан: аскорбин кислотаси, сульфаниламид препаратлари, барбитуратлар, алкалоидлар ва бошқаларни аниқлаш мумкин.

Кондуктометрик таҳлил (кондуктометрия)

Кучли электролит эритма электр ўтказувчанлигини эритма концентрациясига боғлиқлигини, биринчи бўлиб 1885 йилда топган олмониялик олим Ф.В.Кольрауш (1840-1910 й) кондуктометрик таҳлил ихтирочиси ҳисобланади. XX асрни 40 йилларида юқори частотали кондуктометрик титрлаш усули ишлаб чиқилди. XX асрни 60 йилларидан бошлаб кондуктометрик детекторлар суюқлик хроматографиясида қўлланила бошланди.

Усулнинг тамоили. Асосий тушунчалари

Кондуктометрик таҳлил электролит эритмасининг электр ўтказувчанлигини эритма концентрациясига боғлиқлигини ўлчашга асосланган.

Электролит эритмасининг электр ўтказувчанлиги, шиша идиш (стакан)га кавшарлаб қўйилган иккита электроддан иборат электрохимий ячейкада ўлчанади. Ячейкадаги электролит эритмасидан ўзгарувчан электр токи ўтказилади. Кўпчилик электродлар платина металлидан тайёрланади. Электрод ҳажмини ошириш мақсадида унинг сирти платиналик туз эритмасидаги платина ионларини электрохимий чўктириш воситасида говакли платина билан қопланади (Платиналанган платинаэлектроди).

Электролиз ва электродларни кутбланишини олдини олиш мақсадида кондуктометрик ўлчашлар ўзгарувчан электр токида бажарилади.

Ўтказгичларнинг биринчи тури- металллардаги каби, электродлар орасидаги эритма қатламининг қаршилиги (R) мазкур қатлам қалинлиги (l)га тўғри ва электродлар юзаси (S)га тескари мутаносиб

$$R = \rho \frac{l}{S} = \frac{l}{\kappa S} \quad (19)$$

бу тенгламада коэффициент ρ -солиштирма электр ўтказувчанлик ва унинг тескари қиймати $\kappa=1/\rho$ солиштирма электр ўтказувчанлик деб аталади. Электр қаршилиги R-ом бирлигида эритманинг қават қалинлиги l-сантиметрда, электродларнинг юзаси см²-да ўлчангани сабабли солиштирма электр ўтказувчанлик Ом⁻¹ см⁻¹ (баъзан См см⁻¹) бирликда ифодала-нади.

Солиштирма электр ўтказувчанликни κ физик маъноси 1 см³ эритманинг электр ўтказувчанлиги бўлиб, юзаси 1 см², электродлар орасидаги масофа 1 см бўлган эритма устунининг 1 вольт кучланиш берилгандаги электр ўтказувчанлик – 1В/см маъносини англатади.

Солиштирма электр ўтказувчанликнинг қиймати электролит ва эритувчининг табиати, эритма концентрацияси ва хароратга боғлиқ.

Эритманинг концентрацияси ортган сайин электр ўтказувчанлик аввал ортади, сўнгра максимумдан ўтгач камаяди. Электр ўтказувчанликни бундай ўзгаришининг сабаби қуйдагича тушунтирилади. Кучли ёки кучсиз электролит эритмаси концентроцияси ортганда ток ўтказувчи зарралар, ионлар, сони ортади. Шунинг учун эритманинг электр ўтказувчанлиги (эритмадан ўтаётган ток кучи) ортади. Сўнгра эритма коцентрацияси ортган сари унинг қовушқоқлиги, ионларни электростатик тортишуви ортади (ионлар харакатчанлиги камаяди), Натижада концентрация ортгани билан электр ўтказувчанлик ортмайди.

Кучсиз электролит эритмасида концентрация ортган сари электролитни диссоциация даражаси камаяди бу эса ток ўтказувчи зарра-ионлар сонини камайиши бинобарин солиштирма электр ўтказувчанликни камайишига сабаб бўлади. Кучли электролит эритма-сини концентрацияси ортганда ион ассоциатлар (икки, уч ва ундан ортиқ ионларни бири-куви) хосил бўлади ва бу ҳам электр ўтказувчанликни камайишига сабаб бўлади.

Кўрсатилган омиллар мажмуаси электролит эритмаси солиштирма электр ўтказув-чанлигини юқоридаги тартибда ўзгаришига сабаб бўлади.

Харорат ортганда эритма қовушқоқлиги камайиши, ионлар харакатчанлигини ортиши, кучсиз электролитларда эса диссоциация (электролит молекуласини ионларга ажралиш) даражаси ортгани сабабли солиштирма электр ўтказувчанлик ортади. Шунинг учун микдорий кондуктометрик ўлчов, кондуктометрик ячейка термостатланган, холда ўзгармас хароратда бажарилади.

Кондуктометрияда солиштирма электр ўтказувчанликдан ташқари *эквивалент электр ўтказувчанлик λ ва моляр электр ўтказувчанлик μ ишлатилади.*

Эквивалент электр ўтказувчанликни физик моҳияти – 1 см масофада жойлашган бир хил электродлар орасида 1 г экв эриган моддаси бўлган бир 1 см³ эритмани электр ўтказув-чанлигидир.

Эквивалент моляр массага заряд сони бирга тенг бўлган зарраларга тенг улуш олинади. Масалан H^+ , Br^- , $\frac{1}{2}Cu^{2+}$, $\frac{1}{3}Fe^{3+}$ ва х.з.о.

Шундай қилиб, солиштирма электр ўтказувчанлик к турли концентрацияли эритмалар 1 см³ ҳажмининг электр ўтказувчанлигини тавсифласа, эквивалент электр ўтказувчанлик λ 1 грамм эквивалент электролитнинг электр ўтказувчанлигини тавсифлайди эритманинг ҳажми турлича бўлиши мумкин.

Электролит эритмасини концентрацияси камайган сари эквивалент электр ўтказувчанлик ортаборади. Чексиз суюлтирилган электролитнинг эквивалент электр ўтказувчанлиги максимал қийматга эга бўлади. Эквивалент электр ўтказувчанлик солиштирма ўтказувчанлик каби харорат ошган сари ортади.

Эквивалент электр ўтказувчанлик λ солиштирма электр ўтказувчанлик λ_0 билан қуйидагича (10.20) боғланган.

$$\lambda = \frac{1000 \cdot \kappa}{c} \text{ см}^{-1} \cdot \text{ЭЭКВ}^{-1} \cdot \text{см}^2 \quad (20)$$

бу ерда c -эквивалент моляр концентрация.

Кольраушни ионларни мустақил харакати қонунига муофиқ электролитнинг чексиз суюлтирилган эритмасидаги эквивалент электр ўтказувчанлик λ_∞ ёки (λ°) катион ва анион-ларни чегаравий харакатчанликлари (λ°_+ ва λ°_-) йиғиндисига тенг, яъни чексиз суюлтирилган эритмадаги ионлар харакатчанлигига тенг.

$$\lambda_\infty = \lambda^\circ_+ + \lambda^\circ_- \quad (21)$$

Муайян эритувчидаги ионни чегаравий харакатчанлиги берилган хароратда ўзгармас катталиқ бўлиб, мазкур ионнинг электрик харакатчанлигини ифодалочи доимий (яъни айна ионга хос) катталиқдир.

10.2-жадвалда мисол тариқасида баъзи ионларни сувли эритмадаги чегаравий харакатчанлиги келтирилган.

Жадвал 2.

25^oда, сувли эритмадаги баъзи ионларни чегаравий харакатчанлик λ° қийматлари

Катион	λ° , Ом моль ⁻¹ см ²	Анион	λ° , Ом моль ⁻¹ · см ⁻¹
H ⁺	349,8	OH	198,3
Rb ⁺	77,5	1/4[Fe(CN) ₆] ⁴⁻	111
Cs ⁺	77,2	1/3[Fe(CN) ₆] ³⁻	99,1
NH ₄ ⁺	73,7	1/2CrO ₄ ²⁻	85
K ⁺	73,5	1/2SO ₄ ²⁻	80,8
1/2Pb ²⁺	70	Br ⁻	78,1
1/3Fe ³⁺	68	J ⁻	76,8
1/2Ba ²⁺	61,6	Cl ⁻	76,4
Ag ⁺	62,2	NO ₃	71,5
1/2Ca ²⁺	59,5	1/2CO ₃ ²⁻	69,3
1/2Zn ²⁺	54	1/3PO ₄ ³⁻	69
1/2Fe ²⁺	53,5	ClO ₄	67,3
1/2Mg ²⁺	53	F ⁻	55,4
Na ⁺	50,11	HCO ₃ ⁻	44,5
Li ⁺	38,68	CH ₃ COO ⁻	40,9

3 жадвалда сувли эритмалардаги ионларни чегаравий харакатчанлигига хароратни, 4 жадвалда эритувчи табиатини таъсири кўрсатилган.

Жадвал 3.

Сувли эритмаларда баъзи ионлар чегаравий харакатчанлиги λ° га хароратни таъсири

Ион	λ° , Ом моль ⁻¹ см ²				
	0	18	25	55	100
H ⁺	225	315	349,8	483,1	630
Li ⁺	19,4	32,8	38,5	68,7	115
Na ⁺	26,5	42,8	50,1	86,8	143
K ⁺	40,7	63,9	73,5	119,2	195
Rb ⁺	43,9	66,5	77,8	124,2	-
Cs ⁺	44	67	77,2	127,6	200
Ag ⁺	33,3	53,5	62,2	-	176
1/2Ca ²⁺	31,2	50,7	59,5	-	180
1/2Ba ²⁺	34	54,6	63,6	-	195
OH ⁻	105	171	198,3	-	450
Cl ⁻	41	66	76,4	126,4	212
Br ⁻	42,6	68	78,1	127,8	-
I ⁻	41,4	66,5	76,8	125,4	-
1/2SO ₄ ²⁻	41	68,4	80	-	260
CH ₃ COO ⁻	20,3	34	40,9	-	130

Жадвал 4.

Турли эритувчиларда баъзи ионларнинг 25°C даги чегаравий харакатчанлиги

Ион	λ° , Ом моль ⁻¹ см ²				
	Сув	Метан ол	Этано л	Ацит он	Нитробенз ол
H ⁺	349,8	143	59,3	88	23
Na ⁺	50,11	45,2	18,7	80,0	17,2
K ⁺	73,5	52,4	22,0	82,0	19,2
Ag ⁺	62,2	50,3	17,5	88	18,6
Cl ⁻	76,4	52,9	24,3	111,0	17,3
Br ⁻	78,1	55,5	25,8	113,0	19,6

Чегаравий концентрациядаги ионлар харакатчанлиги λ доимий қиймат бўлмай эритма концентрациясига (5 жадвал) боғлиқ, концентрация ортган сари ионлар харакатчанлиги камая боради.

Жадвал 5.

**Эритмаларни турли концентрациялари (с)да ионлар
харакатчанлигининг λ қийматилари**

с, моль/дм ²	λ° , Ом моль ⁻¹ ·см ²							
	H ⁺	Li ⁺	Na ⁺	K ⁺	O ²⁻	Cl ⁻	F ⁻	
0,001	314, 2	32, 5	42, 3	63, 1	17 1	65, 0	45, 5	
0,01	307, 0	30, 1	40, 0	60, 4	16 7	61, 5	43, 2	
0,1	294, 4	27, 5	35, 4	55, 4	15 7	55, 5	38, 0	

Электролит эритмасини моляр электр ўтказувчанлиги μ уни эквивалент электр ўтказувчанлиги каби ҳисобланади.

$$\mu = \frac{100\kappa}{c} \quad (22)$$

бу ерда c – эритмадаги электролитнинг моляр концентрацияси. Моляр электр ўтка-зувчанликни бирлиги эквивалент электр ўтказувчанлигининг бирлиги каби Ом моль⁻¹ см².

Микдорий кондуктометрик таҳлил электр ўтказувчанликни концентрацияга боғланишини ифодаловчи (20) ва (22) тенгламаларга асосланган.

Кондуктометрик таҳлилда воситасиз кондуктометрия ва кондуктометрик титрлаш усуллари қўлланади.

Воситасиз кондуктометрия

Воситасиз кондуктометрияда таҳлил этилувчи эритма концентрацияси эритмани солиштирма электр ўтказувчанлигини ўлчаб аниқланади. Ўлчанган натижалар ҳисоблаш ёки даражалаш чизмаси усулларида ишлаб чиқилади.

Ҳисоблаш усули (20) тенглама асосида эритмадаги электролит эквивалент моляр концентрацияси солиштирма электр ўтказувчанлик κ ва эквивалент электр ўтказувчанлик орқали ҳисобланади.

$$c = \frac{1000 \cdot \kappa}{\lambda} \quad (23)$$

Солиштирма электр ўтказувчанлик термастатланган кондуктомерик ячейка электр қаршилигини ўлчаб аниқланади.

Эритмани эквивалент электр ўтказувчанлиги λ катион λ_+ ва анион λ_- лар ҳаракат-чанликлари йиғиндисига тенг.

$$\lambda = \lambda_+ + \lambda_-$$

Катион ва анионлар ҳаракатчанликлари маълум бўлса концентрацияни (10.24) формуладан ҳисоблаш мумкин.

$$c = \frac{1000 \cdot \kappa}{\lambda_+ + \lambda_-} \quad (24)$$

Сувда оз эрувчан электролитлар (кальций, барий сульфатлари, кумуш галогенидлари ва бошқалар) тўйинган эритмасининг концентрацияси воситасиз кондуктометрия усулида шундай ҳисобланади.

Мисол тариқасида кумуш хлоридни AgCl сувдаги эрувчанлиги яъни тўйинган эритмаси концентрациясини 25°C воситасиз кондуктометрик аниқлашни кўриб чиқамиз. (10.24) тенгламага асосан.

$$c = \frac{1000 \cdot \kappa}{\lambda(\text{Ag}^+) + \lambda(\text{Cl}^-)}$$

Кумуш хлорид сувдаги эритмасининг солиштирма электр ўтказувчанлиги κ кумуш хлорид таҳлил этилган эритмасининг κ_i қийматдан тоза сувнинг $\kappa(\text{H}_2\text{O})$ солиштирма электр ўтказувчанлик қийматининг айирмасига тенг.

$$\kappa = \kappa_i - \kappa(\text{H}_2\text{O})$$

Кумуш хлоридни сувдаги эрувчанлиги жуда оз бўлгани сабабли ундаги кумуш катиони ва хлорид аниони ҳаракатчанликларини чегаравий суюлтириган эритмадаги ҳаракатчанлик яъни $\lambda^+(\text{Ag}^+) = \lambda^\circ(\text{Ag}^+) = 62,2$, $\lambda(\text{Cl}^-) = \lambda^\circ(\text{Cl}^-) = 76,4$. (10.2 жадвалга қаранг) тенг деб қабул қилиш мумкин.

$$c = \frac{1000[\kappa_i - \kappa(\text{H}_2\text{O})]}{62,2 + 76,4} \quad (24')$$

Даражалаш чизма усули. Хар бирида аниқланувчи модда концентрацияси аниқ бўлган қатор эталон эритмалар тайёрланади ва термостатланган кондуктометрик ячейкада уларни солиштирма электр ўтказувчанлиги ўлчанади. Олинган натижалар асосида абцисса ўқиға эталон эритмалар концентрациялари ординатаға – солиштирма электр ўтказувчанлик қийматларини қўйиб даражалаш чизмаси чизилади. (24) тенгламага муофиқ солиштирма электр ўтказувчанликни ўзгариши концентрацияларни тор оралигида одатда тўғри чизикли кўринишда бўлади.

(24) тенгламадаги катион ва анионлар, ҳаракатчанлиги сезиларли даражада ўзгариб кетадиган концентрациялар оралигида тўғри чизикли боғланишдан четланиш кузатилади.

Сўнгра айнан ўша шароитда номаълум концентрациялик c_x таҳлил этилувчи эритмадаги электролитни солиштирма электр ўтказувчанлиги $\kappa(x)$ ўлчанади ва даражалаш чизмасидан $\kappa(x)$ га тегишли $c(x)$ қиймати топилади. Масалан, барийли сувдаги (барий гидроксидни тўйинган эритмаси) барийни миқдори айнан шу усулда аниқланган.

Воситасиз кондуктометрияни қўлланиши. Воситасиз кондуктометрия усули содда, жуда сезгир ($\sim 10^{-4}$ моль /дм³), хатолик нисбатан кам $\pm 2\%$ гача. Аммо бу усул селективлиги кам.

Воситасиз кондуктометрия таҳлилда кам қўлланади. Бу усул оз эрувчан электролитлар эрувчанлигини, дистилланган сув ва озуқа маҳсулотлар (сут, ичимликлар ва бошқалар) сифат назоратида, минерал, денгиз сувидаги тузларни умумий миқдорини аниқлашда ишлатилади.


Кондуктометриқ титрлаш

Кондуктометриқ титрлаш кондуктометриқ ячейкадаги иккита инерт (одатда платина) электродлар орасидаги таҳлил этилувчи эритмани электр ўтказувчанлигини, титрлаш жараёнида, ўзгаришини ўлчаб бажарилади. Олинган натижалар асосида титрланувчи эритма электр ўтказувчанлигини қўшилган титрант ҳажмидан (боғловчи) боғлиқлик кондуктометриқ титрлаш эгриси чизилади. Титрлашни сўнги нуқтаси, аксарият холларда, титрлаш эгрисини икки (2-расмда кўрсатилган) қисми экстраполяция чизиқларини кесишган нуқтасидан топилади. Шу сабабдан ЭН яқинида ўз рангини ўзгартирувчи индикатор қўллаш эҳтиёжи йўқ.

Кондуктометриқ титрлашни турли: кислота-асос, комплекс ҳосил бўлиш реакцияларига қўллаш мумкин.


Реакцияга киришаётган ёки реакция натижасида ҳосил бўлаётган ионларнинг хилига кўра кондуктометриқ титрлаш эгрилари турли кўринишда бўлади.

2 расмда кондуктометриқ титрлаш эгриларини баъзи турлари схематик тасвирланган. 2 расмдаги (а) ҳолатда кучли кислотани кучли асос (ишқор) билан масалан хлорид кислотани натрий гидроксид билан титрлаш тасвирланган.



Т Х

Ион кўринишида



2-расм. Кондуктометриқ титрлашни баъзи турларини схематик тасвири к-солиштирма электр ўтказувчанлик, $V(T)$ қўшилган титрант ҳажми.

а) кучли кислота эритмасини ишқор эритмаси билан титрлаш


- б) титрланувчи модда ва титрант ионларини электр ўтказувчанлиги кичик,
- в) кучли кислотани натрий гидрокарбонат эритмаси билан титрлаш:
- г) титрланувчи модда ионлари электрик ҳаракатчанлиги кичик, титрант ионлари катта ҳаракатчанликга эга.

Кислота титрланган сари титрланувчи эритма электр ўтказувчанлиги кескин камаяди чунки эритмадаги ҳаракатчанлиги юқори бўлган водород ионлари H^+ сарфланиб (сувга айла-ниб) камая боради. Эндан кейин, титрланувчи эритмада ҳаракатчанлиги водород ионларидан камроқ бўлса-да, етарли ҳаракатчан гидроксил ионлари ортаборган сари эритмада электр ўтказувчанлик ортаборади.

Титрлаш эгрисидаги букилиш нуқтаси ноаниқ бўлганда ЭНга тегишли титрант ҳажмини 2 расмда кўрсатилгандек иккита уринма тўғри чизиқларининг кесишган нуқтасини аб-цисса ўқиға тўғри келган кийматидан топилади. Тасвирда вертикал пунктир чизиқ билан кўрсатилган.


2 расмдаги (б) эгрилик титрант ва титрланувчи модда ионларини тенг ва кичик ҳаракатчанликга эга бўлган ҳолатига мансуб.

2 расмдаги (в) эгрилик кучли кислота эритмаси ионларини ҳаракатчанлиги кичик бўлган титрант билан титрлашга, масалан хлорид кислотани натрий гидрокарбонат эритмаси билан титрлашга мансуб.



Т Х

Ион холида




Титрлаш жараёнида ҳаракатчанлиги катта бўлган водород H^+ ионлари нейтралланади, шунинг учун ЭНда эритмани электр ўтказувчанлиги кескин камаяди Эндан кейин эритмани электр ўтказувчанлиги ортиқча қўшилган титронт ($NaHCO_3$) ҳисобига бир оз ортаборади.

2 расмдаги (г) эгрилик ионлар ҳаракатчанлиги кичик модда эритмасини ионлар ҳаракатчанлиги катта модданинг эритмаси билан титрлашга мансуб. Масалан кальций хлорид эритмасини ишқор эритмаси билан титрлаш.



Т Х



ЭН-гача сарфланаётган кальций ионларини ўрнига натрий катиони пайдо бўлаётгани сабабли титрланувчи эритманинг электр ўтказувчанлиги кам ўзгармоқда. Эндан кейин, эритмада ҳаракатчанлиги катта гидроксил ионларини ортиб бориши ҳисобига эритмани электр ўтказувчанлиги орта бормоқда.

Кондуктометрик титрлашни қўлланиши. Кондуктометрик титрлаш усули қуйидаги қатор афзалликларга эга. Титрлашни, рангли, лойқа, тиник бўлмаган муҳитларда ҳам бажариш мумкин. Мазкур усулнинг сезгирлиги $\sim 10^{-4}$ моль/дм³ етарли даражада юқори хатолиги 0,1дан 2% гача. Таҳлилни автоматлаштириши мумкин. Аммо селективлиги кичик бу эса усулни камчилиги ҳисобланади.

Юқори частотали (радиочастотали) кондуктометрик титрлаш ҳақида тушунча. Титрлаш жараёни, ўзгарувчан ток частотаси секундига миллион тебранишни ташкил этадиган, такомиллашган ўзгарувчи токли кондуктометрик ускуна воситасида бажарилади. Одатда электродлар электролит қуйилган идиш кондуктометрик ячейкани ташқи томонига ўрнатилади ва электродлар титрланувчи эритмага туташмайди.

Ўлчанган натижалар асосида кондуктометрик титрлаш эгриси чизилади. Титрлашни сунгги нуқтаси юқоридаги каби титрлаш эгрисини букилган, жойидаги чизикларни (экстраполяция) давом эттириб улар кесишган нуқтасининг абцисса ўқидаги қийматидан топилади.

Полярографик таҳлил (полярография, воситасиз вольтамперометрия)

Усулнинг моҳияти

Полярографик таҳлил (Полярография) Ташқи потенциал таъсирдаги электркимёвий (полярографик) ячейканинг қуйида баён этилган электрик ўлчамарини таҳлил этилувчи эритмадаги модда хоссасига боғланишига асосланган.

а). Таҳлил этилувчи моддани микроэлектродда оксидланиши (ёки қайтарилиши) содир бўладиган потенциал қийматини унинг (таҳлил этилувчи эритмадаги модданинг) табиатиға боғлиқлиги асосида полярографик сифат таҳлил бажарилади.

б). Полярографик миқдорий таҳлилда полярографик ячейка электродларига берилган потенциални муайян қийматида хосил булган диффузия электр токини таҳлил этилувчи эритмадаги аниқланаётган (қайтарувчи ёки оксидловчи) модда концентрациясига боғлиқлигига асосланган.

Ячейкага берилган электрод потенциали ва диффузион ток қийматлари, полярографик ячейкадан ўтаётган ток кучи қийматини микроэлектродга берилган кучланишга боғлиқлигини ифодаловчи *поляризациян ёки вольт-ампер эгрисидан* олинади шунинг учун полярография баъзан воситасиз *вольтамперометрия* деб аташади.

Томчи симоб электроди қўлланган *мумтоз* полярографик усулни 1922-йил чехословак олими Ярослав Гейровский (1890-1967) кашф этган. 1925-йилда Я.Гейровский ва М.Шиката, поляризациян эгриларни автоматик тарзда ёзадиган полярограф тузулишини ишлаб чиқишган. Кейинчалик полярографик усулни турлича ускуналари ишлаб чиқилди.

Томчи симоб электроди қўлланган мумтоз полярография моҳиятини қисқа холда кўриб чиқамиз.

Назорат саволлари

1. Аналитик кимё фани ва унинг усуллари тўғрисида тушунча
2. беринг.
3. Аналитик кимёнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти нимадан иборат?
4. Аналитик кимёнинг ривожланиш даврлари тўғрисида фикрларингизни билдириг.
5. Сифат анализи усуллари.
6. Аналитик реакцияларнинг ўтказиш усуллари.
7. Кимёвий усулларнинг моҳияти нималардан иборат?
8. Физикавий усулларга қандай усул киради?
9. Физик-кимёвий усуллар тўғрисида фикрларингиз?
10. Аналитик кимё фанига ҳисса қўшган олимлар ҳақида нималарни биласиз?
11. Электролитик диссоциланиш назариясининг асослари нималардан иборат?
12. Электролитик диссоциланиш даражаси нима?
13. Электролитик диссоциланиш константаси нима?
14. Буфер эритмалар.
15. Буфер сизими деганда нимани тушунасиз?
16. Буфер эритмаларни тирик организмлардаги муҳим аҳамияти нималардан иборат?
17. Катионларни биринчи гуруҳига умумий характеристик беринг.
18. Сифат анализда иштирок этувчи энг муҳим қайтарувчи ва оксидловчилар тўғрисида фикрларингизни билдириг.
19. Кислоталарнинг диссоциланиш тенгламасини ёзинг?
20. Биринчи гуруҳ катионларига қайси катионлар киради?
21. Эритмадан NH_4^+ қандай йўқотилади?
22. Mg^{2+} га хос реакцияларни бажаринг?

КИМЁДА ФИЗИК-КИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Режа:

1. Оптик анализ усуллари.
2. Кимёвий сенсорлар ва тест-системалар.
3. Электрокимёвий анализ усуллари. Хромато-масс-спектрометрия.

Таянч иборалар:Оптик сенсорлар, тест системалар, Электрокимё,Масс-спектроскопия, хромато-масс-спектрометрия, буғ ҳоли, кимёвий ионланиш, электродлар, кимёвий датчик.

Оптик сенсорлар, ишлаш принципи¹.

Кимёвий датчикларнинг (сенсор) ишлаб чиқаришига бўлган талаб ҳар хил сабабларга кўра пайдо бўлади. Биринчидан, узоқ ва қийин бажариладиган кимёвий анализ усуллари қисман бўлса ҳам ўрнида ишлатиш учун ясалган. Бунга яққол мисол қилиб қондаги литий, натрий, калий ва калцийни аниқлашда ишлатиладиган алангали фотометрик усулни ионселектив электродлар асосидаги кимёвий датчиклар билан алмашинувига катта эҳтиёж борлигини кўрсатиш мумкин.

Иккинчидан, саноатдаги жараёнларнинг автоматлаштирилиши сенсорлар билан узвий боғлиқ саноатнинг бошқарилиши ва назоратига жуда кўп кимёвий параметрларнинг доимий ўлчаниб турилиши талаб этилади. Энг оддий мисол: ичимлик ва оқава сувларининг узлуксиз рН катталигининг назорати ва уларнинг лойқаланганлик даражаси назорати. Шишали электрод ва оптик сенсорни ушбу масалани ечишда ишлатиш мумкин. Келажакда сувлардаги оғир металллар ва органик моддаларнинг миқдорини лабораториядан ташқарида узлуксиз назорат қилиш эҳтимоли кучаяди. Тегишли сенсорлар индивидуал моддалар билан реакцияга киришмай фақат уларнинг ифлосланганлик даражасини ўлчашлари керак.

Ҳозирги пайтда шундай кимёвий сенсорлар мавжуд: глюкозанинг қонда аниқланиши тирноқларнинг яқин ИҚ- соҳадаги спектрларининг регистрациясига асосланган.


Электродларни кимёвий модификациясида селективликни ошириш учун ферментлардан фойдаланилади². Мисол тариқасида глюкозани аниқлаш учун ферментатив электрод келтирилган.



¹ D.A.Skoog Principles of Instrumental Analysis.Thomson Brooks/Cole.USA.2007. P.216-217.

² G.D. Christian, Analytical chemistry University of Washington, USA, 2009.c.453-455.

Платинали электродда потенциал +0,6 в (кумуш хлоридли электродга нисбатан) бўлганда H_2O_2 электрохимёвий оксидланади:



Глюкоза ва анализ қилинадиган эритмада эриган кислород гел каватига диффузияланади. Бу ерда фермент катализаторлиги остида уларнинг таъсирлашиши натижасида $+\text{H}_2\text{O}_2$ ҳосил булади. Ҳосил бўлган H_2O_2 нинг бир қисми платина катодида диффузияланади. H_2O_2 нинг оксидланиши натижасида ячейкадан ток кучи глюкоза концентрациясига пропорционал булган ток ўтади. Шунга ўхшаш қурилмада Кларкнинг кислород электродини қўллаш мумкин, бунда мембрана глюкозаоксидаза ферментини сақлаган гел билан қопланади, бундай электрод реакция жараёнида кислород сарфини ўлчашда қўлланилади.

Сенсор қуйидагилардан ташкил топган: кимёвий жиҳатдан сезувчан қават моддалар “аниқловчи” кимёвий информацияни оптик ёки электр сигналига айлантириб берувчи ва сенсорнинг корпусидаги регистрацияловчи ҳамда маълумотларни чиқарувчи асбоб. Кимёвий сенсорга мисол бу - ионселективли электрод. Қаттиқ ёки суюқ мембрана, у кимёвий сезувчан қаватдир, кирувчи кимёвий маълумот эса электр сигналига айланади – унинг катталиги тегишли ўлчов асбоби ёрдамида аниқланади.

Оптик толали сенсорлар ва тест системалар

Кўринувчи диапазондаги нурланишларни етказиш учун мўлжалланган световод (ёруғлик ташувчи)ларнинг пайдо бўлиши билан оптик сенсорлар ривожланди. Ҳозир оптиктолали световодлар ва УВ-учун, яқин ва ўрта ИҚ-спектр соҳалари учун сенсорлар мавжуд.

Оптик сенсорларнинг асосида қайсидир оптик хоссанинг модда концентрациясига боғлиқлиги ётади. Оптик сенсорларнинг технологик нуқтаи назардан 3 хил авлоди ажратилади. Биринчи авлод оптик сенсорлари фақат сигнални етказиши ва қуйидаги кимёвий анализда кўп ишлатилувчи оптик катталикларни ўлчайди: ютилиш, чиқариш, кучсизланиш, нурни синдириши, флуоресценция. Уларга кимёвий моддаларни аниқловчи (хеморецептор) система деб қараса бўлади. 3-авлод сенсорлари асосида эса умуман янги принциплар ётади: юза тўлқинлари, интерференция, ёруғликнинг қутбланиши (поляризация).

Оддий оптик сенсор фотометр билан оптиктолали кабел орқали боғланган оптик ўлчов ячейкадан ташкил топган. Шундай қилиб бевосита эритмалар рангининг интенсивлиги ёки флуоресценцияни ўлчаш мумкин, масалан табиий сувларнинг органик моддалар билан ифлосланганлиги.

Олдин толали кабелларининг световод сифатида ишлаши асосида умумий принципларни кўриб чиқайлик. Оптик-толали кабел шишадан, кварцдан ёки пластмассадан тайёрланган бўлиб унинг диаметри 0,05 ммдан-0,6 смгача ни ташкил этади. Ёруғлик биттагина тола ёки уларнинг мажмуаси орқали ўтиши мумкин. Улар ихтиёрий равишда ёки аниқ бир тартибда жойлашиши мумкин, масалан бутун бир тасвирнинг ўтказилишида. Тиббиётда, ички органларнинг ўрганилишида световодларнинг тасвирни ўтказиши кенг қўлланилмоқда.

Спектрометр ёки фотомер ³билан боғланиш учун световод Y-шаклига эга бўлади. Манбадан тушувчи нур оптик кабел орқали анализ қилинаётган эритмага боради ва қайтарувчи (ойна) ёрдамида кейин кабелга ва фотометрга ўтади. Оптик йўлнинг узунлиги ушбу ҳолатда кабелдан ойнагача бўлган масофадан 2 марта ортиқ толали кабел фақат ўтказиб берувчи ролини ўйнайди. Қабул қилувчи сифатида ҳар хил қурилмалар ишлатилиши мумкин, масалан фотодиодлар ёки опто-электронли индикация элементлари. Ёруғлик манбаи бўлиб эса яримўтказгичли светодиодлар хизмат қилади.

Кўп моддалар оптик хусусияти орқали аниқлаш мумкин бўлган хоссаларга эга эмас. Бундай ҳолатларда кимёвий аниқловчи системалар ёки хеморецепторлар керак бўлади (улар ўзларининг оптик характерларини аниқланаётган модда борлигида ўзгартира оладилар масалан рангини). Бунинг учун керак бўладиган реагент световод учи билан кимёвий ёки қандайдир бошқача йўл билан боғланади, яъни иммобилланади. Иммобиллашни ионалмашувчи смолада сорбция орқали амалга ошириш мумкин. Ёки желатин ва бошқа полимер Геллар ёрдамида реагент эритмасига солинади.

Дастлаб оптрод деб аталувчи 2-авлод оптик сенсорлари рН аниқлашда ишлатилган. Шундай сенсорни кўриб чиқамиз. Y-формали кабелнинг охирида иммобилланган кислота-асосли индикатор жойлашган, масалан полиакриламидли гелда фенол қизили иммобилланган. рН га боғлиқ равишда рангнинг ўзгаришини назорат қилиш учун нур қайтаргич ёрдамида оптик зичлик ўлчанади.

Ионселектив электродлар ⁴ ишлаш принциплари асосида ионселектив оптродлар яратилган. Мумкин бўлган фикрлардан бири: ионофор, яъни комплекс ҳосил қилувчи ион, билан бирга хромофор, яъни ранг ўзгаришига масъул, моддаларни мембранада (одатда поливинилхлорид) ишлатилиниши.

Потенциометриядаги каби ионофор сифатида валиномицинни ишлатиш мумкин. Хромофор сифатида нил кўки ёки проф. Симон томонидан Т сурихда синтез қилнган ва патентланган эТХ 5294 ни ишлатиш мумкин.

³ D.A.Skoog Principles of Instrumental Analysis. Thomson Brooks/Cole. USA. 2007. P.483, 494.

⁴ D.A.Skoog Principles of Instrumental Analysis. Thomson Brooks/Cole. USA. 2007. P.407, 452.

Бундай типдаги оптродларнинг афзаллиги бу унинг кенг концентрацияли динамик диапазоли. Оptrодларни яратиш учун потенциометрияда ишлатилувчи кенг танловли ионофорлар мавжуд.

Электрокимёвий сенсорлар⁵, ишлаш принципи.

Учинчи авлод оптродлари.

3-авлод оптродлари янги оптик ҳодисаларга асосланган. Улардан бирининг номи юза ёруғлик тўлқинлари бўлиб оптик муҳитлар чегарасида қисман ёруғликнинг ютилиши ҳисобига содир бўлади.

Электрокимёвий сенсорларга нисбатан оптик сенсорлар қуйидаги афзалликларга эга:

- оптик сенсорларнинг ишлатилиши бутун оптик спектр регистрация қилишга ва кўпроқ маълумот олишга имкон беради;
- оптик сенсорлар электрик помехларга таъсирли эмас;
- одатда оптик сенсорларнинг ишлаши учун таққослаш электроди каби қурилмалар керак эмас;
- реагент тутувчи фазани осон алмаштириш мумкин. Шунинг учун 1 марталик сенсорлар кенг тарқалган.

Оптик сенсорларнинг камчиликлари:

- кун ёруғлиги помехларига таъсирли. Ушбу помехлар нурланиш манбасининг пулсация (модуляция) қилиш орқали бетараф этилади. Светодиодлар пулсатсия қилиш учун қулай;
- реагентларнинг ювилиши сабабли оптик сенсорларнинг яроқлилик муддати камайиши мумкин;
- қоидага кўра оптик сенсорлар ингичка динамик диапазонга эга. Фақат ионселектив оптродлар бунга кирмайди.

Оптик толали датчиклар турлари.

Капрон ва бошқалар нурнинг толада сусайиши жуда камчилигини аниқлашди. Соч толаси қалинлигидаги узун толалардан фойдаланиб сигнални уэатиш учун модулланган лазерли нурлар ёрдамида кўп километрли толали узатгичлар (линии) ўтказиш мумкинлиги аниқланди.

Сузувчи сув остида туриб маълум бир кичик бурчак остида сув юзасига қараганда, сув ҳавзасининг туби сув юзасининг ҳаво билан чегарасида тўлиқ акси кўринади. Тахминан тола ичида ҳам худди шундай ходиса содир бўлади. Бунда нурнинг кўплаб ички нур қайтарилишлари ҳисобига содир бўлади. Шу тарзда нурнинг узлуксиз қайтарилиши ҳаракати давомида ёруғликнинг тарқалишига имкон яратади.

Бу хоссаларнинг аниқланиши билан бир вақтда толаларни компаниялар томонидан ишлаб чиқарилиши оптик боғланишга ва юқори ишлаб чиқаришни таминлай оладиган арзон оптик-толали датчикларга эшиклар очилди.

Датчик турлари

- 1.Интенсивликни ўлчаш датчиклари.
 - 2.Сезгир элементли ярим ўтказгичли температура датчиклари;
 - 3.Ҳолат энкодерлари датчиклари.
 - 4.Фабри-Перонинг кўп модалли датчиклари.
 - 5.Фабри-Перонинг бир модалли датчиклари.
- Улар ҳам ўз навбатида бир неча турга бўлинади.

Кўп модалли Фабри-Перо датчиклари.

Бу температурани, босимни, суюқликнинг нурни синдириш кўрсаткичини, ёруғликнинг ютилиши ва чиқарилишни ўлчайдиган датчиклардир. Бу датчиклар кенг тўлқин узунлиги соҳасида ишлаш имкониятига эга. Масалан температура датчиклари тола охирига 0,7мкм қалинликда кремний қавати билан чанглатиш орқали жойлаштирилган (бириктирилган).

Фабри-Перо интерферометрининг ⁵ ишлаш принципи.

Фабри-Перо интерферометрлари 2 та нур қайтаргичлардан иборат ва ҳар қайси томони оптик тиниқ муҳитли қилиб жойлаштирилган. Нур қайтаргичлар орасидаги тегишли масофада интерферометрнинг ўтказиш коэффициенти юқори. Нур қайтаргичларнинг юқори нур қайтариш имкониятида ўтказиш коэффициенти тўлқин узунлигининг ўзгаришига ёки нур қайтаргичлар орасидаги масофага жуда сезгир.


Умуман интерферометрнинг эффективлигини кўпинча добротность билан характерланади.

$$F=4R/(1-R)^2$$

Бунда R- йўқотиш бўлмагандаги кўзгунинг нур қайтариш коэффициенти.

⁵ D.A.Skoog Principles of Instrumental Analysis.Thomson Brooks/Cole.USA.2007. P.440-443.

Добротнинг турли қийматлари учун ўтказиш коэффициентининг нур қайтаргичлар орасидаги масофага боғлиқлиги келтирилган.



Юқори добротности интерферометрлар спектрнинг ўзига хослигини аниқ ифода этади. Қуйи добротности интерферометрлар кенг диапазонда ўлчанадиган параметрнинг мураккаб схемаларсиз тескари боғланиш билан чизикли режимда бўлади.

Фабри-Перо интерферометрлари датчикларга қўллаш учун қулай, чунки физикавий ёки кимёвий катталар билан боғланиш ўрнатиш жуда қулай. Температуранинг ўзгариши билан интерферометрнинг оптик резонанси орасидаги боғланиш билан алоҳида оптик параметрларни аниқлаш мумкин. Булар қуйидагилар:

1. Ҳалқанинг чизикли кенгайиши.
2. Нур қайтаргич орасидаги синдириш кўрсаткичининг ўзгариши.
3. Нур қайтаргичлар орасидаги муҳитнинг кенгайиши.
4. Нур қайтаргичлар эгрилигининг ўзгариши.
5. Нур ютилишининг ёки нур қайтаргичнинг нур қайтариш имкониятининг ўзгариши.
6. Спектрал ютилишнинг ёки нур қайтаргичлар орасидаги муҳитда нур сочилишининг ўзгаришидир.

Интерферометрнинг конструкциясини ўзгартириш билан юқоридагилардан бир ёки иккита параметрни ўлчашни амалга ошириш мумкин, масалан 5- ёки 6- параметрларни.

Масс-спектрометрия усули.


Бу усулда текшириладиган модда буғ ҳолига ўтказилади ва ундан ионлар ҳосил қилинади. Ҳосил бўладиган ионлар кўпинча мусбат зарядли бўлади. Ионларни улар массасининг (m) зарядига (z) нисбати бўйича бири-биридан ажратиш мумкин. Ионнинг заряди бирга тенг бўлса, m/z қиймати унинг массасига тенг бўлади. Ушбу қиймат массанинг углерод бирлигидаги масса сони деб юритилади. Ажратилган ионлар m/z қийматларига кўра ион қабул этгич ёрдамида қайд қилинади, натижада тегишли спектр ҳосил бўлади. Спектрдаги сигналларнинг ўрни m/z қийматга, уларнинг интенсивлиги эса ионнинг частотасига тўғри келади. Бу сигналлар чўққилар деб аталади.

Масс-спектрометрия усули буғсимон ҳолатга ўтадиган барча элемент ва моддаларни анализ қилиш учун ишлатилади. Аноорганик бирикмалар ва элементлар анализи, кўпинча, моддалар таркибидаги изотопларни аниқлашга, органик моддалар анализи эса моддаларни идентификатсиялаш ва уларнинг структурасини аниқлашга қаратилади.

Текшириладиган модда молекулалари (ёки атомлари) тезлаштирилган электронлар дастаси билан бомбардимон қилинганда, улардан битта ёки иккита электрон уриб чиқарилади:



ёки уларга электрон бирикади:



Бунинг натижасида молекуляр ионлар дебаталадиган ионлар ҳосил бўлади. Кўпинча, бомбардимон натижасида битта электрон уриб чиқарилади. Иккита электроннинг уриб чиқарилиш ҳоллари ҳам, оз бўлса-да, учрайди, лекин манфий зарядланган ионларнинг ҳосил бўлиши жуда кам ($\sim 0,1\%$) кузатилади.

Кейингиларда манфий зарядланган ионларни аниқлаш учун электронни ушлаш масс-спектрометрия усули яратилди.

Масс – спектрометрия⁶

Масс-спектрометрия услубидега, ионлар массасининг электрон зарядига нисбатини аниқлаш орқали моддани текшириш усули тушинилади. Масс-спектроскопияни спектроскопик усулларнинг бири деб қаралади, аммо бундай қараши қисман хато ҳисобланади. Оптик спектроскопияда нурланишдан кейин модда молекуласи бошлангич ҳолатга ўзгармасдан қайтади, аммо масс-спектроскопияда қўзғалади, ионланади ва молекуляр ион парчаланаяди ва бу парчаланган ионлардан бошлангич бўлишга сабабчи бўлган бир қанча

⁶ G.D. Christian, Analytical chemistry University of Washington, USA, 2009. c.592-594.

ҳодисаларнинг йиғиндисини молекуланing бир қанча ҳодисаларнинг йиғиндисини молекуланing бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ҳодисаси деб қараши нотўғри ҳисобланади.


Моддаларнинг масс-спектрини олиши учун намуна ионланиши ва диссоцияланиши ҳодисалари электронлар зарбаси, фотонлар ва кучли электр майдони таъсирида рўй беради.

Ионланиши. Масс-спектрометрда бўлакли ионларнинг ҳосил бўлиши жараёни молекулаи электронлар билан таъсирланишидан бошланади, бунда энергия 100 эВ га тенг бўлса, тезлиги $5.9 \cdot 10^6$ м/сек бўлади.

Органик моддалар ионланишининг бир қанча умумий усуллари бор.

Фотонлар таъсирида ионланиши. Кўпинча органик моддаларнинг ионланиши потенциали 13 эВ дан кичик қийматда бўлгани учун ионланишни олиб бориши учун қисқа тўлқин узунликдаги нурланишдан фойдаланиши мумкин. Фотонларнинг қулай манбаи сифатида нурланиши энергияси 21 эВ га тенг бўлган гелийли асбобдан фойдаланиши мумкин

Кимёвий ионланиши⁷. Молекула ва ионлар тўқнашганда янги зарядланган заррачаларни ҳосил бўлиши реакцияларини кузатиши мумкин. Масалан, метаннинг молекуляр иони нейтрал молекуласи билан реакцияга киришиб мустақкам метил CH_3^+ ион ҳосил қилиши мумкин:



Ўрганиладиган моддаларни масс спектрометрга киритишининг бир қанча усуллари мавжуд:

Совуқ ҳолда киритиши. Бу усул газлар учун, ҳамда уй температурасида ва 10^{-2} мм.см.ус. босимида осон учадиган моддалар учун ишлатилади.

Иссиқ ҳолда киритиши. Органик моддаларни буғ ҳолатига келиши учун масс спектрометр системасини 300⁰С гача қиздиради.

Тўғридан тўғри киритиши. Масс-спектр олиши учун системада чуқур вакуум ҳосил қилиши (10^{-6} мм.см.устунига яқин) билан бирга қиздирилса, кўп бирикмалар осон боғланади. Бу усул билан молекула оғирлиги 2000 гача бўлган бирикмаларнинг Масс-спектрини олиши мумкин.

Хроматографдан киритиши. Газ хроматограф устунидан урганиладиган модданинг ва газ - ташувчининг аралашмаси чиқади. Газ - ташувчи окимнинг тезлиги одатда 50 мл.мин. ташкил этади, аммо бундай газ ҳажмини ион манбасига киритиш мумкин эмас, шунинг учун урганиладиган модданинг миқдорини камайтирмасдан газ-ташувчини ажратиб олиш керак.

Хромато-масс-спектрометрия.

Кўп ҳолларда органик бирикмалар аралашмасини идентификацияси ва миқдорий аниқланиши олинадиган масс-спектрнинг мураккаблиги туфайли чегараланган. Шунинг учун масс-спектрни олишдан олдин компонентларни

⁷ G.D. Christian, Analytical chemistry University of Washington, USA, 2009. §20.10, с.594-595.


ажратиш зарур. Шу мақсадда масс-спектрометрия билан хроматографиянинг турли турларини ва копилляр зонали электрофорезни хромато-масс-спектрометрия билан боғлаган ҳолда (сочетаниясидан) олиб борилади. §Хроматографиянинг ажратиш имконияти ва масс-спектрометриянинг идентификациялаш имконияти уларнинг бевосита сочотаниясида мураккаб аралашма компонентларини аниқлаш ва идентификациясининг уникал имкониятларини беради.

Ҳозирги замон Хромато-масс-спектрометрик системалари хроматографик колонкадан чиқаётган элюатни масс-спектрлари билан узлуксиз (сканирования қилиш) қайд қилиш орқали натижалар оладилар. Бунда колонкадан чиқаётган аралашманинг ҳар бир компонентини белгиланган ҳолда йиғинди ион токи ўзгаришининг вақтга боғлиқлиги хроматограммасини олиш мумкин. Бундай хроматограммада колонкадан элюирланган барча компонентлар чўққиларга эга бўлади, аммо масс-спектрометрик информацияга эга бўлмайди.

Масс-хроматограмма тузиш учун ҳар бир ёзилган масс-спектрдан бир неча ионларнинг чўққилари интенсивликлари олинади ва бу интенсивликларнинг у ёки бу компонентнинг ушлаб қолувчи вақтига тўғри келадиган масс-спектрининг номерига боғлиқлиги графиги тузилади. Агар характеристик ионлар тўғри танланган бўлса, масс-хроматограммалар идентификациялаш учун жуда эффективдир. Миқдорий аниқлаш учун кўпинча ўрганилаётган модда ва стандартнинг чўққилари майдонини солиштириш орқали ички стандарт методидан фойдаланилади. Хромато-масс-спектрик методда аниқланадиган бирикманинг нишонланган (меченные) аналоглари энг яхши стандартлар ҳисобланади. Хромато-масс-спектрометрик методнинг афзаллиги мураккаб аралашмалардаги алоҳида бирикмаларни ёки маълум синф бирикмаларини аниқлашнинг юқори селективлиги ва қуйи аниқлаш чегарасининг жуда кичиклиги (10^{-12} - 10^{-10} г).дир.

5.2. Масс-спектрометрларнинг ишлаш принципи.

Масс-спектрометр⁸. Масс-спектрометрнинг тузилиш схемаси:




⁸ G.D. Christian, Analytical chemistry University of Washington, USA, 2009. §20.10, с.596-597.

1 – намуна киритиш қурилмаси; 2 – ионлаштириш қурилмаси; 3 – тезлаштириш ва ионларни фокуслаш қурилмаси; 4 – вакуум тизими; 5 – масс-анализатор; 6 – детектор; 7 – кучайтиргич; 8 – ЭХМ.

Текшириладиган модда газ ҳолида бўлса, у (1) камерага бевосита киритилади.

Бу қурилмага шунча миқдор намуна киритиш керакки, ионлаштиргичда унинг босими $2 \cdot 10^{-4} - 1,33 \cdot 10^{-2}$ Па атрофида бўлсин.

Юқори босим ҳосил қиладиган моддалар (суюқликлар, енгилучадиган қаттиқ моддалар), аввало, киритиш баллонидан буғлатилади, сўнгра зарурий босимда ионлаштиргичга (2) юборилади. Баллондаги босим ҳарорат ва намуна миқдорини ўзгартиришасида бошқарилади. Қийин учадиган моддаларнинг зарурий босими $10^{-4} - 1$ Па га тўғрикелгани учун уларни бевосита ионлаштиргичга юбориш мумкин. Ионлаштиргичдан буғланиш тезлиги ва босим намуна киритиш найини иситиш ёки исовутиш ҳисобида бошқарилиши мумкин. Ҳозирги вақтда масс-спектрометр ва намуна хроматографдан юбориладиган гибрид: **хромато-масс-спектрометрия** усули мавжуд.



A

BD

 m_A/z

pC

 m_C/z

3-Расм. Магнит майдонли масс-анализаторнинг схемаси

Ионлаштиргичда (2)
каттикқиздирилган катоддан чиққан электронлардастаси анодга томон ҳаракат қилади, бу ҳаракат давомида у текшириладиган модда молекулаларига урилиб, уларни ионлаштиради. Кўпинча, масс-спектрометр 70 эВ энергияда (оптимал қиймат) ишлайди. Электронлардастаси билан бомбардимон қилиш сасида ишлайдигани ионлаштиргичдан ташқари фотоионлаштиргич, учқунли, лазерли, кимёвий, ионли ва бошқа ионлаштиргичлар ҳаммавжуд. Ионлашган модда ионлаштиргичдан чиқиб, манфий зарядли электр майдони га эга бўлган диафрагмадан (z) ўтишда тезлаштирилади. Фокусловчи курилма ионлардастаси ўналишини масс-анализаторнинг киритиш диафрагмасига (s) тўғрилайди, нейтрал молекулалар эса вакуум-насос ёрдамида чиқариб юборилади. Асбобнинг барча қисмларизарурий вакуум остида бўлиб, уни вакуум насос таъминлаб туради. Тезлаштирилган ионлар масс-анализаторга (3-Расм) тушади.

Масс-анализаторда моддалар молекуляр массаларига кўра ажратилади. Кўпчилик масс-анализаторларда молекуляр ионларни ажратиш учун магнит майдонидан фойдаланилади. Магнит куч майдони ионлардастаси траекториясига перпендикуляр қилиб ўрнатилади. Ионларнинг траекторияси масс-анализаторнинг тузилишига боғлиқ. Диафрагмадан берилган магнит майдони индукцияси (B) ва тезлаштириш кучланиши (U) қийматларида

$$r = \frac{1}{B} \sqrt{\frac{2Um}{z}}$$

формулага жавоб берган m/z қийматга эга ионларгина (m_B/z) ўтади (r – масс-анализатор ёйининг радиуси).

Магнит майдони индукцияси (B) қийматини ўзгартириб, исталган ион учун зарурий траекторияни ҳосил қилиш мумкин. Шунингдек, U қийматни ҳам кетма-кет ўзгартириб, ҳамма ионларни детекторга тушириш мумкин. Детекторда ионлардастаси га мос электр токи ҳосил бўлади, у (7) да кучайтирилади, сўнгра қайдиқлинади. Анализ натижаси ЭХМ ёрдамида ишланиб, тақдим этилиши учун унга ЭХМ уланиши мумкин.

Хромато-масс-спектрометрия.

Кўпчилик ҳолларда органик бирикмалар аралашмасини идентификацияси ва миқдорий аниқланиши олинadиган масс-спектрнинг мураккаблиги туфайли чегараланган. Шунинг учун масс-спектрни олишдан олдин компонентларни ажратиш зарур. Шу мақсадда масс-спектрометрия билан хроматографиянинг турли турларини ва копилляр зонали

электрофорезни хромато-масс-спектрометрия билан боғлаган ҳолда (сочетаниясидан) олиб борилади. Хроматографиянинг ажратиш имконияти ва масс-спектрометриянинг идентификациялаш имконияти уларнинг бевосита сочетаниясида мураккаб аралашма компонентларини аниқлаш ва идентификациясининг уникал имкониятларини беради. Масс-спектрометрия билан капиллярли газ суюқлик хроматографияси сочетанияси варианты кенг тарқалган. Газ ташувчи сифатида ионизация энергияси (25 эВ) юқори бўлган гелий қўлланилади. Хромато-масс-спектрометрнинг бу методида фақат учувчан моддаларни ўрганиш мумкин, акс ҳолда хроматографга намуна киритишдан олдин дастлабки пиролиз ёки фотолиздан фойдаланишга тўғри келади. Дастлабки пиролиз космик аппаратларда “Викинг” серияларида Марсда органик ҳаётни аниқлаш мақсадида Хромато-масс-спектрометрик методи ёрдамида тупроқ намунаси анализида амалга оширилган эди.

Ҳозирги замон Хромато-масс-спектрометрик системалари хроматографик колонкадан чиқаётган элюатни масс-спектрлари билан узлуксиз (сканирования қилиш) қайд қилиш орқали натижалар оладилар. Бунда колонкадан чиқаётган аралашманинг ҳар бир компонентини белгиланган ҳолда йиғинди ион токи ўзгаришининг вақтга боғлиқлиги хроматограммасини олиш мумкин. Бундай хроматограммада колонкадан элюирланган барча компонентлар чўққиларга эга бўлади, аммо масс-спектрометрик информацияга эга бўлмайди.

Масс-хроматограмма тузиш учун ҳар бир ёзилган масс-спектрдан бир неча ионларнинг чўққилари интенсивликлари олинади ва бу интенсивликларнинг у ёки бу компонентнинг ушлаб қолувчи вақтига тўғри келадиган масс-спектрининг номерига боғлиқлиги графиги тузилади. Агар характеристик ионлар тўғри танланган бўлса, масс-хроматограммалар идентификациялаш учун жуда эффективдир. Масс-хроматограммада аниқ берилган массадаги ва конкрет брикма учун маълум ушлаб қолувчи вақтга эга бўлган чўққининг бўлиши намунада шу компонентнинг борлигининг исботидир.

Миқдорий аниқлаш учун кўпинча ўрганилаётган модда ва стандартнинг чўққилари майдонини солиштириш орқали ички стандарт методидан фойдаланилади. Хромато-масс-спектрик методда аниқланадиган бирикманинг нишонланган (меченные) аналоглари энг яхши стандартлар ҳисобланади.

Хромато-масс-спектрометрик методнинг афзаллиги мураккаб аралашмалардаги алоҳида бирикмаларни ёки маълум синф бирикмаларини аниқлашнинг юқори селективлиги ва қуйи аниқлаш чегарасининг жуда кичиклиги (10^{-12} - 10^{-10} г) дир.

Айрим ҳолларда хромато-масс-спектрометрия бирдан-бир мумкин бўлган аниқлаш методи бўлиб қолади. Бу биринчи навбатда юқори хавфли

токсикантлар гуруҳи полихлорланган дибензо-п-диоксинлар (ПХДД) ва полихлорланган дибензофуранлар (ПХДФ)га тегишли.

Атроф-муҳит объектларига тушишининг энг асосий манбаи кимё ва металлургия ишлаб чиқариш саноати, уй-рўзгор ва саноат чиқиндиларини ёқиш қурилмалари (установкалари) ва ҳок. Бу супертоксикантларни ва хусусий ҳолда, улардан энг заҳарли бўлгани 2,3,7,8-тетрахлор-п-дибензодиоксинни $10^{-10}\%$ ва ундан ҳам кам миқдорларини аниқлаш зарур. Бошқа томондан ПХДДнинг тетрахлор ҳосиласининг 22 та изомери мавжуд, улар орасидан , масалан битта моддани ажратиш, идентификацилаш ва аниқлаш керак бўлади. Бундай иккита мураккаб масаланинг сочетаниясини ечимини топишни фақат хромато-масс-спектрометриқ методи амалга ошира олади. ПХДД ваПХДФни миқдорий аниқлашнинг энг ишончли методи капилляр суюқлик хроматографияси билан изатопли нишонланган стандартлар қўлланиладиган юқори имкониятли масс-спектрометриянинг сочетаниясига асосланган. Агар масс-спектрометрларнинг қуйи имконият (квадруполли масс-анализатор, “ионная ловушка” ва бошқа)лари қўлланилганда асосий эътиборни намуна тайёрлашга ва концентрлашга қаратиш лозим бўлади.

Газ хроматографияси ва масс-спектрометриянинг сочетанияси натижаларни компютерда қайта ишлашни талаб этадиган жуда катта информация беради. Хромато-масс-спектрометриянинг компютерли дастури ажратиш, сақлаш ва катта сондаги тажриба натижалари анализи учун, шунингдек аниқланадиган аралашма компоненти масс-спектрини маълумотнома каталогидаги масс- спектрлари билан солиштириш учун хизмат қилади.

Электраналитик кимё, электрод реакциялари ва эритмадан электр токи яъни электронлар оқими ўтиши билан боғлиқ, таҳлилни электрокимёвий усулларидан иборат.

Электркимёвий усулларни миқдорий таҳлилда қўлланиши- электркимёвий жараён ўлчамлари (электрик потенциаллар фарқи, ток кучи, электр миқдори) ни таҳлил этилувчи эритмадаги, муайян электркимёвий жараёнда қатнашаётган, модда миқдorigа боғлиқлигига асосланган.

Кимёвий реакцияда эритмани электрик хоссаларини ўзгариши электрокимёвий жараён бўлиб, бу уйғунлашган жараённи *электркимёвий тизим* деб аташ мумкин. Таҳлил амалиёти электркимёвий тизим, электр токини ўтказувчи эритма қуйилган идиш (стақан) ва унга туширилган электродлардан иборат, **электркимёвий ячейкада** бажарилади.

Таҳлилни электркимёвий усулларининг таснифи

Электрокимёвий усулларнинг турли таснифлари мавжуд:

Тизимдаги электр энергияси манбаининг табиатига кўра. 2 хил тури мавжуд.

а) ташқаридан потенциал таъсир этмасдан бажариладиган усуллар.

Галваник элемент (галваник занжир) дан иборат электркимёвий тизимнинг ўзи электр энергиясининг манбаи бўлган *потенциометрик усуллар.*

Бундай тизимда электр юритувчи куч ва электрод потенциаллар эритмадаги аниқланувчи модданинг миқдorigа боғлиқ.

б) ташқаридан берилган потенциал таъсирида бажариладиган электркимёвий усуллар:

Кондуктометрик таҳлил – электролит эритмасининг концентрацияси ўзгариши билан электр ўтказувчанликни ўзгаришига асосланган..

Вольтамперометрик таҳлил - электродларга берилган потенциаллар фарқи ва эритманинг концентрацияси ўзгариши билан ток кучини ўзгаришига асосланган.

Кулонометрик таҳлил - эритмадан ўтган ток миқдорини концентрацияга боғлиқлигини ўлчашга асосланган.

Электрогровиметрик таҳлил - электрокимёвий реакция маҳсулоти массасини ўлчашга асосланган.

Электркимёвий усулларни қўлланиш услубига кўра таснифи.
Воситасиз ва воситали усуллар мавжуд:

а) воситасиз усулларда – эритма концентрациясига боғлиқ равишда ўзгарадиган электр қиймати тегишли ўлчов асбобида ўлчанади ва эритмадаги аниқланувчи модданинг миқдори топилади.

б) воситали усуллар титрлашни электркимёвий усули бўлиб, Т.С.Н титрланаётган эритма электр қийматини ўзгариши асосида топилади.


Мазкур таснифга кўра *воситасиз кондуктометрия кондуктометрик титрлашдан, воситасиз потенциометрия потенциометрик титрлашдан* фарқланади ва х.зо.

Потенциометрик таҳлил (потенциометрия)

Усулнинг моҳияти

Потенциометрик таҳлил (потенциометрия) таҳлил этилувчи эритманинг канцентра-циясига боғлиқ бўлган электр юритувчи куч ЭЮК ва электрод потенциалларни ўлчашга асосланган.

Агар электркимёвий тизим-галваник элемент – электродларида куйидаги реакция



n-та электрон кўчиши билан борса, бу тизим учун Нерист тенгламаси куйидаги кўринишда бўлади.

$$E = E^0 - \frac{RT}{nF} \ln \frac{a(D)^d \cdot a(E)^e}{a(A)^a \cdot a(B)^b} \quad (1)$$

бу ерда одатдагидек, E^0 - реакцияни стандарт ЭЮК (стандарт потенциаллар фарқи) R- газ доимийси, T- абсолют харорат, F-Фарадей сони, $a(A)$, $a(D)$ ва $a(E)$ – реакцияда қатнашаётган реагентларни фаолликлари (10.1) тенглама қайтар ҳолда ишловчи галваник элементга тегишли.

Хона ҳарорати учун (10.1) тенглама куйидаги кўринишда ёзилади.

$$E = E^0 - \frac{0,059}{n} \lg \frac{a(D)^d \cdot a(E)^e}{a(A)^a \cdot a(B)^b} \quad (2)$$

Реагентларнинг фаолликлари канцентрацияларига тақрибан тенг бўлган холда 10.1 тенгламани (10.3) кўринишида ёзиш мумкун.

$$E = E^0 - \frac{RT}{nF} \ln \frac{c(D)^d \cdot c(E)^e}{c(A)^a \cdot c(B)^b} \quad (3)$$

бу ерда $c(A)$, $c(B)$, $c(D)$, $c(E)$ реагентларнинг канцентрайиялари. Уй харорати учун бу тенгламани (10.4) кўринишида ёзиш мумкун.

$$E = E^0 - \frac{0,059}{n} \lg \frac{c(D)^d \cdot c(E)^e}{c(A)^a \cdot c(B)^b} \quad (4)$$


Потенциометрик ўлчовда электрокимёвий ячейкадаги икки хил электрод: - потенциоли аниқланувчи модда канцентрациясига боғлиқ бўлган

индикатор электроди ва потенциоли таҳлил ўтказиладиган шароитда ўзгармас *солиштирма электрод*, орасидаги потенциаллар фарқи ўлчанади. Шунинг учун (10.1)-(10.4) тенгламаларда ҳисобланадиган ЭЮК-ни ана шу икки электродлар орасидаги потенциал фарқи деб ҳисоблаш мумкун.

Потенциометрда: биринчи ва иккинчи тур ҳамда оксидланиш қайтарилиш, мембрана электродлар ишлатилади.

Биринчи тур электрод ўз таркибига мансуб катион бўлган эритма туширилган электрод бўлиб, унинг уч тури мавжуд.

а) ўз тузининг эритмасига туширилган металл М.Бундай электродларнинг сиртида қуйдаги қайтар реакция боради.



Биринчи тур электроднинг бу хилининг реал ҳақиқий электрод потенциоли металл катионлари фаъоллигига $a(M^{n+})$ боғлиқ бўлиб, қуйидагича ифодаланилади.

$$E = E^0 + \frac{RT}{nF} \ln a(M^{n+}) \quad (5)$$

Хона хароратида

$$E = E^0 + \frac{0,059}{n} \lg a(M^{n+}) \quad (6)$$

Суйюлтирилган эритмаларида, катион $a(M^{n+})$ фаъоллиги унинг $c(M^+)$ концентрациясига тақрибан тенг бўлганда

$$E = E^0 + \frac{RT}{nF} \ln c(M^{n+}) \quad (7)$$


Хона харорати учун

$$E = E^0 + \frac{0,059}{n} \lg c(M^{n+}) \quad (8)$$

б) Газли электродлар, масалан водородли электрод, жумладан, стандарт водород электроди. Қайтар холда ишловчи газли водород электродининг потенциоли водород ионлари фаъоллигига яъни эритманинг рН қийматига боғлиқ ва хона хароратида қуйдагида

$$E = E^0 + 0,059 \lg a(\text{H}_3\text{O}^+) = 0,059 \lg a(\text{H}_3\text{O}^+) = -0,059 \text{pH} \text{ -га тенг}$$

чунки водород электродининг стандарт потенциали нулга (E^0)га тенг ва куйдаги электрон реакцияга мувофик



бу реакцияда қатнашаётган электронлар сони $n=1$ тенг.

в) Амальгама электродлари - металл тузининг эритмасига ўша металл амальгамаси туширилган электрод. Мазкур биринчи тур электродининг потенциоли эритмадаги металл катиони фаоллиги $a(\text{M}^{n+})$ ва амальгамадаги ўша металл фаоллигига $a(\text{M})$ боғлиқ.


$$E = E^0 + \frac{RT}{nF} \lg \frac{a(\text{M}^{n+})}{a(\text{M})}$$

Амальгамали электродлар қайтар хусусиятига эга.


Анион бўйича *иккинчи тур* электродлар. Иккинчи тур электродларини куйидаги турлари мавжуд:

а) Оз эрувчан тузи билан қопланган металлни, мазкур туз таркибидаги анион бўлган тўйинган эритмага туширилган электрод. Мисол сифатида кумуш хлоридли $\text{Ag}(\text{AgCl}) \text{KCl}$ ёки каломел $\text{Hg}|\text{Hg}_2\text{Cl}_2|\text{KCl}$ электродлари.


Кумуш хлоридли электрод, калий хлоридни тўйинган эритмасига туширилган, сувда деярли эримайдиган AgCl тузи билан қопланган кумуш симдан иборат. Кумуш хлоридли электродда куйидаги қайтар реакция содир бўлади.



Каломел электроди тўйинган KCl эритмаси билан туташган, эрувчан симоб(1) хлориди Hg_2Cl_2 – каломель билан қопланган симоб металидан иборат. Каломель электродида куйидаги қайтар реакция содир бўлади.



Иккинчи тур электроднинг реал электрод потенциоли анионни фаоллигига боғлиқ бўлиб қайтар тартибда ишловчи электродда борадиган реакция



Нернст тенгламаси билан тавсифланади (9)-(12)

Умумий ҳолда исталган ҳарорат учун

$$E = E^0 - \frac{RT}{nf} \ln a(A^{n-}) \quad (9)$$

Хона ҳарорати учун

$$E = E^0 - \frac{0,059}{n} \lg a(A^{n-}) \quad (10)$$

Анион фаоллиги (а) канцентрациясига тақрибан тенг бўлган ҳолат учун

$$E = E^0 - \frac{RT}{nf} \ln c(A^+) \quad (11)$$

Хона ҳароратида

$$E = E^0 - \frac{0,059}{n} \lg c(A^+)$$

Масалан тегишлича кумуш хлоридли ва каломел электродларни реал потенциоллари E_1 ва E_2 хона ҳарорати учун қуйидагича ифодаланади.

$$E_1 = E^0_1 - 0,059 \lg a(Cl^-)$$

$$E_2 = E^0_2 - 0,059 \lg a(Cl^-)$$

Кейинги (каломел) электрод реакциясида 2 та электрон ($n=2$) қатнашади ва 2та хлорид иони ҳосил бўлади шу сабабдан логарифм олдидаги кўпайтувчи 0,059га тенг.

Кўриб чиқилган иккинчи тур электродлар қайтар, барқарор ва потенциали ўзгармаслиги сабабли солиштирма электрод сифатида ишлатилади.

б) Иккинчи тур газли электродлар – масалан хлорли электрод Pt, Cl₂ | KCl. Иккинчи тур газли электродлар миқдорий таҳлилда нисбатан кам қўлланади.

Оксидланиш-қайтарилиш электродлари – таркибида оксидловчи (Ox) ёки қайтарувчи (Red) бўлган эритмага туширилган инерт материал (платина, олтин, волфрам, титан, графит ва бошқалар) дан иборат. Оксидланиш-қайтарилиш электродларни икки тури мавжуд.

а) Потенциали водород ионларини фаоллигига боғлиқ бўлмаган электродлар. Масалан Pt/FeCl₃, FeCl₂; Pt/K₃[Fe(CN)₆], K₄[Fe(CN)₆] ва х.з.о.

б) Потенциали водород ионлари фаоллигига боғлиқ бўлган электродлар. Масалан, хингидрон электроди.

Потенциали водород ионлари фаоллигига боғлиқ бўлмаган оксидланиш-қайтарилиш электродида қуйидаги қайтар реакция содир бўлади.



Бундай оксидланиш-қайтарилиш электродининг реал потенциали муайян модданинг оксидланган ва қайтарилган шакилларининг фаоллигига боғлиқ бўлиб, қайтар холда ишловчи электродларни ишлаш шароитига кўра юқорида келтирилган потенциаллар каби Нернст тенгнамаси (10.13)-(10.16) билан қуйидагича ифодаланади:

$$E = E^0 + \frac{RT}{nF} \ln \frac{a(Ox)}{a(Red)} \quad (13)$$

$$E = E^0 + \frac{0,059}{n} \lg \frac{a(Ox)}{a(Red)} \quad (14)$$

$$E = E^0 + \frac{RT}{nF} \ln \frac{c(Ox)}{c(Red)} \quad (15)$$

$$E = E^0 + \frac{0,059}{n} \lg \frac{c(Ox)}{c(Red)} \quad (16)$$

хамма белгилар ананавий маънога эга.

Агар электрод реакциясида водород ионлари қатнашса уларни фаоллиги (концентрацияси) ҳар қайси конкрет ҳолда Нернст тенгламасида ҳисобга олинади.

Мембрана ёки ионселиктив электродлар – қаттиқ ёки суяқ мембранага сорбцияланадиган бирор ионга нисбатан қайтар электродлар. Бундай электродларни реал потенциали сорбцияланадиган ионлар фаоллигига боғлиқ.

Қаттиқ мембраналик электродлар иккала томонида бир хил аниқланувчи ионлари бўлган турли концентрацияли эритмалар орасидаги юпқа мембранадан иборат. Бу эритмалардан бири стандарт (аниқ концентрацияли) эритма ва иккинчиси аниқланувчи ион концентрацияси номаълум бўлган, таҳлил этилувчи эритма. Мембранани иккала томонидаги ионлар концентрациялари ҳар хил бўлгани сабабли ионлар миқдори ҳам ҳар хил, бинобарин мембранани иккала томонидаги зарядлар сони ҳам ҳар хил бўлади. Бунинг натижасида потенциалнинг мембрана фарқи вужудга келади.

Ионселектив мембрана электродларини назаряси мукамал ишлаб чиқилган.

Мембрана ион-селектив электродлар воситасида бажариладиган таҳлил *ионаметрия* деб аталади.

Юқорида баён этилганидек потенциометрик усулда ишлатиладиган электрохимёвий ячейка таркибида иккита: - индикаторли ва солиштирма электрод бўлади. Ячейкада ҳосил бўладиган ЭЮК мазкур икки электродларнинг потенциаллар фарқига тенг. Потенциометрик ўлчов шароитида солиштирма электроднинг потенциали ўзгармаслиги сабабли ўлчанадиган ЭЮК қиймати фақат индикатор электродининг потенциалига боғлиқ яъни эритмадаги аниқланаётган ионлар фаоллигига боғлиқ. Таҳлил этилаётган эритмадаги модда концентрациясини аниқлаш индикатор электроди потенциалини солиштирма электродга нисбатан ўлчашга асосланган.

Эритмадаги модда концентрациясини аниқлаш воситасиз потенциометрия ёки потенциометрик титрлаш усулларида бажарилса-да иккинчиси, таҳлилда кўпроқ қўлланади.

Воситасиз потенциометрия

Воситасиз потенциометрия одатда даражалаш графиги ёки стандарт қўшиш усулида бажарилади.

а) Даражалаш чизмаси усули. Аниқланувчи моддани муайян концентрацияли 5-7 та эталон эритмалари тайёрланади. Тайёрланган эталон

эритмалардаги аниқланувчи модда концентрацияси ва ион кучи таҳлил этиладиган эритма концентрацияси ва ион кучига қанчалик яқин бўлса хатолик шунча кам бўлади. Барча эритмалар ион кучини ўзгармаслиги учун индифферент электролит қўшилади. Тайёрланган эталон эритмаларни ҳар бири электрокимёвий (потенциометрик) ячейкага қуйиб, унга туширилган индикатор ва стандарт электродлар орасидаги потенциаллар фарқи ўлчанади.

Эталон эритма қуйилишидан аввал стакан ва электродлар дистилланган сув билан яхшилаб ювилгач, эталон эритманинг ЭЮК қиймати ўлчанади. Олинган натижалар асосида ЭЮК $Ig\ c$ (бу ерда c -эталон эритмадаги аниқланувчи модда концентрацияси) коорди-натларида даражалаш чизмаси чизилади, одатда бундай чизма чизиқли кўринишда бўлади.

Шундан кейин ячейка ва электродлар дистилланган сув билан ювилгач, унга текширилувчи эритма қуйилади ва ЭЮК ўлчанади. Даражалаш чизмасидан $Ig\ c(x)$ қиймати яъни таҳлил этилган эритмадаги аниқланувчи модда $c(x)$ концентрацияси топилади.

б) Стандартларни қўллаш усули. Электркимёвий ячейкага таҳлил этилаётган эритманинг $V(x)$ ҳажми қўйилади ва ячейканинг ЭЮК қиймати ўлчанади. Сўнгра ўша эритмага, стандарт эритмани кичик аммо аниқ ўлчанган $V(cт)$ ҳажминини қўшиб яна ЭЮК ўлчанади.

Таҳлил этилувчи эритмадаги аниқланувчи модда $c(x)$ концентрацияси қуйидаги формулада ҳисобланади (10.17)

$$c(x)=c(cт) \frac{V(cт)}{V(x)+V(cт)} \left[10^{n\Delta E/0,059} - \frac{V(x)}{V(x)+V(cт)} \right]^{-1} \quad (17)$$

бу ерда ΔE -ЭЮК ўлчанган икки қиймат орасидаги фарқ, n -электрод реакциясида қатнашаётган электронлар сони.

Воситасиз потенциометрияни қўлланиши. Воситасиз потенциометрия водород ионлари (эритмани pH қиймати), анионлар ва металл ионлари (ионометрия) концентрацияларини аниқлашда қўлланади.

Воситасиз потенциометрияни қўллашда индикатор электродини танлаш ва мувозанат потенциалини аниқ ўлчаш муҳим аҳамиятга эга.

Эритмаларни pH қийматини ўлчаш учун индикатор электроди сифатида, потенциали водород ионларини концентациясига боғлиқ бўлган, шиша, водородли хингидрон ва бошқа электродлар ишлатилади. Кўпинча водород ионлари бўйича қайтар бўлган шиша мембрана электроди ишлатилади. Шиша электроднинг потенциали водород ионларининг


концентрациясига боғлиқ бўлгани сабабли, таркибида шиша электрод бўлган электр занжирнинг ЭЮК қиймати хона ҳароратида, куйидаги тенглик билан тавсифланади.

$$E=K+0,059pH$$

бу ерда К- доимий сон, мембрана материали ва солиштирама электрод табиатига боғлиқ. Шиша электрод рН қийматларини рН=0–10 (кўпинча рН=2–10) оралигида юқори қайтувчанлик ва барқарорлик билан аниқлаш имконига эга.

Илгари кўп қўлланган *хингидрон электрод*- электродларни оксидланиш-қайтарилиш турига мансуб бўлиб, унинг потенциали ҳам водород ионлари концентрациясига боғлиқ. Бу электрод, хинон ва гидрохинон эквимольяр нисбатидаги $C_6H_4O_2 \cdot C_6H_4(OH)_2$ (сувда кам эрийдиган тўқ яшил кукун) хингидрон билан тўйинтирилган, кислота (одатда HCl) эритмасига туширилган платина симидан иборат. Хингидрон электроди схематик равишда куйидагидек тасвирланади Pt (хингидрон) HCl.

Хингидрон электродида куйидаги оксидланиш-қайтарилиш реакцияси содир бўлади.



Хингидрон электроднинг хона ҳароратидаги потенциали куйидаги формула билан тавсифланади.

$$E=E^0-0,059 pH$$

Хингидрон электродида эритмани рН=0–8,5 қийматлари оралигида ўлчаш мумкин рН < 0 шароитда хингидрон гидролизланиб, (гидролитик парчаланиб) кетади рН > 8,5 бўлган шароитда хингидрон кучсиз кислота сифатида нейтралланиш реакцияга киришади.

Кучли оксидловчи ва қайтарувчилар бўлган муҳитда хингидрон электродидан фойдаланиш мумкин эмас.

Мембрана ион – селектив электродлар, юқорида баён этилгандек турли катионлар (Li^+ , Na^+ , K^+ , Mg^{2+} , Ca^{2+} , Cd^{2+} , Fe^{2+} , Ni^{2+} ва бошқалар) ва анионлар

(F⁻, Cl⁻, Br⁻, J⁻, S²⁻ ва бошқалар) ни аниқлашни ионометрик усулида ишлатилади.

Воситасиз потенциометрия содда ва тезкор бўлиб, амалиёт учун эритмани кичик ҳажми кифоя этади.

Потенциометрик титрлаш

Эритмани титрлаш учун сарфланган титрант ҳажмини титрлаш жараёнида индикатор ва солиштирма электродлардан иборат галваник элемент ЭЮК – ни ўлчаб бориш *потенциометрик титрлаш* деб аталади. Потенциометрик титрлашда электрохимий ячеядаги таҳлил этилувчи эритма тегишли титрант билан титрланиб, ТСН галваник занжирни ЭЮК қиймати кескин ўзгариши яъни тегишли ион концентрациясига сезгир, индикатор электродининг потенциални эквивалент нуқтада кескин ўзгариши асосида аниқланади. Қўшилган титрант ҳажмига кўра индикатор электрод потенциални ўзгариши ўлчаб борилади. Олинган натижалар асосида потенциометрик титрлаш эгриси чизилади ва шу графикдан ЭН да сарфланган титрант ҳажми топилди.

Потенциометрик титрлашда кимёвий индикатор қўллаш эҳтиёжи қолмайди.

Потенциали, титрлаш реакцияси қатнашаётган (ёки хосил бўлаётган) ионлар концентрациясига сезгир бўлган индикатор электроди танланади. Солиштирма электроднинг потенциални титрлаш давомида ўзгармасдан сақланиши шарт. Иккала электрод электрохимий ячеяда бевосита ёки ток ўтказувчи индифферент электролит эритмаси (электролитик калит) билан туташтирилган иккита идишга ўрнатилади. Таҳлил этилувчи эритма қуйилган идишга индикатор электроди, ток ўтказувчи индифферент электролит эритмасига солиштирма электрод ўрнатилади.

Магнит аралаштиргич ёрдамида аралаштириб турилган, таҳлил этилувчи эритмага титрантнинг тенг улушлари қўшиб хар гал потенциаллар фарқи ўлчаб борилади. ЭНга яқинлашгач, титрлаш охирида, титрант томчилаб, секин аста қўшилади ва қўшилган хар томчидан сўнг электродлар орасидаги потенциал фарқи ўлчаб (ёзиб) борилади.

Электродлар орасидаги потенциаллар фарқи катта қаршиликдаги потенциометрда ўлчанади.


Потенциометрик титрлаш эгриси. Электрхимий ячеканинг ЭЮК қийматини ~ аниқланувчи эритмага қўшилган титрант ҳажмидан боғланиш чизмаси потенциометрик титрлаш эгриси деб аталади.

Потенциометрик титрлаш эгриси турли координатларда чизилади:

E-V(T) координатларида чизилган титрлаш эгриси (баъзан титрлашни интегралэгриси) дейилади.

$dE/dV-V(T)$ ва $d^2E/dV^2-V(T)$ координатлардаги эгрилик титрлашни дифференциал эгриси деб аталади.

Гран усулидаги титрлаш эгриси $\Delta V/\Delta E-V(T)$ координатларда чизилади бу ерда E-потенциометрик ячейкани Э.Ю.К. қиймати ва $V(T)$ қўшилган титрантнинг ҳажми, ΔE -титрантни ΔV ҳажми қўшилганда потенциални ўзгариши 1 расмда потенциометрик титрлашни хар ҳил турлари тасвирланган.



10.1-расм. Потенциометрик титрлаш турлари E ўлчанган ЭЮКнинг қийматлари, $V(T)$ -қўшилган титрантнинг ҳажми, Э.Н(V)-эквивалент нуқтада сарфланган титрантнинг ҳажми.

а-Е – $V(T)$ координатларидаги титрлаш эгриси.

б,в – титрлашни дифференциал эгриликлари.

г – Гран усулида чизилган титрлаш эгриси.

Титрлашни ЭНсида сарфланган титрант ҳажми (ЭН)V-ни фақат чизма усулда эмас балки (18) формула асосида ҳисоблаш ҳам мумкин.

$$(\text{Э.Н}) V = V_1 + (V_2 - V_1) \frac{A_1}{A_1 - A_2} \quad (18)$$

бу ерда V_1 - ЭНгача қўшилган титрантни сўнгги ҳажми, V_2 - ЭНсидан кейин дастлабки ўлчашга тегишли сарфланган титрант ҳажми.

$$A_1 = \Delta\left(\frac{\Delta E}{\Delta V_1}\right), \quad A_2 = \Delta\left(\frac{\Delta E}{\Delta V_2}\right),$$

10.1. жадвалда, фармакопея мисоли тариқасида, потенциометрик титрлаш натижалари ва ҳисоблари келтирилган.

10.1 жадвалдаги маълумотлардан (10.18) формула асосида (ЭН)V қийматини ҳисоблаймиз. Жадвалдаги маълумотга кўра $\Delta E/\Delta V$ максимал қиймати 1000га тенг. Бўлган ҳолатлар яқинида $V_1=5,20$ ва $V_2=5,30$: $A_1=720$, $A_2=450$. Шу қийматларни 10.18 формулага қўйсак

$$\text{ЭН}(v) = 5,20 + (5,30 - 5,20) \frac{720}{720 - 450} = 5,26 \text{ см}^3$$

Жадвал 1.

Потенциометрик титрлаш натижаларини ҳисоблаш мисоли

$V_{\text{см}^3}$	$\Delta V_{\text{см}^3}$	E мВ	$\Delta E_{\text{мВ}}$	$\Delta E / \Delta V$	$(\Delta E / \Delta V) = A$
5,00		250			
	0,10		13	130	
5,10		263			+150
	0,10		28	280	
5,20		291			+720
	0,10		100	1000	
5,30		391			-450
	0,10		55	550	
5,40		446			-330
	0,10		22	220	
5,50		468			-120
	0,10		10	100	
5,60		478			

--	--	--	--

Потенциометрик титрлашни қўлланиши

Мазкур усул унверсал бўлиб, титрлашни барча: кислота-асос, оксидланиш қайтарилиш, комплексонометрик чўктириш, сувсиз муҳитда титрлаш усулларида ТСН аниқлашда қўллаш мумкин. Индикатор электроди сифатида шиша, симоб ионселектив, платина ва кумуш электродлари, солиштирама электрод сифатида – каломель ва кумуш хлорид электродлар ишлатилади.

Потенциометрик титрлаш усули юқори аниқлик, сезгирликка эга бўлиб, лойқа суспензиялар, рангли, ва сувсиз муҳитда ҳам ишлатилиши битта эритмадаги турли анионларни масалан, аргентаметрик титрлашда хлорид ва йодид ионларни аниқлаш мумкин.

Потенциометрик титрлаш усулларида кўпчилик доривор моддалар масалан: аскорбин кислотаси, сульфаниламид препаратлари, барбитуратлар, алкалоидлар ва бошқаларни аниқлаш мумкин.

Кондуктометрик таҳлил (кондуктометрия)

Кучли электролит эритма электр ўтказувчанлигини эритма концентрациясига боғлиқлигини, биринчи бўлиб 1885 йилда топган олмониялик олим Ф.В.Кольрауш (1840-1910 й) кондуктометрик таҳлил ихтирочиси ҳисобланади. XX асрни 40 йилларида юқори частотали кондуктометрик титрлаш усули ишлаб чиқилди. XX асрни 60 йилларидан бошлаб кондуктометрик детекторлар суюқлик хроматографиясида қўлланила бошланди.

Усулнинг тамоили. Асосий тушунчалари

Кондуктометрик таҳлил электролит эритмасининг электр ўтказувчанлигини эритма концентрациясига боғлиқлигини ўлчашга асосланган.

Электролит эритмасининг электр ўтказувчанлиги, шиша идиш (стакан)га кавшарлаб қўйилган иккита электроддан иборат электрохимий ячейкада ўлчанади. Ячейкадаги электролит эритмасидан ўзгарувчан электр токи ўтказилади. Кўпчилик электродлар платина металлдан тайёрланади. Электрод ҳажмини ошириш мақсадида унинг сирти платиналик туз эритмасидаги платина ионларини электрохимий чўктириш воситасида говакли платина билан қопланади (Платиналанган платинаэлектроди).

Электролиз ва электродларни қутбланишини олдини олиш мақсадида кондуктометрлик ўлчашлар ўзгарувчан электр токида бажарилади.

Ўтказгичларнинг биринчи тури- металллардаги каби, электродлар орасидаги эритма қатламининг қаршилиги (R) мазкур қатлам қалинлиги (l)га тўғри ва электродлар юзаси (S)га тескари мутаносиб

$$R = \rho \frac{l}{S} = \frac{l}{\kappa S} \quad (19)$$

бу тенгламада коэффициент ρ -солиштирма электр ўтказувчанлик ва унинг тескари қиймати $\kappa=1/\rho$ солиштирма электр ўтказувчанлик деб аталади. Электр қаршилиги R-ом бирлигида эритманинг қават қалинлиги l-сантиметрда, электродларнинг юзаси см^2 -да ўлчангани сабабли солиштирма электр ўтказувчанлик $\text{Ом}^{-1} \text{см}^{-1}$ (баъзан См см^{-1}) бирликда ифодаланади.

Солиштирма электр ўтказувчанликни κ физик маъноси 1 см^3 эритманинг электр ўтказувчанлиги бўлиб, юзаси 1 см^2 , электродлар орасидаги масофа 1 см бўлган эритма устунининг 1 вольт кучланиш берилгандаги электр ўтказувчанлик – 1В/см маъносини англатади.

Солиштирма электр ўтказувчанликнинг қиймати электролит ва эритувчининг табиати, эритма концентрацияси ва ҳароратга боғлиқ.

Эритманинг концентрацияси ортган сайин электр ўтказувчанлик аввал ортади, сўнгра максимумдан ўтгач камаяди. Электр ўтказувчанликни бундай ўзгаришининг сабаби қуйдагича тушунтирилади. Кучли ёки кучсиз электролит эритмаси концентроцияси ортганда ток ўтказувчи зарралар, ионлар, сони ортади. Шунинг учун эритманинг электр ўтказувчанлиги (эритмадан ўтаётган ток кучи) ортади. Сўнгра эритма коцентрацияси ортган сари унинг қовушқоқлиги, ионларни электростатик тортишуви ортади (ионлар ҳаракатчанлиги камаяди), Натижада концентрация ортгани билан электр ўтказувчанлик ортмайди.

Кучсиз электролит эритмасида концентрация ортган сари электролитни диссоциация даражаси камаяди бу эса ток ўтказувчи зарра-ионлар сонини камайиши бинобарин солиштирма электр ўтказувчанликни камайишига сабаб бўлади. Кучли электролит эритма-сини концентрацияси ортганда ион ассоциатлар (икки, уч ва ундан ортиқ ионларни бири-куви) ҳосил бўлади ва бу ҳам электр ўтказувчанликни камайишига сабаб бўлади.

Кўрсатилган омиллар мажмуаси электролит эритмаси солиштирма электр ўтказувчанлигини юқоридаги тартибда ўзгаришига сабаб бўлади.

Харорат ортганда эритма қовушқоқлиги камайиши, ионлар харакатчанлигини ортиши, кучсиз электролитларда эса диссоциация (электролит молекуласини ионларга ажралиш) даражаси ортгани сабабли солиштирма электр ўтказувчанлик ортади. Шунинг учун микдорий кондуктометрик ўлчов, кондуктометрик ячейка термостатланган, холда ўзгармас хароратда бажарилади.

Кондуктометрияда солиштирма электр ўтказувчанликдан ташқари *эквивалент электр ўтказувчанлик λ ва моляр электр ўтказувчанлик μ ишлатилади.*

Эквивалент электр ўтказувчанликни физик моҳияти – 1 см масофада жойлашган бир хил электродлар орасида 1 г экв эриган моддаси бўлган бир 1 см³ эритмани электр ўтказувчанлигидир.

Эквивалент моляр массага заряд сони бирга тенг бўлган зарраларга тенг улуш олинади. Масалан H⁺, Br⁻, ½Cu²⁺, 1/3Fe³⁺ ва х.з.о.

Шундай қилиб, солиштирма электр ўтказувчанлик к турли концентрацияли эритмалар 1 см³ ҳажмининг электр ўтказувчанлигини тавсифласа, эквивалент электр ўтказувчанлик λ 1 грамм эквивалент электролитнинг электр ўтказувчанлигини тавсифлайди эритманинг ҳажми турлича бўлиши мумкин.

Электролит эритмасини концентрацияси камайган сари эквивалент электр ўтказувчанлик ортаборади. Чексиз суюлтирилган электролитнинг эквивалент электр ўтказувчанлиги максимал қийматга эга бўлади. Эквивалент электр ўтказувчанлик солиштирма ўтказувчанлик каби харорат ошган сари ортади.

Эквивалент электр ўтказувчанлик λ солиштирма электр ўтказувчанлик к билан қуйидагича (10.20) боғланган.

$$\lambda = \frac{1000 \cdot \kappa}{c} \text{ см}^{-1} \cdot \text{ЭЭКВ}^{-1} \cdot \text{см}^2 \quad (20)$$

бу ерда c -эквивалент моляр концентрация.

Кольраушни *ионларни мустақил харакати қонунига муофик* электролитнинг *чексиз суюлтирилган эритмасидаги* эквивалент электр ўтказувчанлик λ_{∞} ёки (λ°) катион ва анион-ларни чегаравий харакатчанликлари (λ°_{+} ва λ°_{-}) йиғиндисига тенг, яъни чексиз суюлтирилган эритмадаги ионлар харакатчанлигига тенг.

$$\lambda_{\infty} = \lambda^{\circ}_{+} + \lambda^{\circ}_{-} \quad (21)$$

Муайян эритувчидаги ионни чегаравий харакатчанлиги берилган хароратда ўзгармас катталиқ бўлиб, мазкур ионнинг электрик харакатчанлигини ифодалочи доимий (яъни айна ионга хос) катталиқдир.

10.2-жадвалда мисол тариқасида баъзи ионларни сувли эритмадаги чегаравий харакатчанлиги келтирилган.

Жадвал 2.

25°да, сувли эритмадаги баъзи ионларни чегаравий харакатчанлик λ° қийматлари

Катион	λ° , Ом моль ⁻¹ см ²	Анион	λ° , Ом моль ⁻¹ · см ⁻¹
H ⁺	349,8	OH	198,3
Rb ⁺	77,5	1/4[Fe(CN) ₆] ⁴⁻	111
Cs ⁺	77,2	1/3[Fe(CN) ₆] ³⁻	99,1
NH ₄ ⁺	73,7	1/2CrO ₄ ²⁻	85
K ⁺	73,5	1/2SO ₄ ²⁻	80,8
1/2Pb ²⁺	70	Br ⁻	78,1
1/3Fe ³⁺	68	I ⁻	76,8
1/2Ba ²⁺	61,6	Cl ⁻	76,4
Ag ⁺	62,2	NO ₃	71,5
1/2Ca ²⁺	59,5	1/2CO ₃ ²⁻	69,3
1/2Zn ²⁺	54	1/3PO ₄ ³⁻	69
1/2Fe ²⁺	53,5	ClO ₄	67,3
1/2Mg ²⁺	53	F ⁻	55,4
Na ⁺	50,11	HCO ₃ ⁻	44,5
Li ⁺	38,68	CH ₃ COO ⁻	40,9

3 жадвалда сувли эритмалардаги ионларни чегаравий харакатчанлигига хароратни, 4 жадвалда эритувчи табиатини таъсири кўрсатилган.

Жадвал 3.

Сувли эритмаларда баъзи ионлар чегаравий харакатчанлиги λ° га хароратни таъсири

Ион	λ° , Ом моль ⁻¹ см ²				
	0	18	25	55	100
H ⁺	225	315	349,8	483,1	630
Li ⁺	19,4	32,8	38,5	68,7	115
Na ⁺	26,5	42,8	50,1	86,8	143
K ⁺	40,7	63,9	73,5	119,2	195
Rb ⁺	43,9	66,5	77,8	124,2	-
Cs ⁺	44	67	77,2	127,6	200
Ag ⁺	33,3	53,5	62,2	-	176
1/2Ca ²⁺	31,2	50,7	59,5	-	180
1/2Ba ²⁺	34	54,6	63,6	-	195
OH ⁻	105	171	198,3	-	450
Cl ⁻	41	66	76,4	126,4	212
Br ⁻	42,6	68	78,1	127,8	-
I ⁻	41,4	66,5	76,8	125,4	-
1/2SO ₄ ²⁻	41	68,4	80	-	260
CH ₃ COO ⁻	20,3	34	40,9	-	130

Жадвал 4.

Турли эритувчиларда баъзи ионларнинг 25°C даги чегаравий харакатчанлиги

Ион	λ° , Ом моль ⁻¹ см ²				
	Сув	Метан ол	Этано л	Ацит он	Нитробенз ол
H ⁺	349,8	143	59,3	88	23
Na ⁺	50,11	45,2	18,7	80,0	17,2
K ⁺	73,5	52,4	22,0	82,0	19,2
Ag ⁺	62,2	50,3	17,5	88	18,6
Cl ⁻	76,4	52,9	24,3	111,0	17,3
Br ⁻	78,1	55,5	25,8	113,0	19,6

Чегаравий концентрациядаги ионлар харакатчанлиги λ доимий қиймат бўлмай эритма концентрациясига (5 жадвал) боғлиқ, концентрация ортган сари ионлар харакатчанлиги камая боради.

Жадвал 5.

Эритмаларни турли концентрациялари (с)да ионлар харакатчанлигининг λ қийматилари

с, моль/дм ²	λ° , Ом моль ⁻¹ · см ²							
	H ⁺	Li ⁺	Na ⁺	K ⁺	O ²⁻	H ⁻	Cl ⁻	F ⁻
0,001	314, 2	32, 5	42, 3	63, 1	17	1	65, 0	45, 5
0,01	307, 0	30, 1	40, 0	60, 4	16	7	61, 5	43, 2
0,1	294, 4	27, 5	35, 4	55, 4	15	7	55, 5	38, 0

Электролит эритмасини моляр электр ўтказувчанлиги μ уни эквивалент электр ўтказувчанлиги каби ҳисобланади.

$$\mu = \frac{100\kappa}{c} \quad (22)$$

бу ерда c – эритмадаги электролитнинг моляр концентрацияси. Моляр электр ўтка-зувчанликни бирлиги эквивалент электр ўтказувчанлигининг бирлиги каби Ом моль⁻¹ см².

Микдорий кондуктометрик таҳлил электр ўтказувчанликни концентрацияга боғланишини ифодаловчи (20) ва (22) тенгламаларга асосланган.

Кондуктометрик таҳлилда воситасиз кондуктометрия ва кондуктометрик титрлаш усуллари қўлланади.

Воситасиз кондуктометрия

Воситасиз кондуктометрияда таҳлил этилувчи эритма концентрацияси эритмани солиштирма электр ўтказувчанлигини ўлчаб аниқланади. Ўлчанган натижалар ҳисоблаш ёки даражалаш чизмаси усулларида ишлаб чиқилади.

Ҳисоблаш усули (20) тенглама асосида эритмадаги электролит эквивалент моляр концентрацияси солиштирма электр ўтказувчанлик κ ва эквивалент электр ўтказувчанлик орқали ҳисобланади.

$$c = \frac{1000 \cdot \kappa}{\lambda} \quad (23)$$

Солиштирма электр ўтказувчанлик термастатланган кондуктомерик ячейка электр қаршилигини ўлчаб аниқланади.

Эритмани эквивалент электр ўтказувчанлиги λ катион λ_+ ва анион λ_- лар харакат-чанликлари йиғиндисига тенг.

$$\lambda = \lambda_+ + \lambda_-$$

Катион ва анионлар харакатчанликлари маълум бўлса концентрацияни (10.24) формуладан ҳисоблаш мумкин.

$$c = \frac{1000 \cdot \kappa}{\lambda_+ + \lambda_-} \quad (24)$$

Сувда оз эрувчан электролитлар (кальций, барий сульфатлари, кумуш галогенидлари ва бошқалар) тўйинган эритмасининг концентрацияси воситасиз кондуктометрия усулида шундай ҳисобланади.

Мисол тариқасида кумуш хлоридни AgCl сувдаги эрувчанлиги яъни тўйинган эритмаси концентрациясини 25°C воситасиз кондуктометрик аниқлашни кўриб чиқамиз. (10.24) тенгламага асосан.

$$c = \frac{1000 \cdot \kappa}{\lambda(\text{Ag}^+) + \lambda(\text{Cl}^-)}$$

Кумуш хлорид сувдаги эритмасининг солиштирма электр ўтказувчанлиги κ кумуш хлорид таҳлил этилган эритмасининг κ_i қийматдан тоза сувнинг $\kappa(\text{H}_2\text{O})$ солиштирма электр ўтказувчанлик қийматининг айирмасига тенг.

$$\kappa = \kappa_i - \kappa(\text{H}_2\text{O})$$

Кумуш хлоридни сувдаги эрувчанлиги жуда оз бўлгани сабабли ундаги кумуш катиони ва хлорид аниони ҳаракатчанликларини чегаравий суюлтириган эритмадаги ҳаракатчанлик яъни $\lambda^+(\text{Ag}^+) = \lambda^\circ(\text{Ag}^+) = 62,2$, $\lambda(\text{Cl}^-) = \lambda^\circ(\text{Cl}^-) = 76,4$. (10.2 жадвалга қаранг) тенг деб қабул қилиш мумкин.

$$c = \frac{1000[\kappa_i - \kappa(\text{H}_2\text{O})]}{62,2 + 76,4} \quad (24')$$

Даражалаш чизма усули. Хар бирида аниқланувчи модда концентрацияси аниқ бўлган қатор эталон эритмалар тайёрланади ва термостатланган кондуктометрик ячейкада уларни солиштирма электр ўтказувчанлиги ўлчанади. Олинган натижалар асосида абцисса ўқига эталон эритмалар концентрациялари ординатага – солиштирма электр ўтказувчанлик қийматларини кўйиб даражалаш чизмаси чизилади. (24) тенгламага муофиқ солиштирма электр ўтказувчанликни ўзгариши концентрацияларни тор оралигида одатда тўғри чизикли кўринишда бўлади.

(24) тенгламадаги катион ва анионлар, ҳаракатчанлиги сезиларли даражада ўзгариб кетадиган концентрациялар оралигида тўғри чизикли боғланишдан четланиш кузатилади.

Сўнгра айнан ўша шароитда номаълум концентрациялик c_x таҳлил этилувчи эритмадаги электролитни солиштирма электр ўтказувчанлиги $k(x)$ ўлчанади ва даражалаш чизмасидан $k(x)$ га тегишли $c(x)$ қиймати топилади. Масалан, барийли сувдаги (барий гидроксидни тўйинган эритмаси) барийни миқдори айнан шу усулда аниқланган.

Воситасиз кондуктометрияни қўлланиши. Воситасиз кондуктометрия усули содда, жуда сезгир ($\sim 10^{-4}$ моль /дм³), хатолик нисбатан кам $\pm 2\%$ гача. Аммо бу усул селективлиги кам.

Воситасиз кондуктометрия таҳлилда кам қўлланади. Бу усул оз эрувчан электролитлар эрувчанлигини, дистилланган сув ва озуқа маҳсулотлар (сут, ичимликлар ва бошқалар) сифат назоратида, минерал, денгиз сувидаги тузларни умумий миқдорини аниқлашда ишлатилади.


Кондуктометриқ титрлаш

Кондуктометриқ титрлаш кондуктометриқ ячейкадаги иккита инерт (одатда платина) электродлар орасидаги таҳлил этилувчи эритмани электр ўтказувчанлигини, титрлаш жараёнида, ўзгаришини ўлчаб бажарилади. Олинган натижалар асосида титрланувчи эритма электр ўтказувчанлигини қўшилган титрант ҳажмидан (боғловчи) боғлиқлик кондуктометриқ титрлаш эгриси чизилади. Титрлашни сўнги нуқтаси, аксарият холларда, титрлаш эгрисини икки (2-расмда қўрсатилган) қисми экстраполяция чизиқларини кесишган нуқтасидан топилади. Шу сабабдан ЭН яқинида ўз рангини ўзгартирувчи индикатор қўллаш эҳтиёжи йўқ.

Кондуктометриқ титрлашни турли: кислота-асос, комплекс ҳосил бўлиш реакцияларига қўллаш мумкин.


Реакцияга киришаётган ёки реакция натижасида ҳосил бўлаётган ионларнинг хилига кўра кондуктометриқ титрлаш эгрилари турли кўринишда бўлади.

2 расмда кондуктометриқ титрлаш эгриларини баъзи турлари схематик тасвирланган. 2 расмдаги (а) ҳолатда кучли кислотани кучли асос (ишқор) билан масалан хлорид кислотани натрий гидроксид билан титрлаш тасвирланган.



Ион кўринишида





2-расм. Кондуктометрик титрлашни баъзи турларини схематик тасвири к-солиштирма электр ўтказувчанлик, $V(T)$ қўшилган титрант ҳажми.


- а) кучли кислота эритмасини ишқор эритмаси билан титрлаш
- б) титрланувчи модда ва титрант ионларини электр ўтказувчанлиги кичик,
- в) кучли кислотани натрий гидрокарбонат эритмаси билан титрлаш:
- г) титрланувчи модда ионлари электрик ҳаракатчанлиги кичик, титрант ионлари катта ҳаракатчанликга эга.

Кислота титрланган сари титрланувчи эритма электр ўтказувчанлиги кескин камаяди чунки эритмадаги ҳаракатчанлиги юқори бўлган водород ионлари H^+ сарфланиб (суйга айла-ниб) камая боради. ЭНдан кейин, титрланувчи эритмада ҳаракатчанлиги водород ионларидан камроқ бўлса-да, етарли ҳаракатчан гидроксил ионлари ортаборган сари эритмада электр ўтказувчанлик ортаборади.

Титрлаш эгрисидаги букилиш нуқтаси ноаниқ бўлганда ЭНга тегишли титрант ҳажмини 2 расмда кўрсатилгандек иккита уринма тўғри чизиқларининг кесишган нуқтасини аб-цисса ўқиға тўғри келган қийматидан топилади. Тасвирда вертикал пунктир чизиқ билан кўрсатилган.


2 расмдаги (б) эгрилик титрант ва титрланувчи модда ионларини тенг ва кичик ҳаракатчанликга эга бўлган ҳолатига мансуб.

2 расмдаги (в) эгрилик кучли кислота эритмаси ионларини ҳаракатчанлиги кичик бўлган титрант билан титрлашга, масалан хлорид кислотани натрий гидрокарбонат эритмаси билан титрлашга мансуб.




Т X

Ион холида




Титрлаш жараёнида харакатчанлиги катта бўлган водород H^+ ионлари нейтралланади, шунинг учун ЭНда эритмани электр ўтказувчанлиги кескин камаяди ЭНдан кейин эритмани электр ўтказувчанлиги ортиқча қўшилган титронт (NaHCO_3) ҳисобига бир оз ортаборади.

2 расмдаги (г) эгрилик ионлар харакатчанлиги кичик модда эритмасини ионлар харакатчанлиги катта модданинг эритмаси билан титрлашга мансуб. Масалан кальций хлорид эритмасини ишқор эритмаси билан титрлаш.



T X



ЭН-гача сарфланаётган кальций ионларини ўрнига натрий катиони пайдо бўлаётгани сабабли титрланувчи эритманинг электр ўтказувчанлиги кам ўзгармоқда. ЭНдан кейин, эритмада харакатчанлиги катта гидроксил ионларини ортиб бориши ҳисобига эритмани электр ўтказувчанлиги орта бормоқда.

Кондуктометрик титрлашни қўлланиши. Кондуктометрик титрлаш усули қуйидаги қатор афзалликларга эга. Титрлашни, рангли, лойқа, тиниқ бўлмаган муҳитларда ҳам бажариш мумкин. Мазкур усулнинг сезгирлиги $\sim 10^{-4}$ моль/дм³ етарли даражада юқори хатолиги 0,1дан 2% гача. Тахлилни автоматлаштириши мумкин. Аммо селективлиги кичик бу эса усулни камчилиги ҳисобланади.

Юқори частотали (радиочастотали) кондуктометрик титрлаш хақида тушунча. Титрлаш жараёни, ўзгарувчан ток частотаси секундига миллион тебранишни ташкил этадиган, такомиллашган ўзгарувчи токли кондуктометрик ускуна воситасида бажарилади. Одатда электродлар электролит қуйилган идиш кондуктометрик ячейкани ташқи томониغا ўрнатилади ва электродлар титрланувчи эритмага туташмайди.

Ўлчанган натижалар асосида кондуктометрик титрлаш эгриси чизилади. Титрлашни сунгги нуктаси юқоридаги каби титрлаш эгрисини букилган, жойидаги чизикларни (экстраполяция) давом эттириб улар кесишган нуктасининг абцисса ўқидаги қийматидан топилади.

Полярографик таҳлил (полярография, воситасиз вольтамперометрия)

Усулнинг моҳияти

Полярографик таҳлил (Полярография) Ташки потенциал таъсирдаги электркимёвий (полярографик) ячейканинг қуйида баён этилган электрик ўлчамарини таҳлил этилувчи эритмадаги модда хоссасига боғланишига асосланган.

а). Таҳлил этилувчи моддани микроэлектродда оксидланиши (ёки қайтарилиши) содир бўладиган потенциал қийматини унинг (таҳлил этилувчи эритмадаги модданинг) табиатига боғлиқлиги асосида полярографик сифат таҳлил бажарилади.

б). Полярографик микдорий таҳлилда полярографик ячейка электродларига берилган потенциални муайян қийматида ҳосил булган диффузия электр токини таҳлил этилувчи эритмадаги аниқланаётган (қайтарувчи ёки оксидловчи) модда концентрациясига боғлиқлигига асосланган.

Ячейкага берилган электрод потенциали ва диффузион ток қийматлари, полярографик ячейкадан ўтаётган ток кучи қийматини микроэлектродга берилган кучланишга боғлиқлигини ифодаловчи *поляризацияон ёки вольт-ампер эгрисидан* олинади шунинг учун полярография баъзан воситасиз *вольтамперометрия* деб аташади.

Томчи симоб электроди қўлланган *мумтоз* полярографик усулни 1922-йил чехословак олими Ярослав Гейровский (1890-1967) кашф этган. 1925-йилда Я.Гейровский ва М.Шиката, поляризацияон эгрларни автоматик тарзда ёзадиган полярограф тузулишини ишлаб чиқишган. Кейинчалик полярографик усулни турлича ускуналари ишлаб чиқилди.

Томчи симоб электроди қўлланган мумтоз полярография моҳиятини қисқа холда кўриб чиқамиз.

Назорат саволлари:

1. Кимёвий анализда спектрофотометрик ва и фотометрик методларнинг роли.
2. Анализда қандай асбоб-ускуналардан фойдаланилади?
3. Спектрофотометрик ва фотометрик анализ методлари нимага асосланади?
4. Спектрофотометрик анализнинг афзаллиги ва камчилиги.
5. Нур манбаи нима?
6. Монохроматор ва нурфилтрини тушунтиринг.
7. Қандай асбоб сигнални ток кучига айлантириб беради?
8. Индикатор нима?

9. Даражаланган гарфик методи нима?
10. Солиштрима метод нима?
11. Эритманинг нур ютишга ҳарорат ва вақтнинг таъсирини қандай аниқланади.
12. Рангли бирикмаларнинг кўпчилигида эритмада рН ўзгарганда, комплекснинг моляр сўндириш коэффиценти қандай ўзгаради?
13. Бер қонуни нимага асосланган?
14. Монохроматик нур нима, унинг қандай афзаллиги бор?
15. Нур ютилишининг асосий қонунини тушунтиринг.
16. Оптик зичлик ва унинг модда анализидаги аҳамияти нимада?
17. Бугер-Ламберт-Бер қонунидан четланиш нима?
18. Аддитивлик қоидаси, унинг моҳияти.

АТРОФ-МУҲИТНИНГ АНАЛИТИК КИМЁСИ

Режа:

1. Атроф-муҳитнинг аналитик кимёси.
2. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини оширишда микдорий анализ усулларининг ахамияти.

Республика ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндилари ва уларнинг экологик муҳитга таъсири

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш, чиқиндилар билан ишларни ривожлантириш мақсадида, Давлат экология кўмитасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Тошкент вилояти республикада саноатлашган ҳудуд ҳисобланиб, бу вилоятда экологик ҳолат устидан давлат назоратини ҳамда атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларда мониторинг кузатувларини мунтазам олиб бориш талаб этилади, ҳамда Давлат экология кўмитаси олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда, вилоят ҳудудида 1.932 та объектлар фаолият юритиб, улардан 610 таси атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори ва ўртача даражадаги хавфли объектларга тўғри келади. Қолган 1.322 таси эса таъсири паст ва маҳаллий даражадаги объектлар ҳисобланади.

Вилоятнинг йирик корхоналаридан бири ҳисобланган «Аммофос Максам» акциядорлик жамиятида ўтказилган жамоат эшитувида мазкур корхонанинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти муҳокама қилинди.

«Аммофос Максам» акциядорлик жамияти Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳрида 1969 йилда ишга туширилиб, саноат зонасининг 519,1405 гектар ер майдонида жойлашган, объект атроф муҳитга таъсир кўрсатиш фаолияти бўйича 1-тоифага мансуб.

Корхонада йилига 268.000 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги минерал ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда, бу албатта ўз навбатида ҳудуднинг атроф муҳитни ифлослантиришга ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшади.

Жамоат эшитувида Ўзбекистон Республикаси Давлат экология кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ибратжон Каримов иштирок этиб, «Аммофос Максам» акциядорлик жамиятида атроф муҳит қонунчилиги ижроси ҳолати устидан назорат ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидландики, корхонада атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи 74 та манбалардан йилига 2.888,07 тонна қаттиқ ва газсимон ифлослантирувчи моддалар ташланиши белгиланган.

Амалда 2018 йил якунида корхона фаолияти давомида атмосфера ҳавосига 1.356,3 тонна ифлослантирувчи моддалар ташланиб, ушбу кўрсаткич саноат корхоналари ўртасида Республика бўйича 0,15 %ни, вилоят бўйича эса 0,41 %ни, Олмалик шаҳри бўйича 1,07 %ни ташкил этмоқда.

Шу ўринда давлат статистика ҳисоботи кўрсаткичларида корхонадаги ифлослантирувчи моддалар миқдори 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 300 тоннага ёки 27,3 % ортганлиги қайд этилган.

2018 йил давомида, республика бўйича саноат корхоналарининг чанг-газ тозалаш ускуналарида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларнинг ушлаб қолиниши 86,2 % ташкил этган бўлса, «АММОФОС-МАХАМ» АЖда эса 40 фоизигина ушлаб қолинган холос.

Корхона томонидан атроф муҳитни муҳофазасига йўналтирилган тадбирлари учун 2018 йилда 1 млрд. 160 млн. сўм атрофида маблағлар сараflanган бўлсада, унинг самараси етарли даражада эмаслигидан дарак бермоқда.

Балиқчилик хўжалиги аҳамиятига эга бўлган сув объектлари учун сувни муҳофаза қилиш зонасининг кенглиги ветеринария, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, сув хўжалиги органлари ўртасида келишилади ҳамда қирғоқни мустаҳкамлаш, қирғоқни ҳимоя қилиш ва экология талабларини бузмаслик кафолатланган ҳолда ўрнатилган тартибда белгиланади.

Агар ушбу Низомнинг 21 — 23 бандларига мувофиқ белгиланган соҳил бўйи минтақасининг ташқи чегараси сув омбори ва бошқа сув ҳавзаси учун ажратилган сув фонди ерининг чегарасига нисбатан қирғоққа яқин бўлса, соҳил бўйи минтақаси ажратилган сув фонди ерининг чегараси бўйича белгиланади, агар ажратилган ердан нарида бўлса, соҳил бўйи минтақасининг чегараси ажратилган сув фонди ери доирасидан ташқарига чиқиши мумкин.

Оқава сувлари таркибидаги қўрғошин ионини аниқлаш

Ишнинг мақсади: қўрғошин нитратни 1 н калий нитрат эритмаси ёрдамида полярограммасини чизиш ва унинг ярим тўлқин потенциалини аниқлаш.

Керакли асбоблар: 1) 1,0 н калий нитрат эритмаси, фон электролит сифатида;

2) 0,500 мг/мл тутган қўрғошин нитрат эритмаси;

3) кукунсимон желатин;

4) 0,5 г натрийсульфит.

Ишнинг бориши: 50,0 мл ли ўлчов колбасига қўрғошин нитратнинг стандарт эритмасидан 1,0, 3,0, 5,0, 7,0, 10,0 мл эритмаси (ноьмалум концентрациядан эса 10 мл) ва 1,0 н калий нитрат эритмасидан 5,0 мл ва 5,0 мл 0,5% г желатин 0,5 кукунсимон натрий сульфит қўшилади ва белгисигача бидистиллангна сув билан келтирилади. 2 секунд давомида симоб томчисида мис(II) ионининг қайтарилиш полярограммаси чизилади. Олинган натижалардан градуировкали график чизиб, ноьмалум миқдордаги мисни миқдори ўлчанади.

Ер ости ва кудук сувларининг қаттиқлигини аниқлаш

Ишнинг мақсади: Ер ости суви таркибидаги кальций ва магний ионларининг миқдорини комплексонометрик усулда аниқлаш.

Керакли жихозлар ва реактивлар:

1. Эриохром қора индикатор;

2. Аммиакли буфер;

3. ЭДТА нинг фиксанали;

4. бюретка, пипетка ва колбалар.


Ишнинг бориши: ер ости сувидан 100 мл олиб титрлаш колбасига соламиз, устига 1 чимдим эриохром қора ва аммиакли буфердан 5,0 мл солиб, бюреткадаги ЭДТА билан кизил рангдан кўк рангга утгунча титрланади. Титрлаш камида уч марта олиб борилади.

.Сувни

қаттиқлигини

аниқлаш.

Сувнинг қаттиқлиги - 1 дм³ сувдаги Mg⁺², Ca⁺² нинг мг.экв. миқдори билан аниқланади.



Олинган натижалар қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$H = N_{\text{Тр Б}} V_{\text{Тр Б}} * 1000 / V_{\text{H}_2\text{O}}$$

Сувнинг қаттиқлик даражасига кўра кўрсаткичи 3 га бўлинади:

1. Юмшоқ сув – 3 мг-экв/л гача
2. Ўртача қаттиқликдаги сув - 3- 6 мг-экв/л гача
3. Қаттиқ сув - 6 мг-экв/л ва ундан юқори

Полярографик усулда кадмий миқдорини тупроқ таркибидан аниқлаш

Ишнинг мақсади: тупроқ таркибидаги кадмий ионини полярографик усулда аниқлаш.

Керакли асбоблар: 1) 1,0 н калий хлорид эритмаси, фон электролит сифатида;

2) 0,500 мг/мл тутган кадмий хлорид эритмаси;

3) кукунсимон желатин;

4) 0,5 г натрийсульфит.

Ишнинг бориши: 50,0 мл ли ўлчов колбасига кадмий хлорид эритмасининг стандарт эритмасидан 1,0, 3,0, 5,0, 7,0, 10,0 мл эритмаси (ноъмалум концентрациядан эса 10 мл) ва 1,0 н калий хлорид эритмасидан 5,0 мл ва 5,0 мл 0,5% г желатин 0,5 кукунсимон натрий сульфит қўшилади ва белгисигача бидистиллангна сув билан келтирилади. 2 секунд давомида симоб томчисида кадмий ионларининг қайтарилиш полярограммаси чизилади. Олинган натижалардан градуировкали график чизиб, ноъмалум миқдордаги кадмий миқдори ўлчанади. Бунда уларнинг тўлқин узунликлари фарқи 0,2 в дан катталиги орқали уларни битта эритмада аниқлаш мумкинли назарда тутилади. Тупроқ таркибидаги кадмий иони тутган эритмадан алиқвот қисм олинади ва полярограммаси улчанади. Градуировкали графикдан тупроқ таркибидаги кадмий миқдори топилади.

Ичимлик суви таркибидаги темир ионларини спектрофотометрик усулда аниқлаш

Методнинг моҳияти: ушбу усул рН 1.8-2,5 бўлганда Fe(III) нинг бинафша рангли моносалицилат комплексини ҳосил қилишига асосланган.

Комплекс бирикма тўлқин узунлиги $\lambda=510\text{нм}$ бўлган нурни максимал ютиш қобилиятига ега. Бу тўлқин узунлигида моляр сўндириш коэффициенти 1,8,103 га тенг.

Керакли асбоблар, идишлар ва реактивлар;

1. Фотоколориметр ФЕК -56 ёки КФК-2.
2. 6 та 50 мл ли ўлчов колбалари;
3. 1 та 10 мл пипетка;
4. Ювгич;
5. Fe(III)нинг 0,1 мг/мл ли стандарт еритмаси;
6. 10% ли сульфосалицил кислота еритмаси;
7. 2 н сульфат кислота еритмаси;

Анализ даражаланган график усули бўйича бажарилади: 100 мл ли ўлчов колбасига 20 мл 0,1 мг/мл ли Fe(III) нинг стандарт еритмасидан пипетка ёки бюретка ёрдамида солинади ва чизиғига суялтирилади. Бунда Fe(III) нинг титри 0,02 мг/мл ли стандарт тузи эритмаси ҳосил бўлади. 50 мл ли ўлчов колбаларига пипетка ёрдамида 1,5, 3,0, 4,5, 6,0, 7,5; мл Fe(III) стандарт еритмасидан ва устига 1 мл 2н H₂SO₄ ва 5мл дан 10% ли сульфосалицил кислота қўшилади, чизиғига дистилланган сув солиб яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра рангли тиниқ еритмаларнинг оптик зичликлари кўк барг рангли, ёруғлик филтри (510 нм) ва қалинлиги 5,0 см бўлган кювета ёрдамида КФК-56 ёки КФК-2 да сувга нисбатан ўлчанади. Олинган натижалардан даражаланган график тузиб, миллиметрли қоғозга чизилади.

Ўлчаш натижалари ва ҳисоблаш натижалари

T/r	Олинган стандарт эритма V, мл	C _i Fe(III) мг	Оптик зичлик A _i	C _i A _i	C _i ²	A нинг ҳисобланган қийматлари
1	1,5	0,03				
2	3,0	0,06				
3	4,5	0,09				
4	6,0	0,12				
5	7,5	0,15				


Моляр сўндириш коэффициентини аниқлашнинг: 1 усули

$$K = \frac{\sum C_i A_i}{\sum C_i^2}$$

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{a}{b}$$

$$\exists = \frac{\text{ордината масштаби}}{\text{абсисса масштаби}}$$

$$k = \operatorname{tg} \alpha \cdot \exists$$



Берилган контрол еритмани чизигигача дистилланган сув солиб аралаштирилади. Сунгра ундан 50 мл ли учта колбага бир ҳил алиқвот қисмлар олинади (қанча алиқвот қисм олиш кераклигини ўқитувчи айтади) ва ҳар бирининг устига 1,0 мл 2 н H_2SO_4 ; 5,0 мл 10% -ли сулфосалисил кислота қўшилади. Чизигигача дистилланган сув солиниб аралаштирилади ва сувга нисбатан оптик зичликлари ўлчанади.

Нома`лум модда миқдори қуйидагича аниқланади:

$$C_{x=\frac{Ax}{K}}$$

Ax- контрол еритманинг оптик зичлиги

K-моляр сўндириш коэффициент

Cx (мг) алиқвот қисмидаги (мл)

$$Xmg = \frac{Cx \cdot 100}{\text{алиқвот қисм}}$$

Fe нинг ҳақиқий миқдори X мг " контрол еритмадаги Fe(III) нинг умумий миқдори

Абсолют ва нисбий хатолари аниқланади.

Чиқинди сувларнинг электрўтказувчанлигини кондуктометрик усулда аниқлаш

Керакли асбоблар, идишлар ва реагентлар. 1)кондуктометр; 2) Шиша электрод ва кумуш хлориддан тузилган датчик; 3) Магнитли аралаштиргич; 4) Титрлаш стаканлари, ҳажми 150 мл-3 та; 5) Ювгич; 6) Пипетка 20 ёки 25 мл.ли-1 та; 7) Ўлчов колбалари 200 ёки 250 мл- 3та; 8) Бюретка 25 мл.ли 1 та; 9) 0,1 N HCl стандарт еритмаси; 10) Тахминан 0,1 N NaOH еритмаси.

Ишнинг бажарилиш усули. Асбобнинг "т", "±" ва ўлчов диапозони (pH= -I – I⁹) кнопкаларини босиб сўнгра уни тумблер ёрдамида толга уланади. Иш бошлангунча асбоб камида 5 мин. қизиши керак.

Титрлаш стаканига пипетка ёрдамида 20 ёки 25 мл титрланадиган кислота (фосфат ёки хлорид кислотаси) ва шу стакан ичига авайлаб аралаштиргич стержен туширилади. Эритма тахминан 50 мл гача

дистилланган сув билан суюлтирилади. Электродларнинг эритмага ботирилган қисми ювгич ёрдамида ювилади. Титрлаш стакани эритмаси билан магнитли аралаштиргич устига қўйилади ва эритмага электродлар туширилади. Бунда электродлар идиш тубига 1 см етмай туриши, ва шу билан бирга эритмага 1,0-1,5 см ботирилган бўлиши керак.

Бюретка натрий гидроксид стандарт эритмаси билан тўлдирилади ва штативга маҳкамланиб титрлаш стаканига тўғриланади. Магнит аралаштиргич электр токига уланади ва аралаштириш тезлиги регулировка қилинади (бунда ҳаво варонкаси ҳосил бўлмаслиги керак).

Ўқув иши. 0.1 N HCl стандарт эритмаси ёрдамида натрий гидроксид эритмасини стандартлаш.

Титрлаш стаканига пипетка ёрдамида 20 мл 0,1 N HCl (ёки H₂SO₄) стандарт эритмасидан олинади ва уни юқорида келтирилган методика асосида NaOH нинг стандартланадиган эритмаси билан титрланади. Титрлашни камида уч марта такрорланади.

Хлорид кислотани NaOH билан титрлаш натижалари.

1- титрлаш			2- титрлаш			3- титрлаш		

Эквивалент нуқтада сарфланган титрантнинг ўртача миқдори

$V_{\text{титрант}} = \dots \text{мл}$

NaOH нормаллигини ҳисоблаш: қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$N_{\text{HCl}} \cdot V_{\text{HCl}} = N_{\text{NaOH}} \cdot V_{\text{NaOH}}$$

Контрол иш. Фосфат кислотасини аниқлаш. Аниқлаш усули юқорида келтирилган. Ўлчов колбасидаги контрол эритмани (чизигича) белгисигача дистилланган сув билан суюлтирилади ва аралаштирилади. Пипетка ёрдамида аликвот қисм олиб титрланади. Титрлашни камида уч марта такрорлаш керак.

Титрлаш натижалари таблеца шаклида ёзилади. Фосфат кислотаси миқдорини 1- ва 2-эквивалент нуқталаридан, қуйидаги формуладан фойдаланиб топилади:

$$Q_{\text{H}_3\text{PO}_4} = \frac{N_{\text{NaOH}} * V_{\text{NaOH}} * \text{Э}_{\text{H}_3\text{PO}_4} * V_{\text{колба}}}{1000 * V_{\text{пипетка}}}$$

а) биринчи экв. Нуқта учун $\text{Э}_{\text{H}_3\text{PO}_4} = M_{\text{H}_3\text{PO}_4}$

б) иккинчи эквивалент нуқта учун $\text{Э}_{\text{H}_3\text{PO}_4} = M_{\text{H}_3\text{PO}_4} / 2$

Биринчи эквивалент нуқтадан фойдаланиб топилган натижа аниқроқ ҳисобланади.

Топилган фосфат кислота миқдори ... мг, ҳақийқий қиймати ... мг.

Аниқланиш хатоси ... %

Назорат саволлар

1. Хаво таркибидаги захарли газларни аниқлашнинг нейтрок активацион усуллари.
2. Сув таркибидаги оғир металлларни аниқлашнинг вольтамперометрик усуллари.
3. Тупроқ таркибидаги радиоактив моддаларни радиометрик усулларда аниқлаш.
4. Тупроқ таркибидаги пестицидларни хроматографик аниқлаш.
5. Фосфоресценция ҳодисасини молекулаларнинг қандай ҳолатлари билан тушунтириш мумкин?
6. Сув таркибидаги пестицидларни аниқлаш усуллари.
7. Захарли газларни хроматографик аниқлаш.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 амалий машғулот. КИМЁДА ФИЗИК-КИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Амалий машғулот максоди-олинган билимларни тугри анализ қилиш ва амалиётда қуллашни ўрганиш.

2. Саволлар

2.1 Камқонлик касаллигини даволашда яни қондаги гемоглабин миқдорини камайишида темир моддаси аниқроқ қилиб айтганда темир 2 сульфати препаратлари қолланилган бази ҳолларда эса кукун холидаги қайтарилган темирдан фойдаланилади.

Маълум булишича камқонликнинг яна бир қадимий даволаш усулидан бири бу «темир» олма: олма ичига (Антон олмаси) га бир нечта миҳни кирғизиб бир сутка давомида ушланади. Сунг миҳни суғириб олиб олма йейилади. Кимё нуктаи назаридан сиз қандай қилиб ушбу жараёни тушунтириб беришингиз мумкин.

2.2. Нима сабабдан хитойликлар нонни ёғ билан йейишмайди?

2.3. Нима учун японлар узок умр куришади? Хитойликларнинг фикрича, нон ва ёғдаги оқсил инсон ҳаёти учун хавфлидир

2.4. Нима сабабдан куна қабиласидаги хиндулар касал булишмайди?

2.5. Топшириқ. Организмни йодга (800 мг) туйинтириш учун кунига канча миқдорда неча грамм инсон денгиз карамидан истемол қилиши керак. 100 г денгиз карами таркибида 250 мг йод мавжуд.

2.6. Агар элементларнинг масса улуши С - 40,0 %; Н - 6,6 %; О -53,4%; $M_r = 180$ булса фруктоза углеводнинг молекуляр формуласини аниқланг.

3. Амалий машғулот уткизишда қулланиладиган маълумотлар:

3.1. Оз миқдорда кундалик йод истемол қилиш организмни қалқонсимон без касаллигини олдини олишда ёрдам беради. Денгиз карами ва денгиз губкаси йод миқдориға бой. Шунинг учун Хитойликлар ва Японияликлар илгаридан қалқонсимон без касаллигини денгиз губкасининг кули билан даволашади.

3.2. Озиқ-овқат ва соғлиқ ўзаро узвий боғлиқ. Бунга мисол қилиб инсон умрининг давомийлиги айнан озиқ-овқат рационига боғлиқ бўлишини келтириш мумкин. Хитойликлар ёғни нон билан йейишмайди. Таркибида бир –бирига мос келмайдиган оқсил углевод ва ёғ бўлган таомлар организм билан ёмон ушлаштирилади.

3.3.

Японияликлар узок умр куришининг яна бир сабаби бу денигз махсулотларини таомларига қулланилишидадир. Улар таркибидаги ёглар туйинмаган хисобланади. Бу ёглар таркибига куп микдордаги алмашинмайдиган кислоталар ва ёгда эрувчи витаминларни киради. Ушбу икки модда , инсон организмини тетик туришида ва умр куришида


озиқ-овқат рационинг мухим қисмидан бири хисобланади.

3.4. Панама қирғогидан узок булмаган, Сан-Блас оролида яшовчи куна қабиласи хиндулари кунига 3-5 қошиқ эри-катехинга бой бўлган какаони истъемол қилишади. Шунинг учун уларда юқори артериал қон босим ва бошқа юрак-қон касалликлари кузатилмайди. Айнан какао таркибидаги эпикатехин–флавоноид, доимий қабул қилинганда юрак-қон системасини яхшилайти.

Ишдан мақсад:

Спектрофотометрларни тўлқин сони бўйича даражалаш учун, ютилиш полосаларининг максимумлари юқори аниқликда ўлчанган баъзи моддаларнинг спектрларидан фойдаланиш жуда қулай. Модданинг спектрини эталон сифатида ишлатиш учун у жуда кўп ингичка ютилиш полосаларига эга бўлиши керак. Баъзи оддий моддаларнинг (HCl, HBr, CO, H₂O, NH₃) тебраниш-айланиш спектрининг полосалари бундай талабга жавоб беради. Бу спектрлар ютилиш полосаларининг максимумлари 0,01 см⁻¹ аниқликкача ўлчанган. Баъзи бир суюқликларнинг ва қаттиқ пленкаларнинг спектрларини ҳам эталон сифатида ишлатиш мумкин.

Спектрнинг 700 - 4000 см⁻¹ оралиғида ишловчи спектрофотометрларни даражалашда қалинлиги 25 мкм бўлган полистирол плёнкаси ишлатилади. Полистирол, спектрнинг 2800 - 3100 см⁻¹ ва 700 - 2000 см⁻¹ оралиқларида жуда характерли ютилиш полосаларига эга (3.4 - расм). Қалинлиги 10 см ва босими 200 мм с.у. бўлган газ ҳолатидаги аммиак спектрнинг 3100 - 3500 см⁻¹ ва 700 - 1250 см⁻¹ оралиқларида, HCl буғлари 2600 - 3100 см⁻¹, HBr буғлари 2400 - 2600 см⁻¹ ва CO нинг буғлари 2000 - 2200 см⁻¹ оралиқларда ингичка ютилиш полосаларига эга.



1-расм. Полистирол плёнкасининг инфрақизил ютилиш спектри

Ишни бажариш тартиби:

1. Спектрофотометрнинг тегишли ёруғлик йўлига қалинлиги 25 мкм бўлган полистирол плёнкасини ўрнатинг.

2. Полистирол спектрини ёзинг ва унинг ютилиш полосаларини максимумига тўғри келувчи тўлқин сонларини ўлчанг ($\nu_{\text{ўлчанган}}$).

3. Олинган спектрни эталон спектр билан солиштириб, ўхшаш полосаларни топинг. Полистиролнинг ИҚ спектрига тегишли маълумотлар илованинг 6.5. бўлимида берилган.

4. Эталон спектр полосасининг ҳақиқий қиймати ($\nu_{\text{эталон}}$) билан асбоб ўлчаган (кўрсатган) қийматлари ($\nu_{\text{ўлчанган}}$) орасидаги боғланишни ифодаловчи даражалаш графигини чизинг.

4. Вазиятли машқлар

Вазиятли машқ 1. Бемор куригидан маълум булишича қон плазмасидаги рН миқдори 7,2 га тенг. Нормал ҳолатда булмаган рН миқдори қандай касалликларга олиб келиши мумкин ва бу паталогияни олдини олиш мумкинми?

а) Нормал ҳолатда булмаган рН миқдори ацидозга олиб келадими?


б) Нормал ҳолатда булмаган рН миқдори алкалозга олиб келадими?

в) Ушбу рН миқдорини 0,9% ли NaCl эритмаси билан қайта тикласа буладими?

г) Нормал ҳолатда булмаган рН миқдори ни NaHCO_3 эритмасини қабул қилган ҳолда ликвидация қилса буладими ?

д) Нормал ҳолатда булмаган рН миқдори ни NH_4Cl эритмасини қабул қилган ҳолда ликвидация қилса буладими?

Вазиятли машқ 2. Қадди қоматини сақлаётган айол таркиби 180 г глюкозадан ташкил топган тортни еб қуйипти, Қанча вақт давомида ортиқча вазни кетқизиш учун. айол кир ювиши керак (энергия сарфланиши 543 кДж/ч), Глюкозани организмда тулиқ оксидланишини қуйидаги тенглама орқали ҳисобланади бу



$$\Delta H^0_{\text{обр}}(\text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6) = - 1273 \text{кДж/моль};$$

$$\Delta H^0_{\text{обр}}(\text{CO}_2) = - 394 \text{кДж/моль};$$

$$\Delta H^0_{\text{обр}}(\text{H}_2\text{O}) = - 286 \text{кДж/моль}.$$

а) термохимёвий жараёнлар қайси қонун асосида?

б) глюкозанинг оксидланиш жараёни экзотермик ҳисобланадими?

в) глюкозанинг оксидланиш жараёни эндотермик ҳисобланадими?

г) глюкоза оксидланишининг энтальпияси неччига тенг?

д) бемор қанча вақтини кир ювишга сарфлаши?

Вазиятли машқ 3. Тиш ўқимасининг ноорганик асоси гидроксиапатитдир: $\text{Ca}_{10}(\text{PO}_4)_6(\text{OH})_2$. Фторли тиш пасталарининг ишлатилиши нимага асосланган?

а) сўлак рН нинг узғаришига.

б) кальций фторидинингт ҳосил бўлишига CaF_2 .

в) сўлакнинг осмотик босимининг

г) осмоснинг ўзғаришига.

д) гидроксиапатитга нисбатан қам эрийдиган, фторапатитнинг асосида.

Вазиятли машқ 4. Лабораторияда янги дори ишлаб чиқарилди. Унинг яроқлийлик муддати 3 йилни ташкил қилиши лозим $T = 20^\circ\text{C}$. Дори воситасини тиббиёт амалиётида тезроқ қўллаш мақсадида тезлаштирилган саклаш усулидан фойдаланилди. Агар тезлик температура коэффициентини $\gamma = 2$ бўлса яроқлийлик муддати қанча вақтга чўзилади

а) тезлаштирилган саклаш усули нимага асосланган?

- б) Вант-Гоффа қоидасининг математик шаклини ёзинг?
- в) 30⁰С да канча вақт давомида дори воситасини сақлаш мумкин?
- г) 40⁰С да канча вақт давомида дори воситасини сақлаш мумкин?
- д) 50⁰С да канча вақт давомида дори воситасини сақлаш мумкин?

Назорат саволлари:

1. Спектр нима?
2. Спектрофотометрлар қайси соҳада ишлайди?
3. ИК-спектр соҳасини
4. Атом-абсорбцион усулда фоннинг нурланиши ва ютиши нима? Улар анализга қандай таъсир кўрсатади? Бу таъсир қандай ҳисобга олинади?
5. Сифатий спектрал анализни қайси усул билан ўтказиш маъқул
6. Спектрофотометрик анализ нимага асосланган?
7. Рентгеноскопик анализ усуллари нимага асосланган? Хос рентген нурлари сустлаштирувчи нурлардан нимаси билан фарқланади? Уларнинг қандай имкониятлари бор?
8. Спектрал буферлар, қўлланилиш соҳалари.
9. Спектрофотометр асосий схемасини нима ташкил этади?
10. Сифат ва миқдорий рентгеноспектрал анализ қандай бажарилади? Спектрофотометрик ва фотометрик анализ методлари.

2 амалий машғулот.

АТРОФ-МУҲИТНИНГ АНАЛИТИК КИМЁСИ

Оқова сувлари таркибидаги қўрғошин ионини аниқлаш

Ишнинг мақсади: қўрғошин нитратни 1 н калий нитрат эритмаси ёрдамида полярограммасини чизиш ва унинг ярим тўлқин потенциалини аниқлаш.

Керакли асбоблар: 1) 1,0 н калий нитрат эритмаси, фон электролит сифатида;

- 2) 0,500 мг/мл тутган қўрғошин нитрат эритмаси;
- 3) кукунсимон желатин;
- 4) 0,5 г натрийсульфит.

Ишнинг бориши: 50,0 мл ли ўлчов колбасига кўрғошин нитратнинг стандарт эритмасидан 1,0, 3,0, 5,0, 7,0, 10,0 мл эритмаси (ноъмалум концентрациядан эса 10 мл) ва 1,0 н калий нитрат эритмасидан 5,0 мл ва 5,0 мл 0,5% г желатин 0,5 кукунсимон натрий сульфит кўшилади ва белгисигача бидистиллангна сув билан келтирилади. 2 секунд давомида симоб томчисида мис(II) ионининг қайтарилиш полярограммаси чизилади. Олинган натижалардан градуировкали график чизиб, ноъмалум миқдордаги мисни миқдори ўлчанади.

Ер ости ва қудук сувларининг қаттиқлигини аниқлаш


Ишнинг мақсади: Ер ости суви таркибидаги кальций ва магний ионларининг миқдорини комплексонометрик усулда аниқлаш.

Керакли жихозлар ва реактивлар:

- 1.Эриохром қора индикатор;
2. Аммиакли буфер;
- 3.ЭДТА нинг фиксанали;
4. бюретка, пипетка ва колбалар.

Ишнинг бориши: ер ости сувидан 100 мл олиб титрлаш колбасига соламиз, устига 1 чимдим эриохром қора ва аммиакли буфердан 5,0 мл солиб, бюреткадаги ЭДТА билан кизил рангдан кўк рангга утгунча титрланади. Титрлаш камида уч марта олиб борилади.

.Сувни қаттиқлигини аниқлаш.
Сувнинг қаттиқлиги - 1 дм³ сувдаги Mg⁺², Ca⁺² нинг мг.эқв. миқдори билан аниқланади.



Олинган натижалар қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$H = N_{\text{Тр Б}} V_{\text{Тр Б}} * 1000 / V_{\text{H}_2\text{O}}$$

Сувнинг қаттиқлик даражасига кўра кўрсаткичи 3 га бўлинади:

- 1.Юмшоқ сув — 3 мг-эқв/л гача
- 2.Ўртача қаттиқликдаги сув - 3- 6 мг-эқв/л гача
- 3.Қаттиқ сув - 6 мг-эқв/л ва ундан юқори

Полярографик усулда кадмий миқдорини тупроқ таркибидан аниқлаш

Ишнинг мақсади: тупроқ таркибидаги кадмий ионини полярографик усулда аниқлаш.

Керакли асбоблар: 1) 1,0 н калий хлорид эритмаси, фон электролит сифатида;

2) 0,500 мг/мл тутган кадмий хлорид эритмаси;

3) кукунсимон желатин;

4) 0,5 г натрийсульфит.

Ишнинг бориши: 50,0 мл ли ўлчов колбасига кадмий хлорид эритмасининг стандарт эритмасидан 1,0, 3,0, 5,0, 7,0, 10,0 мл эритмаси (нормалум концентрациядан эса 10 мл) ва 1,0 н калий хлорид эритмасидан 5,0 мл ва 5,0 мл 0,5% г желатин 0,5 кукунсимон натрий сульфит қўшилади ва белгисигача бидистиллангна сув билан келтирилади. 2 секунд давомида симоб томчисида кадмий ионларининг қайтарилиш полярограммаси чизилади. Олинган натижалардан градуировкали график чизиб, нормалум миқдордаги кадмий миқдори ўлчанади. Бунда уларнинг тўлқин узунликлари фарқи 0,2 в дан катталиги орқали уларни битта эритмада аниқлаш мумкинли назарда тугилади. Тупроқ таркибидаги кадмий иони тутган эритмадан аликвот қисм олинади ва полярограммаси улчанади. Градуировкали графикдан тупроқ таркибидаги кадмий миқдори топилади.

Ичимлик суви таркибидаги темир ионларини спектрофотометрик усулда аниқлаш

Методнинг моҳияти: ушбу усул рН 1.8-2,5 бўлганда Fe(III) нинг бинафша рангли моносалицилат комплексини ҳосил қилишига асосланган.

Комплекс бирикма тўлқин узунлиги $\lambda=510\text{нм}$ бўлган нурни максимал ютиш қобилиятига ега. Бу тўлқин узунлигида моляр сўндириш коэффициенти 1,8,103 га тенг.

Керакли асбоблар, идишлар ва реактивлар;

1. Фотоколориметр ФЕК -56 ёки КФК-2.
2. 6 та 50 мл ли ўлчов колбалари;
3. 1 та 10 мл пипетка;
4. Ювгич;
5. Fe(III)нинг 0,1 мг/мл ли стандарт эритмаси;
6. 10% ли сульфосалицил кислота эритмаси;
7. 2 н сульфат кислота эритмаси;

Анализ даражаланган график усули бўйича бажарилади: 100 мл ли ўлчов колбасига 20 мл 0,1 мг/мл ли Fe(III) нинг стандарт еритмасидан пипетка ёки бюретка ёрдамида солинади ва чизигигача суюлтирилади. Бунда Fe(III) нинг титри 0,02 мг/мл ли стандарт тузи эритмаси ҳосил бўлади. 50 мл ли ўлчов колбаларига пипетка ёрдамида 1,5, 3,0, 4,5, 6,0, 7,5; мл Fe(III) стандарт еритмасидан ва устига 1 мл 2н H₂SO₄ ва 5мл дан 10% ли сулфосалицил кислота қўшилади, чизигигача дистилланган сув солиб яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра рангли тиниқ еритмаларнинг оптик зичликлари кўк барг рангли, ёруғлик филтри (510 нм) ва қалинлиги 5,0 см бўлган кювета ёрдамида КФК-56 ёки КФК-2 да сувга нисбатан ўлчанади. Олинган натижалардан даражаланган график тузиб, миллиметрли қоғозга чизилади.

Ўлчаш натижалари ва ҳисоблаш натижалари

T/r	Олинган стандарт эритма V, мл	C _i Fe(III) мг	Оптик зичлик A _i	C _i A _i	C _i ²	A нинг ҳисобланган қийматилари
1	1,5	0,03				
2	3,0	0,06				
3	4,5	0,09				
4	6,0	0,12				
5	7,5	0,15				


Моляр сўндириш коэффициенти аниқлашнинг: 1 усули

$$K = \frac{\sum C_i A_i}{\sum C_i^2}$$

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{a}{b}$$

$$\exists = \frac{\text{ордината масштаби}}{\text{абсисса масштаби}}$$

$$k = \operatorname{tg} \alpha \cdot \exists$$



Берилган контрол еритмани чизигигача дистилланган сув солиб аралаштирилади. Сунгра ундан 50 мл ли учта колбага бир ҳил алиқвот қисмлар олинади (қанча алиқвот қисм олиш кераклигини ўқитувчи айтади)

ва ҳар бирининг устига 1,0 мл 2 н H_2SO_4 ; 5,0 мл 10% -ли сулфосалисил кислота қўшилади. Чизигигача дистилланган сув солиниб аралаштирилади ва сувга нисбатан оптик зичликлари ўлчанади.

Нома`лум модда миқдори қуйидагича аниқланади:

$$C_{x=\frac{A_x}{K}}$$

A_x - контрол еритманинг оптик зичлиги

K -моляр сўндириш коэффициент

C_x (мг) аликвот қисмидаги (мл)

$$Xmg = \frac{C_x \cdot 100}{\text{аликвот қисм}}$$

Fe нинг ҳақиқий миқдори X мг " контрол еритмадаги Fe(III) нинг умумий миқдори

Абсолют ва нисбий хатолари аниқланади.

3 амалий машғулот.

МОДДАЛАРНИНГ СИФАТ ВА МИҚДОРИЙ ТАРКИБИНИ АНИҚЛАШДАГИ ҲОЗИРГИ ЗАМОН АНАЛИТИК КИМЁ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Атомларнинг чиқариш спектрлари бўйича сифат анализи ўтказиш

Ишдан мақсад: Чиқариш спектрига қараб намунанинг таркибида қандай элементлар борлигини сифатий таҳлил қилиш учун спектрда бу элементга тегишли чизикларнинг бор-йўқлигини аниқлаш етарлидир. Бошқача қилиб айтганда, спектр чизикларининг тўлқин узунлигини ўлчаш шарт эмас. Бу иш намунанинг спектрини спектр чизикларининг тўлқин узунлиги маълум бўлган бирор элемент спектри билан таққослаш орқали амалга оширилади.

Сифатий таҳлилнинг муваффақияти кўп жиҳатдан спектрнинг қандай олинганлигига боғлиқ. Бунда ёруғлик манбаини танлаш, намунани ёруғлик манбаига киритиш усули, спектр олувчи асбобни ва таҳлил қилиш учун тегишли спектр чизикларини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Намунанинг таркибини аниқлашда қуйидаги ақидани назарда тутмоқ керак. Бирор элементга тегишли спектр чизикнинг намунанинг спектрида бўлмаслиги, унинг мутлақо йўқлигидан эмас, балки унинг намунадаги миқдори усулнинг сезгирлик даражасидан паст эканлигидан далолат беради. Шунинг учун, сифатий таҳлилда талабга жавоб берадиган усулни танлаш керак. Танланган усулнинг сезгирлигини таркиби аниқ бўлган намуналарни таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин.

Спектрларни «ўқиш» (спектр чизикларнинг тўлқин узунлигини топиш ва уларнинг қайси элементга тегишлилигини аниқлаш) усули

Сифат таҳлилидаги энг қийин иш намунанинг спектрини «ўқиш» дир. Бу ишни спектропроектор ёрдамида амалга ошириш жуда қулай. Спектрни «ўқиш»нинг асосий усуллари тўлқин узунликларининг шкаласи сифатида хизмат қиладиган темир спектри билан намуна спектрини таққослашга асослангандир, чунки темирнинг чиқариш спектри жуда яхши ўрганилган. Бунинг учун, битта фотографик пластинкага Гартман диафрагмаси ёрдамида ўрганилаётган намунанинг ва темирнинг спектрлари остин-устун қилиб туширилади. Фотографик пластинкадаги ва атласдаги темир спектрларининг ўхшашлигини топиш қуйидагича амалга оширилади. Олдин номаълум спектрнинг ўрганилаётган қисмига яқин бўлган темир спектридаги характерли гуруҳлар ахтарилади. Кейин, шу гуруҳ чизикларининг сурати туширилган атласнинг варағи (темир спектри маълум қисмининг сурати туширилган фотографик қоғоз) топилади. Фотопластинкага туширилган темир спектрининг спектропроектор экрандаги тасвири устига атлас варағидаги спектр қўйилади. Темирнинг экрандаги ва варақдаги спектрлари устма-уст тушгунча варақ силжитиб тўғриланади.

Шунинг учун ҳам, темир спектрини яхши билиш ва ундаги чизикларни чаққон, тез ва аниқ топишни ўрганиш керак. Бу масалани осонлаштириш учун темир спектрининг турли қисмларида жойлашган баъзи характерли, ажралиб турадиган чизиклар гуруҳини эслаб қолиш фойдалидир.

Темир спектрининг характерли чизикларини ўз ичига олган гуруҳларини жадвалдан топиш мумкин.

Жадвал. Темир спектридаги ажралиб турадиган, характерли чизикларнинг гуруҳлари

№	Атлас варағининг рақами	Спектрнинг қисми А ларда	Изоҳ
1	5 - 6	2259,3 - 2260,9	уч чизикдан иборат гуруҳ.
2	7	2343,5 - 2344,3	учта интенсив чизикдан иборат
3	8	2410,5; 2411,1	гуруҳ.
4	10	2562,5; 2563,5	интенсивлиги тенг бўлган иккита
5	11	2598,4; 2599,6	чизик.
			иккита интенсив чизик.
6	13	2866,6 - 2869,3	интенсивлиги тахминан тенг
7	15	3016,2 - 3021,1	бўлган иккита сезгир
8	15	3057,5 - 3100,7	(концентрацияга) чизик.
			тўртта чизикдан иборат гуруҳ.
9	16	3219,9 - 3225,8	тўртта чизикдан иборат гуруҳ.
10	17	3366,8 - 3384,0	олтитасининг орасидаги масофа

11	20	4045,8 - 4071,8	бир-бирига тенг бўлган еттита интенсив чизикдан иборат гуруҳ. учта интенсив чизик. ўртача интенсивликдаги учтадан чизикқа эга бўлган икки гуруҳ. учта интенсив чизик. тўртта интенсив чизик. бир-биридан тенг масофада жойлашган бешта ч-қ
12	21	4873,0 - 4959,0	
13	23	6393,5 - 6430,9	

Номаълум модданинг таркибини унинг чиқариш спектри орқали аниқлаш

Номаълум моддада қайси элементлар борлигини аниқлаш учун, унинг спектридаги чизикларнинг тўлқин узунлигини топиш керак. Бу иш, спектрал атлас орқали амалга оширилади. Намунанинг аниқланаётган чизиғи билан атласнинг устма-уст тушган чизиғи топилади ва шу чизикнинг тўлқин узунлиги ҳамда қайси элементга тегишли эканлиги ёзиб олинади.

Ишнинг бу босқичида номаълум модданинг спектридаги чизик атласдаги устма-уст тушган чизикни чиқараётган кимёвий элементга тегишли эканлигига тўлиқ ишониб бўлмайди. Чунки, атласда чизикнинг интенсивлиги катта бўлган элементлар белгиланган холос. Шунинг учун, атласда белгиланган чизик устига бошқа кимёвий элементнинг интенсивлиги паст бўлган (шунинг учун атласда белгиланмаган) спектр чизикнинг устма-уст тушиб қолиш эҳтимолияти йўқ эмас. Юқорида баён қилинган номаълум спектрни «ўқиш»нинг биринчи босқичи спектр чизикнинг тўлқин узунлигини топишни (спектрографнинг чизикли дисперсиясига боғлиқ бўлган аниқликда) ва у чизик атласда кўрсатилган кимёвий элементга тегишли бўлиши мумкинлигини (эҳтимол, шу элементга тегишли) кўрсатади. Энди спектрни «ўқиш»нинг энг қийин ва масъулиятли қисми бошланади, яъни шу чизик қайси элементга тегишли эканлигини аниқ топиш керак. Бунинг учун атласда кўрсатилган элементдан ташқари қайси элементларнинг тўлқин узунликлари яқин бўлган чизиклари борлигини ва уларнинг устма-уст тушиш эҳтимолиятини тадқиқ қилиш керак. Буни аниқ тадқиқ қилиш учун, спектр чизикларнинг жадвалига мурожаат қилмоқ керак. Жадвалдан тўлқин узунлиги аниқланаётган чизикқа мос тушувчи ёки яқин бўлган ҳамма кимёвий элементларни ёзиб олиш керак. Жадвалдан шу нарса кўринадики, тўлқин узунликларининг ихтиёрий олинган кичкина оралиғида ҳар хил элементларнинг тўлқин узунликлари бир-бирига жуда яқин бўлган кўп чизиклари ётади. Бу спектр чизикларнинг тўлқин узунликлари ангстремнинг ўндан бир, ҳатто юздан бир улушича фарқ қилади, холос. Одатда таҳлил учун қўлланиладиган спектрал асбоблар бу чизикларни алоҳида-алоҳида ажратиш имкониятини бермайди. Жадвалдан элементларнинг номини ёзиб олишда аниқланаётган чизик атрофидаги тўлқин узунликларининг қандай оралиғини қамраб олиш керак деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун спектрларнинг сурати

туширилган асбобнинг ажратиб кўрсата олиш қобилиятини билиш керак. Бунинг учун, темир спектридаги интенсивлиги паст бўлган ва бир-бирига жуда яқин турган (орасидаги масофа бундан кам бўлса уларни ажратиш қийин бўлсин) иккита чизиқ олинади. Бу чизиқлар тўлқин узунлиги аниқланаётган чизиққа яқин жойда жойлашган бўлиши керак. Бу ҳолда уларнинг тўлқин узунликлари орасидаги $\Delta\lambda$ фарқ спектрнинг шу қисми учун спектрал асбобнинг ажратиб кўрсата олиш кучини характерлайди.

Демак, жадвалдан тўлқин узунликлари ўрганилаётган чизиқнинг иккала томонида $\pm \Delta\lambda$ оралиқда жойлашган элементларнинг номларини ёзиб олиш керак. Энди бу рўйхатдан, спектр олишда ишлатилган ёруғлик манбаида қўзғалмайдиган элементларни ҳамда, намуна таркибида бўлиш эҳтимолияти кам бўлган (масалан, нодир ва кам учрайдиган металллар) элементларни рўйхатдан ўчириш керак.

Тўлқин узунлиги аниқланаётган спектр чизиқнинг маълум элементга тегишлилигини айтиш учун қуйидагича фикр юритилади. Агар, шу чизиқ рўйхатдаги элементлардан бирига тегишли бўлса, спектрда шу элементнинг, интенсивлиги бундан каттароқ бўлган бошқа чизиқлари, ҳеч бўлмаганда эса унинг «охирги» чизиқлари албатта бўлади ҳамда улар интенсивликларининг нисбати жадвалда кўрсатилганидай бўлиши керак.

Шуни назарда тутмоқ керакки, бу элементларнинг спектр чизиқлари ичида, албатта, унинг «охирги» чизиқлари бўлмоғи керак. Ҳатто шу аниқланаётган чизиқ «охирги» чизиқлардан бири бўлганда ҳам спектрда, албатта, интенсивлиги бундан кам бўлмаган бошқа «охирги» чизиқлар бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, қўйилган масалани ечиш учун, спектр чизиқлар жадвалидан намунада борлиги гумон қилинаётган элементнинг ишлатилган ёруғлик манбаида уйғонадиган 2 - 3 та «охирги» чизиғининг тўлқин узунлигини ёзиб олиш ва уларни шу спектрдан ахтариб топишга ҳаракат қилиш керак.

Тўлқин узунлиги аниқланаётган чизиқ тегишлилиги гумон қилинаётган элементларнинг қайси бирини (ёки қайсиларини) «охирги» чизиқлари спектрда бўлса, ўшасига (ёки ўшаларига) тегишли бўлади.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
electrodes	Электронларни берувчи ёки олувчи қурилма	Device that moves electrons into or out of a solution by conduction.
calibration	Аналитик сигнални концентрацияга тугри пропорционаллик графиги (Прямопропорциональная зависимость концентрации от различных аналитических сигналов)	the checking, adjusting, or systematic standardizing of the graduations of a quantitative measuring instrument.
anion	Манфий зарядга эга булган ион	Ions with a negative charge.
anode	Оксидланиш-қайтарилиш жараёнида мусбат зарядланган электрод булиб унга анионлар ҳаракат қилади	The electrode where electrons are lost (oxidized) in redox reactions
cations	Мусбат зарядга эга булган ион	Ion with a positive charge.
dissociation	Ионларга парчаланадиган	Breaking down of a compound into its components to form ions from an ionic substance.
electrochemical cell	Электронлар ҳаракати натижасида пайдо булган электр токи	Gives an electric current with a steady voltage as a result of an electron transfer reaction.
electrolysis	Электрокимёвий таъсирланиш натижасида кимёвий структурани узғариши	Changing the chemical structure of a compound using electrical energy.
electromagnetic spectrum	Спектрнинг ультрабинафша ва қўринувчи қисмларида жойлашган ютилиш спектрлари молекуланинг электрон ҳолатлари ўртасидаги ўтишлар ҳисобига	Complete range of wavelengths which light can have. These include infrared, ultraviolet, and all other types of electromagnetic radiation,

	ҳосил бўлади, шунинг учун ҳам уларни электрон ютилиш спектрлари дейилади.	as well as visible light.
pH	Водород ионларини курсаткичи эритма муҳитини билдиради	Measures the acidity of a solution. It is the negative log of the concentration of the hydrogen ions in a substance.

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 август “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биологияни йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

20. Акбаров Х.И., Тиллаев Р.С., Саъдуллаев Б.У. Физикавий кимё. “Университет”, 2014, 436 б.

21. Акбаров Х.И., Сагдуллаев Б.У., Холиқов А.Ж. Физикавий кимё. “Университет”, 2019, 540 б.

22. Акбаров Х.И. Физикавий кимё курсидан семинарлар. Тошкент. 2018, 80 б.

23. Акбаров Х.И. Физикавий кимё фанидан лаборатория машғулоти. Тошкент, 2019, 96б .

24. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

25. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. – М.: МАКС Пресс, 2016. – 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

26. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

27. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

28. Стромберг А.Г., Семченко Д.П. Физическая химия. М.: «Высшая школа». 2019.

29. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf

30. Томина Е.В. Модульная технология обучения химии в современном образовательном процессе: Учебно-методическое пособие 2018. <http://bookzz.org/>

31. Тожимухаммедов Ҳ.С. Замонавий органик кимё. Малака ошириш курси тингловчилари учун ўқув қўлланма. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2019 й.

32. Тожимухаммедов Ҳ. С. Органик барикмаларнинг тузилиши ва реакцияга киришиш қобилияти. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2019 й.

33. Тожимухаммедов Ҳ. С. Нитрозофенолларнинг синтези ва хоссалари. Монография. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2020 й.

34. Турабов Н.Т., Сманова З.А., Кутлимуратова Н.Х. Аналитик кимё. // Тошкент 2019 й. 247 б.

35. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

36. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. Методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

37. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

38. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf

39. Золотов Ю.А. Аналитическая химия. Учебник для вузов. Кн. 1,2. - М.: Высшая школа. 2018. 615 с.

40. Шохидоятлов Ҳ.М., Хўжаниёзов Ҳ. Ў., Тожимухаммедов Ҳ.С. Органик кимё. Университетлар учун дарслик. Тошкент, “Фан ва технология”. 2014 йил .

41. Advances in Physical Organic Chemistry. Explore book series content. Latest volumes: Volume 53, pp. 2–104 (2019); Volume 52, pp. 2–143 (2018); Volume 51, pp. 2–219 (2017)

42. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
43. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
44. Ckoog D.M. West. Fundamentals of Analytical Chemistry Brouks/Cole/ Cengage learning USA, 2014.
45. Mitchell H.Q., Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
46. Mitchell H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publiciations. 2015. 183.
47. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
48. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
49. Wolfgang Scharte. Basic Physical chemistry. Germany, 2014.
50. Christian G.D., Analytical chemictry University of Washington, USA, 2009.

IV. Интернет сайтлар

51. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
52. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
53. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
54. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
55. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
56. www.chemnet.ru – химическая информационная сеть (Россия).
57. www.anchem.ru – Аналитическая химия и химический анализ. Портал химиков- аналитиков.
58. <http://www.chemspider.com/> – Химических соединений и смесей, принадлежащая королевскому химическому обществу Великобритании.
59. <http://www.natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси